



ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ НИМА?

«Ўзбекистон республикасида Ўзбекистон республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар», деб ёзилган Асосий қонунимизда. Ушбу кўрсатмага фақат ҳуқуқ-тартибот ходимларининг саъий-ҳаракатлари воситасида эмас, балки бутун жамиятимиз фуқаролари, айниқса ёшларнинг фаол иштирокида амал қилмоқ мумкин.

Тарихий ҳақиқат шундан иборатки, инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш фақат рисоладаги қонунлар қабул қилиш билангина рўёбга чиқиб қолмайди. Бунда аҳолининг мазкур қонунлардан хабардорлигини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, инсон ҳуқуқлари ҳимояси фуқароларнинг ўз ҳуқуқ-буриқларини билишлари, умуман олганда эса ҳуқуқий маданият даражасининг юксаклигига боғлиқ.

Аввало, «Ҳуқуқий жамият нима? У қандай тамойилларга асосланади?» каби саволларга жавоб топаёлик. Тўғри, тарихий тажриба ҳуқуқий жамиятнинг кўп моделлари мавжудлигини кўрсатади. Ҳуқуқий жамиятни қуришда, худди бозор муносабатларига ўтишдек, Ўзбекистон жаҳон тажрибасига, яъни ҳуқуқий жамиятнинг умумий тамойилларига амал қилган ҳолда, ўз йўлини танлаб олди. Ҳуқуқий жамият шу жамиятдаги ижтимоий бирликлар (шаҳар, қишлоқ, меҳнат жамоаси, оила ва ҳ.к.), ижтимоий ташкилотлар (сиёсий партиялар, диний, касбий ижтимоий ҳаракат), ижтимоий институтлар (таълим тизими, дин, сиёсат) ўртасидаги турли характердаги муносабатларни қонун ва ҳуқуқий нормалар асосида амалга ошириш, бошқариш ва ривожлантиришидир.

Ҳуқуқий жамият вужудга келишининг, шаклланишининг асосий шартларидан бири шу жамият аъзоларининг социал нормалар ва юридик қонунларни билишлари, ўрганишларидир.

Ҳуқуқий онг ижтимоий онг шаклидир. У фуқароларнинг ҳуқуқий муносабатларда иштирокида намоён бўлади.

Президентимизнинг 1997 йил 25 июнда қабул қилган «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармонида бу ҳақда дастуриламал кўрсатмалар берилганлигини ҳаммамиз яхши биламиз, албатта. Аввало, ҳуқуқий онг - ҳуқуқий нормаларни билиш ва уларнинг мазмунини англашидир. Шунингдек, ҳуқуқий онг бу муайян жамият аъзоларининг маърифат ва маънавият даражаси ҳамдир.

Мустақил юртимиз аҳлининг ҳуқуқий онгини ошириш учун қандай тадбирларни амалга оширмақ зарур? Асосий вазифа давлат, жамият ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар муштараклиги таъминлашдан иборат. Бу вазифа ҳуқуқий онг асосида шаклландиغان ҳуқуқий маданият воситасида амалга оширилади.

Ҳуқуқий маданият нима? Бу аввало фуқаролар, социал ва сиёсий гуруҳлар, қатламларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини мавжуд ҳуқуқий нормалар доирасида онгли, ўзгалар манфаатига зид келтирмаган ҳолда тасарруф этишидир. Ҳуқуқий маданият фуқароларнинг ўзи яшаб

турган жамият сиёсий-ҳуқуқий тизимини ҳис қилиши, ҳаётий муаммоларини ҳал қилишда ишлатадиган ҳуқуқий билимлари ва малакаси мажмуидир. Шундай экан, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мақсадида фуқароларни амалдаги қонунчилик билан мунтазам таништириб бориш зарур. Шу билан бир қаторда, мавжуд қонун ва қарорларнинг жойларда амалга ошиш жараёнига аҳолининг кенг қатламини жалб қилиш жоиз. Бу эса қабул қилинаётган қонун ва қарорларда ўтмиш аждодларимиздан мерос урф-одатларимизни ҳам ҳисобга олиш заруриятини тақозо қилади.

Айни пайтда демократик институтларни, яъни нодавлат ташкилотлари, жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, жамоатчилик фикрини ўрганувчи марказ, инсон ҳуқуқлари бўйича омбудсмен-вакил, сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларнинг фаолиятини кенгайтириш зурур. Ва ниҳоят, демократик жараёнларни чуқурлаштириш орқали қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд-прокуратура органлари ва матбуот ўртасидаги муносабатлар тизими мувозанатини такомиллаштириш лозим.

Ҳуқуқий маданият аҳамияти ижтимоий тараккиётнинг турли босқичларида турлича бўлади, чунки ҳуқуқий онг ва маданиятни жамиятнинг иқтисодий аҳволи ҳам белгилайди. Жамиятнинг иқтисодий қудрати ошган сайин ҳуқуқий ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш мураккаблашиб боради, бу эса ҳуқуқий маданият ҳам такомиллашиб боришига олиб келади.

Шаклланди ҳуқуқий маданиятнинг ҳаётимизда аҳамияти бекиёс. Жумладан, у фуқароларнинг ҳаётий мақсадлари, вазифа ва буриқларини ҳуқуқий нормалар асосида аниқ белгилашга хизмат қилади; шу мақсадларни, режаларни амалга оширишнинг қонуний йўллари кидириб топишга, яъни ўз амалий, мақсади фаолиятини қонунийлаштиришга хизмат қилади; бугунги бозор муносабатлари шароитига тез мослашишга ёрдам беради; ҳар бир фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ўсиши жамиятнинг ҳуқуқий маданияти даражаси юксалишига олиб келади,...

Ҳар қандай жамият бир бутун яхлит тизим шаклида фаолият кўрсатади. Шу бир бутун тизим алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатадиган иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, маданий-маърифий тизимлардан ташкил топадики, уларнинг мустақиллиги ва алоҳидалиги нисбий бўлиб, аслида бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Шу туфайли бир тизимдаги ўзгаришлар иккинчи тизимдаги ўзгаришларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Жумладан, мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар оқибат натижада ижтимоий-сиёсий ислохотларга олиб келди, сиёсий ислохотлар эса ҳуқуқий ислохотлар ўтказиши тақозо қилмоқда. Шуниси кизикки, иқтисодий ислохотлар сиёсий ва ҳуқуқий ислохотларга эҳтиёж туғдирса-да, ҳуқуқий ислохотларсиз иқтисодий ислохотларни ривожлантириш, чуқурлаштириш мумкин эмас. Яъни иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти янада самарали бўлиши, чуқурлашуви демократик ислохотларсиз асло мумкин эмас. Демак, бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири бу халқимизнинг, айниқса келажагимиз бўлган ёшларимизнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда яққол намоён бўлмоқда.

Хуррам ХАЙДАРОВ,
доцент

ИСТЕЪДОДЛАР МЎЛ

Июль ойининг дастлабки тўрт кунини сўлим Зомин тоғларининг баҳаво дам олиш масканида ўтказдик. Бу ерда ёш ижодкорларнинг навбатдаги семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Биринчи бор сайёр тарзда вилоятда ўтаётган бўлишига қарамасдан, семинар-кенгаш ташиқилий жиҳатдан ҳам, ёш истеъдодларни қайта этиш жиҳатидан ҳам ёдда қоларли тадбир бўлди. Умуман, ушбу адабий анжуманни ўтказишига бош-қош бўлган Жиззах вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси шаънига ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак арзийди.

Зомин семинари ҳақиқатдан ҳам ёш истеъдодларнинг байрами бўлиб, қолди. Аксар қисми мактаб ўқувчиларию олий ўқув юртлири талабалари бўлган ёш ижодкорлар даста-даста шеърлари, ҳикоялари билан бир қаторда худди мана шундай даста-даста ҳолида вилоятларда чоп этилган илк китобларини ҳам кўтариб келдилар. Умуман, семинар бугунги адабиётимиз янада ёшариб кетганининг яққол ифодаси бўлди, десак янглишмаймиз. Ва шу билан бир қаторда семинарга тавсия этилган асарлар магзи тўқлиги, адабий-бадиий унсурларнинг мўллиги, янги услубий изланишларга бойлиги билан ҳам адабиётимизга янги, кучли оқим кириб келаятигандан дарак бериб туради. Балки шу сабаблидир, кенгаш қатнашчиларининг асарлари Абдулла Орипов, Азим Суюн, Йўлдош Сулаймон, Икром Отамурод, Оқилжон Хусан, Маъруф Жалил, Раҳмон Қўчқор сингари халқимизнинг суюкли ижодкорлари томонидан юқори баҳо олди.

Зомин семинар-кенгаши иштирокчилари ҳақида батафсил сўзлашнинг ҳожати йўқдир, деган ўйдаимиз. Зеро, ёзувчи ҳақидаги энг ҳолис гапни унинг асари айтади. Шу боис, томчида кўёш акс этганидай, биз журналимиз саҳифаларида семинар-кенгаш иштирокчиларининг айрим асарларини диққатингизга ҳавола этмоқдамиз. Марҳамат, ўқинг, мушоҳада юритинг, баҳо беринг. Умид қиламизки, бу асарлар Зомин кенгаши савияси ҳақида энг тўлиқ маълумотларни бера олади...

ҲАВОЛАРДАН ШИҶХ КҲАЛҚЛАР КЕЛАР ИСИ...

Нодир ЖОНУЗОК

Биродарлар,
Маҳаллангизда
Бир аёл бор -
Бефарзанд аёл;
Кўп кўзикмас - ийманар сиздан,
Оғриқлари ўзига аён.

Манглайига сингиб кетган туз
Кечалари милт-милт эрийди.
Эри яхши кўради... афсус...
У ҳам яхши кўрар эрини.

Бир-бирига айтмайди тушин,
Яшайдилар бир-бирин асраб...
...Тушунади ҳатто говмуши,
Берар экан оккина ҳасрат.

Биродарлар,
Ҳақ ҳукми етиб,
Қабоғлари юмилган куни -
Мозорига бешикда элтиб,
Алла айтиб кўминлар уни!..

Хайр, хайр... балки алвидо,
Кетмоқликка қилдингизми ахд -
Сизни ўзи кечирсин Худо,
Сизга берсин йўллар қадар бахт.

Коришмасман қисмат ишига,
Ҳаётимдан ҳаққимни олдим.
Суйганларим тарк этишига
Бугун анча кўникиб қолдим.

Тўғри мен - шеър ёзувчи каззоб,
Тўғри мендан чикмас расо эр.
Тўғри сизга не берар азоб,
Тўғри сизга нима керак шеър?!

Тўғри сизни истовчилар кўп,
Сумбатингиз маликага хос.
Сил қилмайди унда талотўп,
Унда сизни йиғлатмаслар, рост.
Чирок эрта ўчади унда,
Фарёд солмас уй тўла китоб.
Киноларга тушасиз кунда,
Ҳатто бетоб бўлмайсиз, бетоб!

Мен-чи? Шоир... Ёзуғим - тоқат,
Ўз-ўзимни тузатолмайман...
Хайр, хайр... алвидо... фақат...
Узр, сизни... кузатолмайман...

Мени севма!
Оч итдек улиб,
Кириб чиқдим дуч келган инга.
Эй, ўн саккиз ёшимнинг гули,
Арзимамайман энди севгингга.

Арзимамайман...
шўрларим енгди...
Нигоҳларим липиллаган шам.
Фақат... нафрат этмагил, энди
Арзимамайман нафратингга ҳам!

Нодир ЖОНУЗОК 1976 йилда Булунгурда тугилган.
Айни пайтда СамДУ V босқич толиби. «Томчилар» номли
илк шеърый тўплами нашр этилган.

Тушимда...
 Турналар кўксимда,
 Бошимда
 Турибсиз, эсимда.
 Севаман...
 Менга сиз,
 Ишонмадингиз.
 Ох, турналар кўксим
 Очиб кўрдилар...
 Мени сиз,
 Энди билдингиз.
 Турналар сесканиб
 Учиб кетдилар.
 Сездингиз,
 Жим турсам
 Кутиб қолдингиз,
 Севдингиз
 Ким десам,
 Кучиб олдингиз.
 Тушимда...

Ф. Туйчиев 1968 йилда Узун туманида тугилган. 1992 йилда Тошкент Ирригация институтини тугаллаган. Ҳозир пойтахтда қурувчи-муҳандис вазифасида хизмат қилади.

Гулчеҳра МУРОДОВА

БАНДИ

Балиқман - эй, даҳр наҳрин
 тўрларига илинган.
 Сузолмайман оқим сари
 Ожизлигим билинган.

Ох, тутилдим, мен - бир банди
 Тақдир отлиқ уммонда.
 Асрайдилар мени энди
 қисмат қурган кўрғонда.

КУНДАЛИК

«Мени-да энди муҳаббатдан ахтаринг!..»
 (Қутлибека)

Душанба

Сендан кечиб эмас, Сени топмоқ - чун,
 Бу кун кетмоқдаман ночор йироқлаб.
 Қайтгумдир Ўзимни топган ўшал кун.
 Исмиمنى унутган чоғда титроқ лаб.

Балки йиллар ўтар бесамар, бенаф,
 Балки сўнги лаҳза топгайман, ҳамроз.
 Фақат бил: Ишқ эмас, Дард эмас, Бахтмас,
 Умринга Гул бўлиб қайтаман холос!

Якшанба

Ёш кетсам, тақдирни қарғаманг, Она,
 Тақдир тариқатин ўтиб бўлдим-ку!
 Ишқ қасрин мухташам пештоҳларига
 «Девона» исмиمنى битиб бўлдим-ку!

Ёш кетсам, умримга ачинманг, Она,
 Умр не?

- Йўл юрмоқ истаб Хумони.
 Умримни нимага сарфлайман, ахир
 Ўн тўккиз ёшимда топгач дунёни!?

Ёш кетсам, тобутни муштламанг, Она,
 Тобутим оғочмас, Ишқнинг оғуши.
 Туфрокни топшириб туфрок илкига
 Шайланар учмоққа бугун жон қуши.

Г. Муродова 1973 йилда Наманган туманидаги Қирғиз-

кўрғон қишлоғида тугилган. 1996 йили Наманган Давлат дорилфунунининг филология факультетини битирди. Ҳозир ўқитувчилик қилмоқда.

Наргиз ЁКУБЖОН қизи

* * *

Болалигим қайт бир кунга, мен билан бўл.
 Юр кетайлик тоғу тошга ушлашиб қўл.
 Соғинчлари -гам-ташвишни унутишиб,
 Олайлик шод подшоҳлигинг қасрига йўл.
 Бир юртки у - осмонида камалаклар,
 Шудринг кечиб шўх-шан юрар аҳолиси.
 Гулзорида тутқич бермас капалаклар.
 Ҳавосидан шўх қулгунинг келар иси.

Ул саройда аробакаш - «жингир-жиргир»
 Ҳар ким келиб таркатади ёғоч қўбиз.
 Қизалоқлар - сочларимиз жимир-жимир.
 Шиша кўзли узук - катта ҳаридимиз.

Попук-попук сочларимиз селкиллашиб.
 То саройдан чиккунича югураимиз.
 «Шакқил-шукқил» думларини ликиллатиб,
 Кетиб қолар, биз қувнашга улгураимиз.

Қалдирғочдек қайтиб келгин, болалигим.
 Сой бўйига борамиз ялпиз тергани.
 Фақат СЕН кам, тортқилаган жамалагим.
 Шўх шамолнинг қачон эди-я келгани...

БАҲОР

Кетди қор чопонин судраб мағлуб қиш,
 Тўкиб қолди севинч ёшин бўғотлар.
 Куртак-уй ичидан мўралаб шодон.
 Кикирлаб қулдилар пушти баргақлар.

Яшил ер остидан униб чечаклар,
 Қуёш-ла висолга шошар қалдирғоч.
 Майин ел бойчечак исин етаклар,
 Тераклар қутлашиб ёздилар қулоч.

Наргиз Ёқубжон қизи (Қосимова) 1976 йилда Водилда тугилган. Ҳозир Фарғона Давлат университетининг V босқичида ўқийди.

Бобур БОМУРОД

ДУНЁ

Қадим бозор, эски дўконсан,
 Кўхна эрур сендаги савдо.
 Кимга яхши, кимга ёмонсан,
 Дунё, дунё, дунё-я, дунё.

Бозорингда нархинг бетайин,
 Кўйинингда тош, қўлларинг майин.
 Аврайвердинг боққаним сайин,
 Дунё, дунё, дунё-я, дунё.

Кимга гулу, кимга пулдирсан,
 Қадамимдан тушган қулдирсан.
 Не қилибди баъзан қулдирсанг?!
 Дунё, дунё, дунё-я, дунё.

Бўлса ҳамки ишларинг чигал,
 Оқибатда ҳисобинг тугал.
 Сени ахир, ким тузди азал?!
 Дунё, дунё, дунё-я, дунё.

Турфа кўйга солдинг йўлимни,
 Адаштирдинг ўнгу сўлимни.
 Ололмадинг лекин кўнглимни...
 Дунё, дунё, дунё-я, дунё.

Бухоро



Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ



БОЙЧЕЧАК

Кун бўйи қор ёғди...

Дераза оллидаги олма дарахти қорнинг залворидан мунғайиб турибди. Куча жимжит. Ҳар замон бир-икки одам ўтиб қолади.

Мен сандал ўрнатилган иссиқкина дахлизла ташқарига тикилиб ўтирардим. Сандалнинг нариги томонида укам титлиб қолган «Табиат» китобининг расмларини томоша қилар ва ёнида ўтирган сингилчамга ўзича уларни тушунтириб берарди. Ён томонимда энам ётарди. Энам дахлизни қоплаган исриқ тутунидан кўзларини юмиб олган, чуқур-чуқур нафас олар, дам-балам инграб кўяр эди. Пешонасини рўмол билан қисиб боғлаб қўйганман. Кеча иссиғи баланд эди, ҳозир бироз тушган. Қаттиқ шамоллаган, дейишли...

Кеч қира бошлади. Туриб, чирокни ёқдим. Керосини кам қолибди-лишллаб, ёниши қийин бўлди. Шу оқномга етиши дарғумон. Электр чирок эса уч кундан бери йўқ, кучли шамолла қаердалир сим узилганмиш. Сингилчамнинг дастурхон титкилаётганини кўриб овқат эсимга тушди. Ошхонага ўтиб, туш пайти тайёрланган макарон шўрванинг тагига олов ёқдим. Дахлизга бошимни суқиб, укамга «овқатга қараб тур», деб тайинладим. Эшикни ёпаётиб энамга қаралдим: энам бошини хиёл мен томонга бурди, пешонаси тиришли, лаблари гапиришга чоғлангандек титради, бироқ кўзини очмай, инграб қўйди.

Оғилхонадаги молларга сомон бериб келганимда сингилчам Азиза йиғлаб ўтирарди.

- Ҳа, нега йиғлаяпсан?

- Фарход акам урди, - деди баттар шикиллаб. Фарходга юзландим.

- Нимга урдинг?

- Ўзи нонни ушатиб ташлади... Ҳозир овқат испийди, десам ҳам, ярмини еб қўйди, - деди тўнғиллаб у.

- Шунга урасанми? - дарров асабим кўзиб бақириб юбордим. - Бу ҳали қичкина бўлса... Ўзинг шунни тушунмайсанми? Агар яна...

Девор томонда ётган энам йутала бошлади. Ичимда ўзимни қойдим: «Зарилмиди «али-бали» қилиш?». Бироз каловланиб қолдим. Токчала

ҲАЛОВАТ ҚАЪРИДАГИ ОҲАНГ

Ҳикоялар

турган чойнакни олиб, боши томонга чўккалалим. Йўталганида энамнинг юзлари вужмайиб, пешонаси тиришиб кетар, гавласи кучсиз силкинар эди. Шу тарика анча кийналди. Бироздан сўнг, ўтиб кетди. Кўзларида бир-икки томчи ёш пайдо бўлганли. Мен оғзига илик чой тутдим.

- Керакмас.. Ух.. Вой жоним-ей..

Энамнинг овози хорғин ва зўрға чиқарди.

- Ўғлим.. Отанг келмалими?

- Йўк.. Бугун келмаса керак, - дедим мен. - Бугун жума-ку.

Отанг кўшмак чеккасидаги фермала ишлар, хар жума кун кечки навбатга ўша ёкда колар эди. Энам «дарров жума кеп кўйлими?» деганлек ажабланиди, озроқ чўккан, толлққан кўзлари менга маъноли тикилди. Ётиб колганига икки кун бўлди; икки кундан бери уйлаги хамма ишларни ўзим қилайман. Мактабга хам борганим йўк.

Овкат сузиб келдим. Фарход Азизалан бекорга жиғибийрон бўлмаган экан - нон тугабди. Охириги бир бўлак нонни бўлишиб едик. Азиза ўзини айбдор ҳис қилмас, кайтанга тўйганидан мамнунлек кўринар эди. Беихтиёр жилмайдим.. Энам гавласини базўр кўтариб, овкатдан озгина ея олди, чой хўшлади. Боши айландими, яна ётди.

- Ўғлим.. Нон тугаган бўлса.. кўшниларида олиб тур. Тугалсам.. ўзим ёпаман.. - деди оғир тин олиб. - Овкат қилишни урганибсан.. Ширин бўти.

Мен Фарходга юзландим. У «шўр қилгансиз» деганди. Лекин, энам.. астойдил гапирарди. Овкат эса, ростдан хам шўр эди. Нималир демокчи бўлдим-у, айтолмалим.

Чирок хар кунгилан кўра хира эди. Пасайиб бораяпти. «Ишкилиб, етсинла» деб уйлардим. Фарход бошини сандал четига кўйиб утирарди; «дарсингни тайёрла» дедим отамлайин жиллий қилиб. Ўзим эса Азизани ёнимга ўтказиб санашни ўргата бошладим. Азиза жажжи бармоқларини бирма-бир қисиб, айтганларимни такрорларди. У олтигача санай олар, колганига алашиб кетарди. Энам биздан кўзларини узмас, бағрига олгүлек алфозла мехр билан тикилиб ётарди.

Вакт жула секин ўтарди.. Бир пайт жим-жит кўчалан бир гала боланинг овози кела бошлалди. Хайрон бўлганим - уларнинг овози эмас, айтаётгани эди. Болалар зўр бериб «бойчечак» айтишарди. Шу корда-я?». Хаёлимга дарров шу савол келди. Қизик..

*Бойчечаким бойланди,
Боийчечак, боийчечак.
Қозон тўла айронди,
Бойчечак, бойчечак.*

Бу кўшиқни қичкиналгимда мен хам бир айтгандим. Хеч эсимдан чикмайли ўша кун. Бир гала бўлиб, то ярим кунгача қишлоқ айлангандик. Ўзимдан икки-уч ёш катта болаларга қандай эргашиб кетганимни билмайман. Кўчама-кўча «бойчечак» айтarkanмиз, менинг овозим энг жарангли бўлиб чиқарди. Хурсандлагимдан

жушиб кетгандим. Унутилмас завқ эди.. Ўйга ўша кайфиятла совкотиб (буни аввалига сезмаганман) кириб келганимда, остонада турган энам тўсатдан бир шаналок туширганли. Аввал кўркиб кетиб, сўнг, табиийки, йиғлагандим. Ўксиниб йиғлаганман. Энам эса тинмай койир, сўрамасдан чикиб кетганим учун жахлидан тушолмас эди. Энамнинг мени гузарнинг хар битта уйилан сўраб чиккани, излайвериб хунов бўлганини ўша лахзала билмагандим. Кейинрок ховурдан тушгач, ўзи бағрига олиб, «бир оғиз айтсанг бўлмасмиди, болам?» деганлагина айб ўзимда эканини сал-пал фахмлай бошлаган эдим. Аммо, «бўлди, бўлди» дея пешонамдан ўпиб, тасалли берса-ла, барибир пикиллашдан ўзимни тўхтатолмас эдим.. Энамнинг бошка урганини эслолмайман.

- «Бойчечак» айтяптими? - сўрали энам жиндак сергак овоз билан.

- Хм..

Болаларнинг овози дам кучаяр, дам пасаяр эди. Чамаси, уй эгалари чикмаётганли. Факат бир мартагина жим бўлишди - биров чикди, шекилли.. Болалар учун бу қанчалик қувонч эканлигини билардим. Эсимда бор: бир кекса момо бир ховуч-бир ховучдан туршак улашиб берганида, бошимиз осмонга етгач, ўша момони хаммамиз яхши кўриб қолган эди.

- Ўғлим..

Охиста чиккан овозла аллақандай титрок бор эди.

- Нариги хоналагин.. шкафда.. пул бор.. кутичанинг ичида.. Бир сўмликлар.. Ўшани олиб.. улашиб чик.. майиздан хам ол.. Яхшиликка.. Ухх..

Энам гапириб бўлгач, толлқлими, тез-тез нафас ола бошлалди. Йўталгиси келаётганлек бошини ёнбошта бироз эгли-ю, йўталмалди.

Мен ўн сўм пул билан бир таксимча майиз олдим.

- Ака, улай кимга? - сўрали Азиза мўлтираб.

- Аёз бовага, - дедим жилмайиб. - Шуларни берсак, бошка қор туширмайли. Сенам совкотмайсан.

Ташқарида яна майлалаб қор ёға бошлаганди. Болалар дарвоза олдила айтишарди. Мени кўриб жим бўлишди.

- Ха, болалар? - дедим.

Бешта экан, бешаласи хам ёнимга келишди:

- Ассалому алайкум, Зокир ака?

Кеча ойдин бўлса-ла, юзларини таниб бўлмасди.

- Сенларни танимаяшман?

- Биз нариги гузарданмиз, - деди биттаси.

- Ўзи ростдан хам борми? Кўрсатинглар-чи?

Гапонрок экан, яна бояги бола:

- Биз бекордан-бекорга юрмаймиз. Салим, гугуртни ёк, - деди.

Устимиздан майдалаб қор ёғарди. Бешаласи хам бир жойга уюлиб, қордан пана қилиш учун энқайишди. Мен хам энқайдим. Биттаси гугурт ёкди.

- Мана-

Бир кўнидан пиёла чиқарди. Лойтупрок тула пиёлала бир дона бойчечак турарди. Майлагина, беғубор гулчалари иссик бағирдан чикканидан совукла жунжикаётганлек, дирдирай бошлади. Уни кўрмаганимга кўп йиллар бўлганди. Махлиё бўлиб коллим. Гугурт ўчди.

- Яна ёк-чи, - дедим. Ёкли - яхшилаб томонга киллим. Баривир, бир лахза. Қайта-қайта кўргим келаверди. Тўрт марта гугурт ёктирлим.

- Зокир ака, бўлди-ла энди, - деди ахийри гапонрок бола.

- Шу корла каердан топдиларинг? Хали-

- Топдик-ла. Гултувакла ўсган бу.

- Хўп, мана, олинглар-

Бешовининг хам кўлларига пул тутказиб, чўнтакларига майиз солиб чиқлим. Улар яна «бойчечак, бойчечак» дейишганича уйлан узоклашишди. Қўлимда таксимчани ушлаб, орқасидан караб турарканман, юзларимга, кичрикларимга қор учкунлари урилар, менинг эса хаёлим уларда эди. Юрагим тўлкинланиб кетди, болаликдаги ўша завқни кўрсалим.

Дахлизга киришим билан, энам менга карали.

- Бердингми?

- Ха-

Мен тагин лишиллай бошлаган чирокни баландлатдим. Хонага жимлик чўкли. Азиза ўзича нималардир деб ичирлаганича, китоб варақлай бошлаган, Фарход эса ҳар замон гурун тортиб кўяркан, ёзмай хунов қилаётган ручкасини ёздирмоқчи бўлиб ҳалеб уринарди.

- Шунча йил... бирпасла ўтиб кетди... Сен... жула тез катта бўлдинг... - деб колли энам ўз узидан. Нигоҳлари чироқла эди. Юзига тикилиб коллим. - Ўша пайт... биринчи синф элинг-а?.. Ҳозир битираясан...

Дирровангладим. Ўзимни тушунмаганга олиб

- Нимани айтаянсиз эна?.. дедим.

Энам гапимга эътибор бермади.

- Қара, шунча йил ўтибди... Бир пайтлар... ухх... сен хам айтгандинг-а? Уйга кеч кириб келганинг... Ухх... жоним-ей...

Чилай олмалим. Ич-ичимдан нималир тошиб кела бошлади, юрагим хаприкди. Кўзларимга ёш қалқди. Ўз-ўзимдан уялдим. Ўзимни энамнинг бағрига отгим келди. Ботинолмалим, факат иссик кўлларига юзимни босдим, кўзёшимни қафтларига яширдим.

Хиралашиб қолган дахлиз бирдан ёришгандай бўлди...

УЧРАШУВ

Йўлакнинг икки томони хам гулзор эди. Ранг-баранг гулларга караб дилим яйрарди. Қанчалар гўзал! Учрашувни шу ерга белгилаб тўғри қилгандай. У гулларни жула яхши кўрарди. Ям-яшил майдонча. Қатор мажнунтоллар. Нарийёк - кўча. Рўнарала кинотеатр.

Белгиланган вақтдан ўн минут ўтди. Йўлак томонга каралим ва... қувониб кетдим. У гулзор бўйлаб келарди. Ўғнидаги пуштиранг куйлак хам гулга ўхшайди. Бунча чиройли бўлмаса! Қалам товушлари юрагимни хаяжонга солди. Қаршисига югурдим. У жилмайди.

- Яхшимисиз? - уялинкираб табассум қилди у.

- Ўзингиз яхшими?

- Узр...

- Менга келганингизнинг ўзи байрам. Ўн соат кечиксангиз хам утираверардим... Кетдикми?

- Бирпас ўтирайдик.

Атроф гўзал. Оламлар бошқача бўлиб қолгандай. Яшаш қанчалар яхши!

- Гул олмайсизларми?

Нигоҳимни унинг хумор кўзларидан олиб, шундоқкина олдимизда бир туш чиннигул ушлаб турган болага каралим. Бола 13-14 ёшларда эди. Бизга кизикиш биланми, илжайиб караб турарди.

- Оламиз, албатта, - дедим мен ва гулларни кўриб янала яшнаб кетган чехрага боқдим. - Оламиз!

- Нечта? - суралди бола.

- Ҳаммасини!

У биллагимдан тутди.

- Нима қиласиз бунчани?

- Сизга-ла...

- Куйсангиз-чи... Керакмас.

- Йўқ, ҳаммасини оламиз.

Гулларни олиб, унга тутказдим. Бола билан хисоб- китоб қилгач, унинг ёнига чўклим. У кичикизил гулларга бурканиб қолди. Унга яқинроқ сурилдим.

- Ярмини олсангиз хам бўларди. Пулни тежаш керак, ахир, - деди у койитаннамо.

- Биласизми, сиз учун...

«Объё»

- Гугурт борми, ака?

Бошимни кўтардим. Қаршимда 13-14 яшар бола.

- Нима дейсан?

- Гугурт борми?

Болалан кўз узмай чўнтак қовлаштирдим.

- Сизни маст деб ўйлабман, - деди у менга караб.

- Нега?

- Кўришингиз...

Ростдан хам, соколларим ўсиб кетган, кийимларим кир, хуллас, мастлар қиёфасида эдим. Устига, қорним хам оч эди. Хиждолатданми, жилмайдим. Озроқ уялдим хам.

- Чекасимизми?.. бола сикарета тутказди.

Ўзимники бўлмагани учун олдим - чекким келарди. Кўпдан бери ишлатилмаган гугуртни ёқдим. Тутатдик. Бола йўлидан кетди.

Бошим гувиллай бошлади. Сикарета томоғимни бўғди. Беҳаловат бўлиб ўрнимдан турдим. Сўнг, ҳали тугамаган сикаретани бир чеккаси тугаб ётган ахлат уюмига улоқтирдим-да, ҳазон заргларни босганча, йўлак томон юриб кетдим.

ТАЪСИР

(«Тасвирлар» туркумидан)

Тонг калар тун. Юлдузларга туташган хона. Деразадан кулаган шуъла. Ичкарида оғир сукунат.

Ўргимчак уяси қашишган шифт. Деворнинг балани жунжикиё кетади. Уйкуси келаётган эшик. Хиринглаб кулаётган тартибсизлик. Қалашиб ётган соков дарсликлар ғуғиллашали. Саъри тугаб, ўлиб ётган тўшак. Димикиё кетган чирок.

Сукунатнинг тили аччик. Чукур хўрсиник.

Дарлар мувозанатини ушлаб турган стол. Ўкиё бўлинган асарнинг сўнгги саҳифаси ёпилмаган. Деразадан бакрайиб турган коронғилик. Сочлари тўзғиган, кўзлари толиккан азоб. Сўнгги саҳифа - ғамгин, гўзал - уэзилиё йиғлайди. Кўзёшга тўла дунё. Саҳифага дош беролмаётган нигоҳ, ноилож, ўргимчак тўрларига илашали... «Мен» атрофила айланаётган тасаввур. Тасаввурдан туғилган фарзанл - англаш.

Сукунат - хаёл. Сукунат - чукур хўрсиник.

..Ва яна, уриё туриш иштиёки сўнаётган юрак.

ЎЙ

Лахза. Қорачикла коп-кора дунё. Кириклар ҳаракатсиз. Нафаслар кисиқ. Қуриган лаблар кимтинар. Соатнинг чик-чики кулокка ёпишган. Қамалган товушлар айланар. Асаблар бир жойла тўлғонар.

Лахза. Қорачиклар ёшланили. Кириклар барлоши ожиз. Нафасла ғалати хаяжон. Лаблар ҳам охиста титрайди. «Чик-чик» - узун ва маҳзун эртак.

Кириклар каюкка тушали. Қорачикла яна коронғилик. Пешона излари тортилали. Хотира инграние кўяли. Кўнгилни хислар камрайди. Бутун диққат хотирала. Хотира эса - ёр.

Лахза. Юмилган кўз қорачикларида ёр жамоли. Нафасила ёрнинг нафаси. Лабларида ўнич излари. Ёр кулгуси «чик-чик» ўрнила. Севги сўзлари кўнгилга муҳрланган. Миясила ёр хакила тўлик тасаввур.

Лахза. Бокий армон. Кўзларда ғам. Ўз ўзидан кулиш. Ўз-ўзин жеркиш: «Нега шуни ўйладим ўзи?»

Лахза. Буёғи уйку.

ТОНГ

Тегра туман. Хўл.

Туманга беланар нафас. Нафас ҳам туман. Ёғтал. Ковушлар симирар ернинг хўлини. Шўрлаган левор нам. Тарновла қалтирар томчилар.

Яланғоч ларахт. Жим.

Патлари хуршайган мусича. Ёлғиз. Ёмғирла ивиган шохлар. Ховлига тортилган узун сим. Осиғлик рўмол. Ажиё хил.

Дайди ит. Совук.

Чикиндила суяк йўк. Оч. Оғилхона буғ. Иссиқ. Сигирлар ялпайган - эринчок. Хурознинг томоғи бўғилган. Ивирсий бошлайди коп-кора кўллар.

Қарға қағиллар. Интик.

Атрофла уйку. Сукут. Баланла жунжикиш. Юракла истак. Оқариё кела бошлар. уйғонини.

КЇСКА ХАЁЛ

Бир зумранинг кикир-кикири. Пучалок тўнга беланган кўча. Отаси туширган шапалок. Хайрат.

Сулув сочларга ёпишган нигоҳ. Партага ўйилган исм. Кундузга айланган тунлар. Хўрсиник.

Саккизоёк ўкиш. Юрак расмига тўлган лактар. «Уйлағилар» дея титраган лаблар. Ширин висол. Қувонч.

Зерикё кетган иш. Илжайиб қолган хўшомал. Кунларни улаган зиёфатлар. Пул.

Кексайган хаёт. Юзлаги хорғин ажинлар. Хасса суяниё қолган умиллар. Хотира ва... афсус.

ЁМҒИРААН СЇНГ

Нега кўнглим жим, Бояғи изтироё қани? Қани менинг азобим?

Юрагимла бошланган ғалаён теграмга тинчиё колли. Ҳамма нарса - кокигуллар, гилос гунчалари, сузиё бораётган булутлар ва дирлираё турган мана бу шабнам мени сокиё бир хаёлга чўмишга мажбур қилаяпти.

Шу шабнамга сингиё кетсам, ох.

Кўплан буён кўзларим бу калар роҳат қилмаган эли. Йўк. балким, энли очилаётгандир бу кўзлар.

Нафасимла қанлайлир ўзгариш. Бу хаво! Ютолмай доғламан.

Шу пайтгача нима қилдим?. Ғафлатла элим, ғафлатла.

Мен орзуимни узун ва туманли йўлимдан эмас, бошқа бир жойдан излашим керак. Орзуим шу ерла, шу яқин орала. Фақат, юрагимдан кўрқаман. Ахир, қизғаллоқнинг нигоҳига дош бериш қийин.

Яшил салтанат энг паства. Аммо, булутларни ўзига тез маҳлиё қилали. Унинг бағри кенг.

Бу дунё билан тиллашсам, бу дунё куйларига жўр бўла олсам, қанийди.

Ҳозир майсалар кўйнига қираман. Бу ажиё халоват қаърида таралаётган оҳангни тинглашга эришсам, унга албатта кўшиқ ёзаман. Булар бор-йўғи уша кўшиқ хақидаги орзулар.

Вафо ФАЙЗУЛЛО

РУҲИМ, ҶУМАР ЭККИН,
ЯШИМ САРОБДА



ЖўРАМ

Телба баҳор, келдингми жўра?
Ўн йилдан сўнг сездим шарпангни.
Келасану ўтасан кўрмай,
Бузганмидим ахир капангни?
Мен зор қолдим, мен ёлғиз қолдим,
Музлаб борди тобора қоним.
На севинчга шерик тополдим,
На-да ғамга, гунгсираб ёндим...
Эркаларди бир вақт ҳаяжон,
Дардларимни ўйнарди гуллар.
Ўн йилдирки руҳим паришон
Очилмайди, қулмайди гуллар.
Эҳ, келдингми, тўпори жўрам,
Изларингга бош кўйиб йиғлай,
Тизларингга бош кўйиб йиғлай,
Ўн йилда бир мени ҳам тингла,
Мен ҳам англай, мен ҳам уйғонай...
Телба жўра, афанди жўра...

МУРҒАК СЕВГИ

Уялмоқни ор деб билар туйғулар,
Паҳлавонни кутиб яшар малика.
Кампирнинг қарғиши чолига асир,
Туғилмаган тонглар бўлиб калака:

- Яло, ялосидан,
дарду алосидан.
Қизинг бўлса эрга бер
Кутул балосидан.

Сарпойчанг қуйланар хаёлий намоз,
Кўклари кийилган йиғлайди сувлар.
Азонлар айтади бир жуфт жўрабоз,
Йўқолган ҳаяжоннинг келар бўйлари.

Турналар хатида қайтади осмон,
Муҳаббат тафтида қайрилган тиғи.

Мохирўй, соҳир куй, севаман сени,
Менинг юрагимни севади қайғу!

Орзулар ортингдан судралиб ўлган,
Итимнинг ҳолига солиб ҳар баҳор.
Бедаво туйғулар ўзидан қулар,
Сунбула нарҳига тушибди дилдор.

Бошлардан бош олиб кетади оҳлар,
Бойнинг умри қадар лабларим суви.
Ялоқларга тортилади бир ҳовуч ғурбат,
Бахтиёрлик дардин ўғирлаб гулу.

Севгига ўрин йўқ, муччилар тамом,
Асралиб сўлиган хаё диллари.
Хат битиб қумларга боради қарвон:
- Қизлиги қолмабди йилларнинг.

ЖИНЛАР БАЗМИ

Қадам товушларин кўрдим мен,
Ҳушимни келтирди шарпалар.
Сизнинг болангизни қидирдим,
Ўрилмади эзгин Арпалар,
Эланиб баҳорни эйдирдим!

Жинлар базми ўчган паллада
Жилпангласам шаъмим ёришди,
Меҳр учрамаган далада
Ғийбат ила ҳасрат қовушди,
Сурув-сурув кўклам ишқлари!..

Хайрат устихонин терардим
Бир қизнинг арвоҳи йўқлади,
Нима қолган унга тутгувчи,
Нима қолган ҳамон ўқланган,
Ҳаяжондан қалтирамасман!..

Ўлмасман ҳам ўлигим кўриб.
Чимдилган гулларни хидлайман,
Бинафшанинг атлас куйлаги
Дақиқада яна битлаган,
Бинафша-ла келар ўйнагим!..

Оҳ десам, оҳимнинг сояси
Ўрмалайди хаёлингизга,
Сочингиз бўйинингиз ўполмас
Овлоқ қақшар уволингиздан,
Юрагим шол, туйғум кўполмас.

Гўшангамиз томи булутлар
Соғинади кўнгил ўсмоғин,
Ҳилпираса нимжон ишқимиз

Корлар ёққан жавзо сўкмоғи -
Бўсағада бу тонг қишимиз!..

Лабингизни ахтармас кўзим,
Қоним гупирмайди, ақлли...
Асло эслолмайман ваъдани,
Бўлдим чоғи мен ҳам лақиллаб
Кўкни ташла захрим азаси!..

КЎКЛАМСИЗ КЎНГИЛ

Бу йил ҳам баҳорим кўрмади лола,
Тоғларга чиқишга йўқ ихтиёри.
Ғалати фаслга дунё дўмбира,
Ҳолимга келади исмимнинг ори.

Заволим субҳими очилган имкон,
Оламни тутгандай чақа оҳанги.
Руҳим қулдорлари тутар буғдой нон,
Нафснинг бозорида ранго-рангим чангим.

Азонлаб гулдирар қолганлар тилдан
Тинчлиги туналган вос-восдай мен ҳам.
Май тутган ол лабли қизлари билан
Бир лаҳза кўнглимга кирмади кўклам.

Кўчага отилиб чиқади сабрим,
Туманда санғийди дили оч гала,
Туғма басиринга англагин, Раббим
Тириклик нима-ю тирикчилик на?

Иссиз чечакларнинг кўпини кўрдим,
Ҳаёсиз гунчалар ундан зиёда.
Негадир келадир гоҳо хўрлигим
Бахтсизликсиз яшаб бўлмас дунёда.

Шунда овлоқларга йўқолсам дейман,
Нур ўйнар чўққида овунардим?
Мен ҳам хаёлларга ўзимча бийман,
Балки ҳасратларни ўлдирар эдим.

Ғуборсиз ўтларга кўмилгим келар,
Рақссиз рақсга қараб тўймасам,
Райҳонлар атрига чўмилгим келар,
Қизғалдоқлар билан пойга ўйнасам...

Нега жирканч ғордан чикмайди бошим?
Нега юрагимга кишан солдинг Ҳақ?
Ахир кўнглим кўзи эди сирдошинг,
Бунча гўзалсану бунча хорсан Шарқ.

Нечун телбаланиб тонга бокмасман,
Шамсни қаршиламоқ эди-ку байрам.
Умидим баҳоридан бир гул топмасман,
Юрагим қирқ йил найсон ўтмаган дала.

Ялангтўш чўққилар қайси чоҳларда,
Кунгай тарафларнинг ҳавоси қани?
Ҳаётсиз гунгсирар умр оҳларда,
Янгича муз асри маҳв этар мани.

Завқсиз ташвишларда бормидур маъни?
Онамдан айирган тап-тақир ўтлоқ .
Ахир гул туйғулар эди маҳзаним
Энди гуллар қабри кўнглимда кўпроқ.

Баҳорга эргашмай мен қандай аҳбоб,
Дилбар лаҳзаларнинг тутмасми хуни?
Қандай мен дайдига сўйкалар офтоб,
Ташлаб кетган бўлса шабнам жунуни.

Аъроф саҳросида отим йиқилган,
Зулмат ботқоғида руҳим борурдай.
Кўзимга аёвсиз экин экилган,
Баҳорим, кўнглингни қандайин олай???
Бу йил ҳам Баҳорим кўрмади лола,
Тоғларга чиқишга йўқ ихтиёри.
Дарбадар кўнглидан теради нола
Орзулар қабрига етмасдан зори...

ҒАРИБ

Сунбила сувига чайдим кўнглимни,
Ғарчи ювиб бўлмас гуноҳларим бор,
Ғарчи ғариб кўрдим гулдай умримни,
Беҳаёл бўғзимда тилла боғич дор.

Чайдим, мажнунлар хор, ишқимдан ёдгор
Туйғум чўққисига лолалар илди.
Хотирам қирида кўмилган баҳор
Руҳимнинг бир этак боласи келди.

Не бир даҳшат сирлар томири дилда,
Айтсам ўзанидан чиқади дунё,
Айтсам, телба дерлар тукқан элимда,
Булбулигўёлари ҳақ демас асло.

Чакмоққа минганича келар видоси,
Қани эди мен ҳам қийқириб кулсам.
Мени-да соғинади тонгнинг дуоси
Чайилган кўнглим билан кўкларда ўлсам.

КЕЧ КУЗДА

Бунчалар пирпираб учдинг гирдимда
Баҳорга жуда ҳам интиқмисан сен.
Кеч кузда айланиб келдинг сиримга
Чумчукжон, ўйлама одаммасман мен,
Авлиё, бир иблис тутган кўлимдан.

Тонг олди дайдийман, таскин изламам.
Чанг йўлда нафратнинг ботган излари,
Кул кўмган адирда йиқич ситорам.
Чумчукжон, англама ҳеч он бизларни,
Ўзини куйдирсин Одам ҳислари...

Яланғоч дарахтдан тонса бўлади...
Алвидо айтмаган куз кетиши турш.
Жилмайсанг йиғларлар изиллаб,
Чумчукжон, мен эмас сирфуруш,
Ёмғирни беролгум тизгинлаб!

Ялпизнинг хоки ҳам қолмади,
Райҳонга дил очсам ясар дор.
Шеъримни бир пулга олмайди,
Чумчукжон, атиргул ва беор
Эҳ беор, эҳ бу дор, эҳ бу хор...

* * *

Бокдим. Баҳоримнинг баргида йўқ қон,
Эзгин журъатимнинг сийрати бежон.

Оқин нигоҳимга хезланди кўрқоқ,
Ўрилган орзуларим ўстирди тупроқ.

Парвардигор кечир, эътиқодим ним,
Ким бўлмоғим керак, бўла олдим ким?

Кечалар тўлғонаман, кундуз бефарёд,
Хурлик хаёлмикин, куллик-ку ҳаёт!..

Бир туйғу топдимми ё йўқотиб қўйдим,
Йиллар ўтмай ўзгардим мен, ўзгармай дунё.
Кимлардан-да ҳадиксираб, кимлардан куйдим,
Кечир десам, кечирмагин асло Раббано.

Сабр билан яшагандай эдим бир умр
Пулсиротнинг дами каби сезилмас гуноҳ.
Бир содданинг азобиям севинчидай гўр,
Мени ўзгарт, комил эт, деб ёлвормам Оллоҳ.

Зорим етмас маъволарда соғинч солган дор,
Жонимнинг қай қавагида Дажжол берар панд.
Тасавурум менинг ночор, ақлим қилмас қор,
Сени қандай англай, қандай кўрай Худованд.

Сабо бўлсам, маст-аластга ёқимли дардим,
Сахрога хун сачратганим баҳорий зебо.
Балки шундан сенга ҳаддим сиғди-да Раббим,
Кўрқиб туриб, ўз-ўзимни тутдим норасо.

Энди... ёлғон... кўчаларда эринчоқ қасос
Баҳордаги кесак бўлиб уваланади.
Мен бўғзидан олган кунлар бунчалар ҳассос
Хайратларнинг қарғишида саваланади...

* * *

Шамол телбаланиб дарёдай юрди,
Қайси бир нидолар менга югурди,
Мени ўлдиришга кимлар улгурди,
Нафасимнинг қони кимга буюрди?

Сафо қуйруғида ин қурган йўлбарс,
Кўзим шафағида ўйнаётган хас,
Чўққилар бўйнига лола осил, даст!
Мени мен деганлар қачон бергай сас?

Абрлар этагида туғ илган турна,
Адирнинг бир буржида хотирсиз телба,
Бошпанаси баҳор, меҳроби кунда
Менга мен ҳақимда ҳеч нима дема!

Судрадим чориғимни масикса туя,
Шовқинзорга қочдим дардим қувласа,
Йиғини унутдим бўри увласа,
Нима қилдим энди севинч сўрашса?

Ўтлоқларга кўчди кабростон куйи,
Булоқларга чўккан меҳримнинг уйи,
Кўнглимнинг тўрида-ку ул қизнинг рўйи,
Кўзидан келар эди мусаффо бўйи.

Рухим, гуллар эккин, яшил саробда,
Рухим, кўза яса, қизил шаробга,
Рухим, нағма чиқар, қора рубобда,
Рухим, жонингни тут, малла аҳбобга!..

Ахир, биқсиб қолди исмида вафо...

Салима УМАРОВА

ЭНДИ

САДОҚАТНИНГ

МАНЭНДИ ҚАЙДА?

*Сув келар инжудайин,
Кўпириб тошган сайин
Сендан ўзга ёр қилсам
Ханжарга санчилайин...*

Бу соф ва нолали, боз устига вафдоранг
мисраларни эшитганмисан, аёл?

Сенинг аждодинг, Сенинг қавминг,
истаса ҳамма нарса имконият хорижида
бўладиган шоҳ кизи Зухра, кўнглининг
тўридаги марвариддай асралган
туйғуларни гувоҳи бу сатрлар. Кўксига
илк бора Муҳаббат аталмиш илоҳий
туйғуни уйғотган фақир бир йигитга -
Тоҳирига қарата айтган аҳду каломи,
севги - касамидир бу оғриқли, юкли
терма.

Мен сенда ҳам дафъатан ана шундай
бокира туйғуларни кўргандай бўлувдим.
Аммо Тоҳиринг сафарга (ўқишга,
хизматга) кетган қуниёқ сен аҳдингни
унутдинг...

Не тонгики, бугун Яратган қўшган
Тоҳирингнинг тунги тўшагидан уйғониб
чиқиб ҳам янги-янги «севги»лар
қидираверасан, излаб топаверасан.

Эл севган шоиранинг шундай
мисралари бор.

*... Энди уни айтмоқлик учун
Ном қидириб гоҳ очасан фол,
То ўзгариб кетмасин мазмун
Қанага ҳам келмасин малол.*

Худди шундай сен ҳам ўз гуноҳ
макрингни окламоқ учун ҳар хил фикру
ифодалар, сабабу баҳоналар қидириб
топасан. «Ёшсан, чиройлисан. Умр ўтади-
кетеди. Фойдаланиб, ўйнаб қол!» Бир
«кўпни кўрган» аёл ана шундай ваъзу
насиҳат айлабди, Сенга. Хуллас,
чўқаётган кимсанинг суянган хаси
бўлгулик бу сўзларни айтиб, ўзингни
окламоққа айтойдил ҳаракат қиласан.

Мен эса... кўзларингга тикилиб
қарайман. Синчков қарайман. Уларда
лоқаал вафонинг заррасини,

пушаймонликни шарму ҳаёнинг мисқолини қидираман. Афсуски, ҳеч нарса тополмайман. Ҳақ сўзлар билан қалбингни силкитмоқчи, унда инсоний изтиробни уйғотмоқчи бўламан: Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис салом Ҳадисларида шундай деганлар: «Аёл киши фақат биргина эркакни масъуд қилмоққа ҳақлидир».

Сен бўлса ўша «биргина эркак»нинг - болаларингнинг отасини...

Ахир, дунёвий ҳамма ҳожатингга яраб юрган (хатто бозордан 1 килограмм пиёз олиб келмаган аёлсан!) эрингнинг кўзига бунчалик оғир кечирилмас хиёнатдан кейин қандай қарайсан, қараяпсан?

Лоақал бундай хотинлар учун энг оғир жазо - охират азоби борлигини эсга олсанг бўларди...

Аммо сен мийиғингда кулиб қўясан. Бу кулишнинг замиридан эса «охиратни ким бориб кўриб келибди?» деган нобакор, шаккокона саволнинг жирканч башараси зоҳир бўлади. Беихтиёр, англаб етаманки, Худо сендан аллақачон юз ўгирган. Шу боис ҳам юрагинг аллақачон ботилга айланиб, гуноҳ ботқоғига ботиб кетган...

* * *

Сув келар тош устида,

Румолим қош устида.

Тоҳир эсимга тушса,

Йиғлайман ош устида.

Ҳа, бокира ва мангу муҳаббат соҳибаси Зухра ана шундай порлоқ рангдаги инсоний изтироблар билан яшаганди.

...Бироқ бир кун сен ҳам ош устида йиғлайсан. Во дариғки, Сенинг кўксингдаги бу изтиробнинг ранги бедаво, бетил бир рангда, мағзи-мазмунни эса шармисорликдан иборат бир ҳолатда бўлишига шубҳа йўқ.

* * *

Сув келар ахта-ахта,

Сандигим темир-тахта,

Сендан ўзга ёр қилсам,

Қон ютай лахта-лахта.

Ўз навбатида Тоҳир ҳам ана шундай аҳду вафо қилган ва ҳижронзадалиқнинг оғир-азобли йўларида ўз севгисини-севгилисини ҳеч қачон унутмаган. Учраган ҳар не сулувларга, маликаю паризодаларга қиё боқиб анграявермаган...

Сув келар сузукмиди,

Қўлингда узукмиди?

Узоқдаги Зухраҳон

Биздан ҳам тузукмиди?

Тоҳирга бир боқишда ишқи тушган гўзаллар гўзали малика Ҳадичабонунинг ана шу изҳори дилига лаҳзада мана бундай рад жавобини қайтарган:

Сув келар сузуккина,

Қўлимда узуккина.

Узоқдаги Зухраҳон

Сиздан ҳам сулуккина.

Аниқроғи, аҳду вафосининг рамзи бўлган қўлдаги узугини кўнгил ардоғида асраб, Зухрадан сулувроқ қиз учраса-да, у ўз муҳаббатига хиёнат қилмаган. Минг бир машаққат билан йўл тортиб бўлса-да, Зухрасининг дийдорига интилавверган.

Лекин бугунги мардлар даврасининг, аксариятида Тоҳирининг ўрни бўш. Садоқат, собирлари йўқ кўнгилларнинг. Лоақал эрмак, дилхуши қилишнинг кўзлаган аёли ҳақида «синглим бўлса-чи шу, хотиним бўлса, нима бўларди?» деган ўйу андиша кўчасига кирмаган ўхшайдилар. Улар қалбида фақат алдов-ёлғон бор, ишрат-ишқибозлик ҳаваси гуриллайди. Бу ҳавас адоғида эса шум хиёнат қаддини кериб туради.

Энг ёмони шоиранинг:

«Эрининг йўғида хотин гулласа,

Эр тутокмай қўйди, бу не синоат?»лиги... Бу бугун қай бир даюс эркак қиёфасига чизилган нақадар ҳаётий чизги эмасми? Бўлмаса, эрман дегани кўғирчокдай безаниб, кунига бир очилиб юрган, танасида зигирча дарднинг сояси кўринмаса-да, йилига икки марта дам олиш-даволаниш масканига «чопаётган» хотинининг хатти-ҳаракатлари билан қизиқиб кўрмасмиди? Ўздан кўра кўпроқ «аҳвол сўраб» бориб турган нобакор «ўртоғи»нинг КИМлигини билиб олмасмиди, тутақиб ёнмасмиди?!

Сув келар пўртанадай,

Оқиб очиқ - панадан.

Сендан ўзга ёр қилсам

Жон айрилсин тангдан.

Тоҳирнинг тили-дили, дард-дунёси ана шундай деб нидо қиларди. Зухранинг кўнгли - Юраги ана шундай деб садо берарди...

Не тонгки, уларнинг бокира муҳаббату инсоний изтиробларини тушунган, қизганган, соғинган бу Кўнгул бугун гоҳ алдову ёлғон, гоҳ фаҳшу хиёнатлар билан ёниб-қоврилиб кечаётган ҳаёт ичидан Тоҳиру Зухраларни қидираётгир. Ахир, мен ҳамон ишқ сикқан юракка садоқатга ҳам муқим ўрин бор, деб ишонаман!



Ғайрат МАЖИД



КҮЗИМДА ИЗФИЖАН
ИЗЛАРИНИ ҚАЙДА?

* * *

Сен тилларимни суғуриб олиб,
Бошимни ҳам олиб ташлайсан.
Кўлларимни кесгандан кейин,
Синдириб ташлайсан оёқларимни.
Барибир кўнглинг тўлмайди,
Тилкалайсан юрагимни ҳам.
Ўшанда лол қоласан -
МЕН оёқсиз чопаман сенга.
Кўлларсиз ҳам кучавераман.
Тилсиз тиловат қиламан
ИСМИНГНИ.

* * *

Бир култим меҳрим йўқ бечора дилга,
Бўғзимда яхлаган сўзларим армон.
Ай, дунё сен қандай дунёсан ўзи,
Кўнглимдек сарғайган сўзларим армон.

Қанчалар суяман келгин, келсанг-чи,
Кўзимда изгиган изларинг қайда?
Менинг кўзларимга айландингми, о,
Муҳаббат, о, сенинг кўзларинг қайда?

Ўзимни алдайман, кетдим қийналиб,
Сени алдамоққа етмайди кучим.
ИШҚнинг кадрдон оғриқларидан,
Ёниб бормоқдадир вужудим, ичим.

Баланд тоғларимнинг қорлари қани,
Эриб оқадиган ях-музим йўқдир.
Бир умр бўйида яшайин десам,
Анҳорим йўқ маним, ялпизим йўқдир.

* * *

Ичиқдим. Онажон сени соғиндим,
Эркаланиб ҳолинг сўргим келмоқда.
Билагинга бошим қўйганча тагин,
Кичкина Ғайратни кўргим келмоқда.

Жонимга ҳам тегди ғийбатчи - шаҳар,
Даҳридун устимдан зўрлик қиляпти.
Қирқкиз тепалари, о, бирам гўзал,
Шаҳар кенг бўлса ҳам торлик қиляпти.

Бугун қайтаманми, эрта қайтаман,
Оппоқ соғинчларим - нолалигимга.
Мени Булбуллакка қайтмоғим осон,
Қандай қайтса бўлар болалигимга.

* * *

Қадар найзаларин кўнглимга қадар,
Қултум сифатингни шеър қилолсам гар,
Қофия ёнадир, тuroк ёнадир.

Ўнгимда ўнгимсан, сўлимда сўлим,
Сен кимнинг гулисан, айт, ўзинг гулим,
Сўрсам, сўрайверсам сўроқ ёнадир.

Тополса бир-бирин йўқотган кўзлар,
Мени кўкламларга чорлайди кузлар,
Сўнг сарғаб-сарғайиб яфроқ ёнадир.

Ичсам, тўйиб ичсам ғамимсан-майсан,
Ўлсам битта мени кўма олмайсан,
Гуриллаб-гуриллаб туфроқ ёнадир.


УСТОЗИМГА

Бу тун.
Бугун юрагимни майдалаб,
Бургутларга бераман. Кейин,
Менинг умрим чилпарчин бўлар,
Майсаларни босганим сайин.


Бу тун.
Бугун юрагимни майдалаб,
Ишққа қўшиб ичаман. Кейин,
Менинг умрим юксалиб борар,
Майсаларни суйганим сайин.



Кўчқор НОРҚОБИЛ



НОРОЙЛУ



Қисса

Уруш ва тинчлик мавзуси инсон қалбининг абадул-абад изтиробга солади. Қалб кечинмалари такрорланмас бўлганидек, ҳар қандай уруш манзараси такрорланмасдир. Шўронинг Афғондаги босқинчилик ва беъманидан-бемани уруши эса айниқса такрорланмас ва даврлар ўтгани сайин виждонларни азобга солувчи шармандали воқеа бўлиб қолади.

Қ.Норқобил ўша урушнинг жонли гувоҳи. Қиссадаги ҳикоя қилувчи - Мен шоиртабиат йигит. Уруш манзараларини бундай қалб призмасидан ўтказиб ҳикоя қилиш нақадар оғирлиги, бошқача айтганда, уруш ШОИР ҚАЛБИГА мутлақо ёт нарса эканлиги асарнинг МАРКАЗИЙ МАФЗИНИ ташкил этган. Жанг, одам ўлдириш, босқинчилик, умуман ҳарбий ҳолат кўзга тушган зарра ёхуд томоққа қадалган қилтаноқ каби шоирнинг қалби учун бегона! У уруш билан чиқиша олмайди, ҳар лаҳза-ҳар дақиқа осудаликка, меҳр-муҳаббатга талпинади. Ичиш, чекиш, аёл меҳрини туйиш - шулардан таскин-тасалли излайди. Булардан ҳам юксакроғи - ҳикоячининг жонини ҳаёл қутқаради.

Қиссани ўқиб туриб «Ҳаёлот дунёси бўлмаса, одам ваҳшийлашиб кетган бўлур эди», деган машҳур гап ёдга тушади, унинг ҳақлигига иймон келтиради киши.

Қаҳрамоннинг Лилия билан тасвирланган лавҳаларни мароқ билан ўқий туриб бир мулоҳаза тугилди: Афғонистонда жанг-уруш адоқсиз давом этишининг жиддий сабабларидан бирини кашф қилгандек бўлдим: афғон эркаклари аёлларини инсон ўрнида кўрмайдилар! Башарти, бунинг акси бўлганида қачондир уруш бир оз бўлса-да, тўхтар эди. Озаяр эди!.. Ахир афғон аёллари ҳам аёл-ку, улар ҳам болам-чақам деб тинч-хотиржам яшашни истайдилар-ку?! Лекин эркаклар бу эзгу истакларни сариқ-чақага олмайдилар...

Назаримда, қиссанинг адоғи йўқдек. Чиндан ҳам қанча кўп ёзса шунча кўп нарса қолиб кетаётгандек туюлади. «Душман» томон анча оз кўринган. Шафқатсиз, ҳиссиз одамлар касофатини кўрсатувчи лавҳалар кўпайса шиддат ва руҳий зиддият, тўқнашув кучаяр эди. (Кўлга тушган, қалтакланган афғон йигити, саватга қўшилиб кўкка соврилган қиз лавҳаси даҳшатли... ва ажойиб тасвирланган).

Асар яна давом эттирилиши керак, муаллиф зиммасига олса уни тарихий урушнинг бадиий ҳужжати даражасидаги романга айлантириш мумкин. Лекин шу ҳолича ҳам, «Ёшлик»да эълон қилиниши мумкин, эълон қилиниши ҳам керак.

Хуриш ДЎСТМУҲАММАД

Мен ҳаммасини, бор ҳақиқатни
ёзишга ҳаракат қилдим,
афсуски, ҳеч нарса ёзолмадим.

Муаллиф

1

Кун бўйи осмоннинг зардаси босилмади. Кечга бориб тагин ёмғир авжга чиқди... Ҳаво совиди. Бир хил шаклда картондан ичига қум, тупрок, кесагу харсанг солиниб тикланган казармалар, деворлари тунока ошхоналар аллақандай ваҳимали. Яхшиямки, деразалардан хира ёғдулар кўзга ташланади. Қисмининг саф майдони шунчалар файзсиз кўринадики, агар зобитлар штаби томига ўрнатилган карнайдан ҳазин мусиқа янграмаётганда эди, борликни гўё юракни тилкаловчи нохушлик қопларди. Йўлаклар бўйлаб ҳамда казармалар қаршисида одам бўйи қад кўтариб қолган арча, терак, чинорга боқиб ўйлайсан, инсон хамиша ўзига тирикликдан таскин излайди, яшашни яхши кўради. У гарчанд уруш комида қолган бўлса-да, эртага ҳаёти нима билан тугашини сезмаса-да, яшашнинг ҳеч ким кашф қилмаган қонунлари измидан чиқолмайди. Дарахт экади, ёки манови совуқ биноларни (ҳеч қанақа эҳтиёж бўлмаса ҳам) бўяб чиқади, йўлакларга тош ётқизади, казармалар олдида оёқ буюмларни тозалаш учун махсус қурилма ясайди, бу ҳам етмагандай, ҳар бир эшик қаршисида чекиш хоналарини қуриб ташлайди, хуллас ўзини чалғитади... Эртага бу қисмининг аскарлари жангга чиқади... уйларни ёндиради, сувларни заҳарлайди, боғларни ёқиб юборади, одамларни ўлдиради, ўлади, неки бор қирилади... Булар кирган боғларда мангу кузак бошланади... умуман, уруш чоғи қилинган ҳар қандай «савоб» иш иккиюзламачилик каби ифлос бир тушунчадан ҳам шармандалироқдир... Урушда юрганлар ўзини яшашга ҳақли эканликларини одам ўлдирибгина исботлайдилар... У дарахт экадими, мусиқа тинглайдими... нима бўлса ҳам ўзидан ташқарида, овуниш учун бажаради... Аскар тирикчилигига ишониш учун кўзлари дунёни кўриб турса бас... Манови казармалар, атрофи тоғлар билан ўралган қисм ҳудуди, кун чиқиш томондан Қобул шаҳрининг бадинга уриб кетган совуқ кўриниши... кийим бошлари, бирхил., ўй-хаёллари сеникидан деярли фарқ қилмайдиган тирик ўлик тақдирдошларинг, беъмани кечаётган қунарлар - ҳаммаси, хуллас, бир умр - эсдан чиқмайдиган дунёдир...

Мен бошимга бу ўйлар қаердан илашиб қолганига ҳайрон эдим. Қисмини тош қоплаган йўлаклар бўйлаб айланиб чиқдим. Кийимларим нам бўлиб кетди... Агар ҳаво оғирлашгудай бўлса, айниқса, ёмғир ёққан маҳали роса сиқиламан. Шунинг учун ҳам казармага қайтишни хоҳламадим. Пахталик ёқасини кўтариб, то артелериячилар казармасигача бордим. Казармани айланиб, қисм штаби ёнидан ўтаётганимда, ичкаридан чиққан пропоршик сигарет сўради. Ўзим ҳам битта «Донские»ни тутатдим. Пропоршик об-ҳаводан нолиди. Агар жангга чиқмасак қисмда ёрилиб ўламан, деди у. Мен ундан неча йилдан бери бу ердалигини сўрадим. Инқилоб бошланган кезлари Баграмга келганман, кейин уч йил Жалолобод, икки йил Гордез, икки йил Қундузда бўлдим. Тўрт йилдулки Қобулдаман, деди. Пропоршикнинг иккита Қизил Юлдузи бор экан. Гап оҳангидан унинг уришавериб кўзи қотиб кетганга

ўшарди. Мен сездим... пропоршик ёмғирнинг эзворганидан эмас, қисмга навбатчи бўлганлиги учун нолиётганди. Бунақа юмишларни жанг кўрганлар ўзига ор санар, урушга энди келганларнинг иши деб билишарди. Пропоршик яна иккита сигарет қолдиришимни илтимос қилди. Мен казармага яқинлашганимда, эшик олдидаги ротага яқинда келган навбатчи аскар овоз билан қисқирди:

- Тўхта! Парол икки!

Менинг кулгим келди... Чинданам кеча келган аскарлар ғалати бўлади. Хар бир ишни қойилмақом қилиб бажаришни, қахрамонлик қилишни яхши кўришади. Йўқса, қисм ичкарисда душманга пишириб қўйибдими, бунча эҳтиёткор бўлмаса бу «чижикча»лар. Агар бунинг ўрнида «кекса»лардан бўлганида парвойига ҳам келмасди. Ўргулдим сендай хушёр аскардан... Мен унга эътироз бермай яқинлашавердим. Аскар яна қичқирди.

- Тўхта, Парол икки!

Менинг ғашим келди. Бироқ бу касофат айтганини қилмасам отиб қўйиши ҳеч гап эмасди. Парол бу кеча олти эди. Мен ҳозир тўрт деб жавоб беришим керак. Чунки, навбатчи қайси сонни айтиб тўхтатса, ўша сонга мен айтган сон кўшилиша йиғиндиси паролга тенг бўлиши шарт эди. Мен тўхта турдим. «Чижик»ча тагин қичқирди. Казармадан рота командири чикиб келди. Мен энди паролни навбатчига эшиттириб бақирдим.

- Парол тўрт! Ўзингникиман...

Мен командирга ҳарбийчасига салом бериб ичкарига кирмокчи эдим, у тўхтатди.

- Каерда юрибсан?

- Биринчи ротадайдим, ўртоқ катта лейтенант.

- Нега?

- Баъзан хатлар адашиб кетаяптикин. Менга хат бормикан девдим.

- Санқиманглар, бунча. Бир соатдан кейин пашша ҳам учмасин. Ухланглар.

- Хўб бўлади!

Рота командири офитсерлар модули² томонга кетди. Казарма ичи талотўп бўлиб ётарди. Киришим ҳамона пайтоваларнинг сассиқ ҳиди димоғимга урилди. Ҳеч ким ухламаганди. Қий-чув, тўс-тўполон. Биров кароват устида ўтириволиб хат ёзаяпти, кимлардир этигини тозалаяпти, бошқалар гимнастёркасига оқ ёқа тикаяпти, бировлар курашга тушмоқда, гуруҳ-гуруҳ бўлиб бурчак-бурчакда овқатланишмоқда, ташқари чиккишга ҳафсаласи йўқлар казармада чекишмоқда. Кимдир гитара чертиб қўшиқ айтапти. Ҳамма нарса телба тескарисига давом этаётганди. Умуман, урушда ҳеч нима бир маромда, ўз йўлида кетмайди.

Мен ечиниб жойимга чўзилдим. Уст бошимни тезроқ қуритиш учун пар қувурга осдим. Толиққан эдим, казармадаги бақир-чақирларга ҳам эътибор бермай ўраниб ётдим. Тўшак танамга ором бағишлаётганди. Ичим илиди. Шу тобда ҳеч ким менинг тинчимни бузишини истамасдим. Бироқ бир дақиқа ҳам вақт ўтмай кимдир туртди. Ўзимни ухлаганга солиб ётавердим. У яна турткилади. Оғриниб тўшакдан бошимни чиқаздим. Тепамда механигим Ринат турибди.

- Нима дейсан?

- Тур, ташқарига чиқамиз.

- Ўзи ҳозир келдим. Уст бошим ивиб кетди.

- Бир иш бор. Хўп де.

- Ана Мўмин билан боравер...

- Э, у овсарроқ-да. Тур энди.

- Айтдим-ку, мазам йўқ... Қара, кийимларим ҳам ивиб кетди. Кўй, нима қилсанг ҳам ўзинг қил... Бормайман...

Ағдарилиб ётдим. Устимга тўшакни тортиб тагин бекиниб олдим.

Ринат энг яқин дўстим эди. Биз у билан энг оғир чоғларда бирга - битта машинада жанг қилгандик. Тагин қанчалаб кўргиликларни бошимиздан кечиришимиз иккимизга ҳам ноаён бўлса-да, бизнинг ҳаётимиз маълум маънода бир-биримизнинг қўлимизда эди десам, хато қилмайман. Негаки моҳир механиккина ўт ичидан, ўлим чангалидан машинани бешикаст олиб чиқа олади. Ринат ҳам мени ўзича яхши оператор, керакли аскар сифатида ҳурмат қилади. Йўқ, аслида бизнинг битта машинанинг оператор ёки маханиги эқанлигимизда эмас гап, биз бир-биримизни энг дахшатли пайтлар сўзсиз тушуна олардик... Мен Ринатни ҳаммиша оғир жангдан сўнг бағримга босгим келар, бироқ нимадир ҳалал берар... иккимиз ҳам бир-биримизга термулиб босиб-босиб чекардик. Мен Ринатга ўзимни довиюрак қилиб кўрсатгим келарди, айни пайтда унда ҳам шу туйғулар кечаётганига шубҳа қилмасдим. Биз Ринат билан кутилмаганда мангуа ажралиб қолиши мумкин бўлган миллион йиллик қадрдон эдик. Умрининг барча йилларини яшаб бўлган, кексайиб қолган чоллардай ўтаётган кунларга шукрона айтардик. Биз анча олдин ҳеч нарсани кўрмай кўп нарсани билиб олгандик. Инсон қартайиб бўлиши учун жуда кўп йиллар яшаши шарт эмаслигини аллақачон, илк жанглардаёқ ҳис қилгандик. Тез-тез ўлимни ўйлайдиган одамлар ўзларини нечоғлиқ бепарво, иродали тутмасинлар барибир ичларидан тўкилиб бўлишади. Ботинан ваҳм ўтида қоврилаётган одамлар зоҳиран савдойи кўринади, буни бепарволикка йўймаслик учун эса ўша одамларнинг орасида бўлиш, уларнинг бошида ўйнаётган чархи-дун қилмишларидан бир чимдим татиб кўриш кифоя эди. Ротада аскарларнинг деярли ҳаммаси нима қилишини билмай савдойи бўлиб қолишган, улар инсон руҳиятини чилпарчин қиладиган қора кунлар ҳукмини тортиш жазосига мубтало эдилар. Уларнинг ичларини ваҳма таталарди, ҳар лаҳзада ўлиш, ўққа учиш, мианада портлаш, ланъати урушда содир этилиши муқаррар ҳар қандай мусибатни кутиб яшардилар... Менинг назаримда бу ерга жўнатилганларнинг фақат сувратлари қолган, сийратлари тўкилиб кетганди. Дунёда одам боласидай ёвуз махлук йўқ, у ҳамма ишни қойилмақом қилиб бажаради, яна одам боласидай ожиз махлук йўқ, ўз юрагининг азоблари, ботиний оғриқлари, кўнглини қоплаган хижилликдан қочиб қутилолмайди. Хар нарсани, ҳатто бир-бирини қиришнинг-да машқини олган инсон, барибир ўз кўнглидан, юрагидан мағлуб бўлади. Ичкарисе бут одамгина ҳеч қандай кўргуликка ўзини олдирмайди. Урушнинг дахшати ҳам шундаки, унда қатнашганларнинг барчаси мажруҳ ҳолга тушадилар, ботиний туйғулар ўрнида қуйиб-кулга айланган қарахатликнинг бир ҳовуч кули қолади. Одам билан қурол орасида битта кўндок ва тепкичалик масофа бўлади. Мен урушнинг ҳавосига кўника бошлаганим сайин, ўзимни атрофимдагилар, барча аскару зобитларнинг ҳаётдан тамоман узилиб қолгандай ҳис қиляётгандим. Гўё бизни аллақандай ёвуз қўл улкан жинойтларимиз эвазига жазолаш учун шу ерларга,

¹ Чижик - янги келганлар

² Модул - ётоқхона.

ажал қаршисига улоқтириб ташлагандай эди. Биз бу ерларда туйғуларимизни йўқотгандик. Мен инсон кўлига курол ушласа, ҳайвонлар каби бир бирини ғажишдай мунофиқликдан ҳам ҳазар қилмаслигини тушуниб етдим. Ҳайвоннинг инсонга айлануви ҳақида бар нарса деёлмайману, бироқ инсон ҳайвоний ёвузликдан баттарроқ хислатни қандай қилиб яшириб юришига ақлим бовра қилмасди. Инсон курол ушласа, ёвузлик тан беради. Ҳар қандай юраги тоза, маънан соғлом кишиларнинг ҳам ҳаётини уруш яксон қилиб ташлайди...

Ринат тагин турткилади. Кароватга беҳол ўтирдим. У бошимда тик турган кўйи, елкамга кўлини ташлади. Казарма олақуюн-оқтойлоқ бўлиб кетганди. Бақир-чақир авжга минган, ҳар ким билгани билан оввора. Ринат қаршимдаги кароватга чўкди... Ўзига ора берган кўринади, кийими дазмолланган, қора крем суртиб ишқаланган телпаги сиёҳ рангда, қайиши тўғаси, ҳамда телпагига ўрнатилган юлдузчалар ялтирайди, этигиниям бошлабди - роса лак бўяпти-кўзни олади, бунинг устига кўнжини гармон шаклига келтирибди. Унинг ясаани олгани эсанми қотирди. Бу ҳам етмагандай ён чўнтагидан америка сигаретасини олиб лабининг бурчига кистирди.

- Нима гап, жуда ясаани қолибсанми?
- Битта идея бор.
- Менсиз бажарилар идеанг?
- Энди... сенам беҳабар қолма девдим...
- Ошна, мен ётайин, чарчадим девдим...
- Бўпти, бироз эшит... Сен шу яхши боласан-да, одамни тушунмайсан... Бироз сабр қил.

- Тезроқ гапир... айтмоқчи машинани беркитганмидик... Агар рота техниги паркка борғудай бўлса, дабдала қилади...

- Машинани кўйиб тур... ҳа... беркитганман, эшикларига ип тортиб пломба ҳам босдим... Техник туғул армия кўмондони текширсаям ҳеч қандай айб тополмайди.

Ринат этигини ҳам ечмай кароватга ёнбошлаб чўзилди. Телпагини бошига қия кўндириб, олифталик билан яримлаган сигаретни зўр бериб торта бошлади.

- Ринат, майли, сенинг бемаъни гапингга ишониб, ўрнимдан турибман?! Э-э-э...

- Хой, шошма, - у шифтга қарата тутун пурқади, - ҳозир бир жойга борамиз... кийин...

- Эсинг жойидами... Ташқари ёмғир. Бунинг устига ҳамма казармалар эшигига чижиқларни навбатчи қилиб кўйишибди... отиб ташлашади.

- Занғарлар-ей... Жудаям ҳовлиқмада... шу янги келганлар... кўрққанидан қалтираб-салтираб икки соатни зўра ўтказишади... Буларга ишониб бўлмайди, тўғри айтасан. Лекин биз барибир боришимиз керак... бу зарур, хўп де?

- Аввал қаергалигини айт-да, одамга ўхшаб...
- Модулга, билдингми... Бормасак бўлмайди...
- Нима? Модулда нима қиламиз...
- Иш бор... Шивирини чиқармайсан, сени шерикликка олиб бораман.
- Сигаретингдан бер...

Мен Ринат нимага шама қилаётганини тушундим. Бирок бунга сираям ишонишнинг иложи йўқ эди... Бу иш менинг тасаввуримга ҳам сиғмасди. Ринат аёллар модулини назарда тутаётганди... Бизнинг қисмдаги аёллар ҳам хизматга келишганди. Улар қисм ичкарасидаги юмушларни бажаришарди. Улар кирхона, ошхона, қисм штабининг молиявий бўлими, магазин, иссиқлик станцияси, кўплари табобат юмтаси, кўтубхонада ишлашарди. Бирок, уларнинг юмушини

деярли аскарлар бажарарди. Хуллас, қисмда аёллар етарлича эди. Рота нонуштага саф тортган кезлари, казарма олдида кўзни куйдириб, сурув-сурув бўлиб аёллар ҳам ўтиб қоларди... Жангда юрган аскар учун, ҳар қандай аёл бир ховуч нурдай кўринади. Бизнинг казарма билан аёллар модули ораси ўн қадамча келарди. Чекиш жойда сигарет тутатиб, биз аёлларнинг кириб-чиқишларини томоша қилиб ўтирардик. Уларнинг исмини ҳам билардик. Ҳатто неча ойдан кейин кетишларига довр маълумот тўплаб қўярдик. Ишлаш учун келган аёлларнинг нима сабабдан бу ерларда сарсон бўлиб юганини мен тушунмасдим. Жонларини хавф-хатарга тикиб пул учун урушга келишлари мумкинми? Тўғри, улар жангга чиқишмайди, бироқ қисмда ҳам ўлим нафаси сезилади. Урушга чиққан маҳаллар ўнлаб аскарларнинг ўлиги, бесаноқ ярадорлар келтирилади. Тоғлардан гоҳ-гоҳида қисм худудига қарата ракеталардан ўққа тутишади. Барибир жангларда аскарлари жон олиб, жон берувчи, бутун бир армиянинг энг илғор қисмида хотинларнинг юриши жудаям ғаройиб эди. Улар бу ерда ўз юмушларини бажармасалар-да, зобитларнинг кўнглини хушлашлари жудаям зарур эди. Аёлларнинг кўпчилиги қисмдаги зобитлар билан бемалол дон олишиб юришганини аскарлар ҳам билишарди. Айримларининг «боши очик», тўғри келгани билан савдо қиларди. Уларнинг ичида шундай гўзаллари ҳам бор эдики, уй-жойидан безиб, бу ерларда оввора бўлиб юганини кечириб бўлмасди. Кўпинча бу аёлларни юлдузи катта, обрўйли зобитлар-хўжайинлар ўзиники қилиб олганди... Аскарлар кўпинча зобитлар ошхонаси ёки табобат нуктасидан аёл қидирарди... Зобитлар ошхонасида ўн тўққиз ёшли Лилия исмли қадди-комати келишган жувон ишларди. Унинг бўйи кичкина, хипча бел, лаблари гунчадай, юзи тип-тиник, кўзлари катта-катта, тим қора эди. Шим кийиб ва кофтада чиққанида, айниқса, коматининг расолиги, балиқдай гавдаси юракни суғириб кетарди. У доимо қоп-қора сочларини елкасига ташлаб юрар, кўринишидан қавказ ёки осиеликларга ўхшаса-да, асли россиялик эди. Лилия чиройли оёқларини кўз-кўз қилиш учун бўлса керак, атайлаб калта юбка кияр, таранг, ғужурни кўзғатувчи сонларини бемалол томоша қилса бўларди. Унинг орқасидан аскарлар кичқириб қолар... у эса парвойига ҳам келтирмасди. Лилия тарсиллаб пишган олмага ўхшарди... Ҳамма бир тишласам дерди. Бирок, бу боғда тишланмаган, қурт емаган олмаларнинг бўлиши мумкин эмасди. Шундай гўзал, хушбичим, кўкраклариди икки қуш потирлаб турган аёлни кўзларига қон тўлган эркаклар маконида ёлғиз ётишини ҳеч ким тасаввур қилолмасди. Лилия жуда гўзал... бироқ... у сотиларди, кўнглини топсанг, эрирди. Зобитлар билан қисмдаги аёллар орасида кўприк қолмаган, улар тунни бирга ўтказишлари учун бир оғиз гап кифоя қиларди. Бирок, аскарларни осмондаги оймтиллалар назарига илмасди...

- Борасанми? Шундай қилиб... Ҳа, нима бунча юрагинг орқанга тортиб кетди.

Мен истасам-да, бефойдалигини кўнглим сезаётганди.

- Менга қара... озроқ ўйлаб гапир... барибир дабдурустан ким билан гаплашасан.

- Буёғи менинг ишим. Сен тезроқ бўл. Кийин... Ҳозир Мўминнинг бушлатини олиб келаман. Шуни кий...

Ринат тўдалашиб овқат еб ўтирганлар ёнига борди. Мўмин ўша ерда эди. Ринат унинг қулоғига бир нима

деб шипшиди. Мўмин бушлатини ечаётиб, менга қараб кулиб кўйди.

Мен кийиниб бўлгач, этигимни мойладим. Ринат тумбасидан бир литрлик «Столичний» ароғини олиб кўйнига урди. Бушлати чўнтаги ҳам тўппайиб турарди. Икковимиз бир-биримизга тикилиб қолдик.

- Менга очигини айт, шу ишинг жиддийми?

- Гаплашиб кўйдим. Нима бунча ҳовлиқасан. Ҳозир борганда кўрасан.. Озроқ отиб оласанми?

- Бер-чи.

- Ана Мўминлар ичишяпти. Труцюк Қобулдан олиб келибди. Иккита экан, биттасини олиб кўйдим.

Даврадагиларнинг ҳаммаси бир ярим йил хизмат қилиб кўйган, Афғонистонга мен билан бирга келган йигитлар эди. Мўмин кружкани тўлдириб арок қуйди... Илжайиб узатаркан, деди:

- Омадларингни берсин... ишқилиб эртага полкда шармандаларинг чиқиб гаупвахтага тушмасанглр бўлди. Қани ол, дўст!

- Нима бўлсаям... пешонадан... одам барибир эртага нима бўлишини билмайди. Жонга тегди... Ҳа.

- Ич... э. Онасини эмсин. Нима улар фариштамиди...

Мен кружканинг охиригача симирдим. Арок томоғимни куйдириб ўтди, айнаи дам ичимга ёқимли иликлик инди.

Ринат эшик олдидаги навбатчига биз тез қайтишимизни, агар зобитлардан бирортаси ротани текшириб қолса, ҳамма дам олаётгани, казармадан ҳеч қим чиқиб кетмаганини айтишни уқтираётгани... Миям равшан тортиб, қайфиятим енгиллашди. Ринатга кетдик ишорасини қилиб бош силкидим...

- Фрейштэн! - деди Ринат немисчалаб навбатчи аскарнинг бронжилит³га уриб.

Менинг кулгим қистади. Ўзимни енгил ҳис қилаётгандим. Шигалаб ёғаётган ёмғир ҳам ёқимли, кеча сирлидай туюлди. Биз казарма бўйлаб тор йўлдан борарканмиз рўпарадаги аёллар модулининг эшиги очик, узун йўлакнинг чироғи ўчмаган, ўз хоналаридан кириб-чиқиб турган аёллар кўринарди. Модулга яқинлашгач, Ринатни тўхтатдим. Арокни таъсириданми менда ҳам майл кучайганди.

- Менга қара! Кимнинг одига борамиз... Фойдаси борми?

- Лилиянинг.

А-а! Алдаяпсан... Аҳмоқ қилма одамни?

Энди ов бароридан келсин деб, худойла. Кеча зобитлар ошхонасида гаплашдим. «Паносоник» магнитофонини тортиқ қилдим. Мана, кеча Юра уч минг авғони⁴га ёпон рўмоли ҳам олиб келди, - у чўнтагини кўрсатди.

Мен ишонқирамай туриб қолдим... Унинг магнитофони бор эди, бир эмас икки-учта ёпон рўмолига ҳам пули етади. Афғонда аскар учун пул қаҳат эмас... Қисм Қобулга яқин жойлашган. Дўконларда мол тикилиб ётибди. Ҳатто қисм шимолидаги яқин қишлоқдан бача⁵ларнинг ўзлари ҳам у бу нарса олиб, алюмин қошиқми, ёки чойнакми, консерваларгами алмаштириб кетарди. Бу ерда одамлар шунчалик савдо-сотик деса ўзини томдан ташлашадики, аскарларнинг эски-туски кийимбошлари, этик, пайтавасигача талаб кетадилар. Етти-саккиз ёшли болалар ҳам немис сақичи, Покистон откриткалари, чарс, япон соатларини сотишади... Улар ҳатто хабармушаклар, гранаталарни ҳам сотиб олмақчи

бўлишади. Техникаларга бекерак темир-терсақлар, албатта, бачаларга асқотади. Афғонда пул топишнинг ҳеч қачон, ҳеч қандай қийин томони йўқ эди. Аммо оддий аскарнинг қисмдаги кўзга яқин аёллардан бири билан, гарчанд бу ерга уларнинг ўзлари деярли шу нарсани истаб келган бўлсалар ҳам тил топишиши мўъжиза бўлибгина қолмай, жамики қисм жангчиларининг орзуси эди...

- Сен унчалик маст эмассан-ку... эсингни йиғ, Ринат... Ҳаммаси расво бўлиши мумкин.

Ринат сигарет олиб тутатди. Нам ҳавода унинг учқуни милтиллаб кўринарди... Ёмғир бир меъёрда севаларди. Бизвий бошлагандик. Полкнинг атрофидаги танкчилар постларидан аҳён-аҳёнда, галма-гал айланасига кўкка яшил мушаклар отиларди. Бу постдагиларнинг бир-бири билан сўзлашиши, яъни полк атрофида осойиш ҳокимлигидан далолат эди. Биз Ринат билан модул томонга сўзсиз қараб турардик... Орадан уч-тўрт дақиқа ўтгач, Ринат:

- Кетдик, - деди.

Мен эргашдим. Юрагим ҳапқирар, ичимда худди жанг олдидагидай, бироқ анча лаззатли ваҳм ўрмаларди... «Аёл учун ўлмақ қаҳрамонлик» дир деган гап миямни тиглаб ўтди. Қаерда ўқиганман, кимдан эшитувдим эслоладим.

- Кўрқаяпсан-а? - дедим. Ринатга модулга беш-олти қадам қолгач...

- Ёнида бирор офитсер бўлмаса гўрғайди.

- Эҳ... Сенга ўзи айтганмиди, кел, деб. Бопланмасак бўлди...

- Э, чўрт сней! Юравер.

Шу пайт эшик қанотида ёмғирдан пана бўлиб турган шекилли, навбатчи аскар шанғиллаб қолди...

- Тўхта! Парол! Беш!

- Парол уч! - деб жавоб берди Ринат.

Мен аёллар модулида парол саккиз эканини билдим. Ринат буни ҳам суриштириб аниқлаган эди.

Биз йўлакка кирганимизда қоврилган чўчка гўшти, қайнатма шўрва, турли-туман овқатлар ҳиди димоғни қитиқлади. Мен шу пайтагача аёллар модулига кирмовдим. Менга йўлак файзли бўлиб кўринди. Ҳамма ёк топ-тоза. Аёл яшаётгани билиниб турарди. Ўрта йўлак, иккала томондаги хоналар эшигига саналар осилган эди. Худди меҳмонхона шаклида қурилган, бундай караганда қиз-жувонлар таҳсил кўрадиган бирор билим юртининг ётоқхонасига ҳам ўхшаб кетарди. Ринат олдинлаб юрди. Мен эргашавардим. Оёқларим негадир қалтирай бошлади. Хаяжонланганимдан бўғзимга нимадир тикилиб қолгандай бўлди. Ринат ўнг томондаги саккизинчи эшик қаршисида тўхтади, шу дегандай бош чайқади, унинг юзидан саросима сезилиб турарди. Мен «Столичний»дан тагин бир куружга ичиб олганимга ўқиндим, ҳар ҳолда сал-пал тетиклашардим. Нима бўлса, бўлди энди... Қайтиш йўқ...

Ринат эшикни тақиллатди. Хиёл ўтмай ичкаридан илгак кўтарилиб, кулф шарақлади... Ярим қия очилган эшикдан аёл кишининг боши кўринди... Кўзлари пирпираб турарди. Мен ўзимни кўярга жой тополмай қолдим, жуда ноқулай ҳолат пайдо бўлганди. Лилия кулимсираб йўлакка чиқди...

У эгнига юпка, тугмасиз халат ташлаб олган, сонлари қорнигача очилиб турарди. Сочларини тўзғитган, юзлари тип-тиник, лабидан ним табассум

³ Бронжилит - совуткийим.

4. Авғони - Афғонистондаги пул бирлиги.

5. Бача - афгон боласи.

ёгиларди. Кўкраклари қия ёқасидан кўриниб турарди... Дунёнинг жамики мусибатлари, кир-чирлари, қирғин барот жанглари кўравериб тошга айланиб улгурмаган кўзлардаги эҳтиросни пайқаган жувон бизни кутилмаган ғайри табиийлик билан қарши олди...

- О, менинг меҳмонларим! Рома, ниҳоят келдингми? Очиғи сени бугун келмасанг керак дедим, - Лилия эшикни очиб бизни ичкарига бошлади.

- Нега энди, бораман дедимку! Сўз-сўз, - Ринат ўзини кўлга олди... «Ўзингни бос, - дердим мен хаёлан, - ўзингни бос, ҳаммаси жойида бўлади».

Биз ичкарига кирдик. Лилия устолни дид билан беаган эди. Хона деворларида турли-туман машҳур эркакларнинг, ширьянғоч сулувларнинг сувратлари осилган. Дераза тарафда икки тасмали япон магнитофони жойлаштирилган. Бурчакда беш-олти жомадон тахланган... Устолда Югаславия мураббо ва ширинликлари, турли хил чет эл конфетлари, қуюк сут, қоврилган балик, колбаса, америка сигаретаси ва ялтирок, қимматбаҳо қадаҳлар турарди. Хонанинг бир бурчини устига қимхоб тортилган икки кишилик диван эгаллаганди. Бу ердаги нарсалар Лилиянинг ўзи каби гўзал эди.

Лилия биз билан очилиб-сочилиб гаплашди. Гўёки биз урушда эмасмизу, шаҳар айланиб ўн йиллик таниш жувоннинг уйига тушиб қолгандай эдик. У бизнинг нима сабабдан ҳузурига келганимизни пайқамаслиги мумкин эмасди.

- Ҳозир, бир секундга йигитлар... Сизлар бемалол ўтираверинглар..., - у чойнак олиб йўлакка, чой кўйгани чикди. Лилия қайтгунга қадар Ринат устолга «Столичний»ни тиккайтириб қўйди... Илгакдаги осилган бушлати чўнтагидан ёпон рўмолини олиб, гимнастёркаси кўйнига солди.

Лилия устолдаги ароқни кўриб қувониб кетди. Ўша аснода Ринат кўйнидаги совғани чиқариб жувонга узатди... Лилия ўрнидан дик туриб, Ринатнинг манглайдан ўпиб олди.

- Раҳмат, Рома.

Менинг кўз ўнгимда мутлаво изоҳлаш мумкин эмас воқеа содир бўлаётганди. Лилия бир зумда ўз инонихтиёрини Ринатга топширишга шай эди. У менинг бу ердалигимга ҳам эътибор бермасди сира. Мен устолдан сигарет олиб тугатдим. Лилия Ринатнинг ёнига бориб ўтирди...

- Йигитлар! Мановини очмайсизларми?!

Ринат қадаҳларни тўлатиб қўйди. Лилия ҳозир ўзини нечоғлик енгил тутаётган бўлса-да, кўзлари тубида англаш мураккаб сир бор, у беҳад чиройли, истараси куйдириб кул қилажак даражада иссиқ эди. Қадаҳлар кўлга олингач Лилия, мезбон сифатида бизни хуш кўриб, қадаҳ сўз айтди. Бараварига тасдиқладик.

Биз урушда юрганимизни унутишга ҳаракат қилардик. Қаршимиздаги манови сулув аёл, байрамона дастурхон, куй-кўшиқ мени элитаётганди. Борган сайин кайфиятим кўтарилар, негадир шўхлик қилгим келар, ҳазил-хузул гапларимдан Лилия чайқалиб кулар, кўкси ҳар силтанган сайин юрагим ўйнади. Мухими, Лилия бизга паст назар билан қарамаётганди, апокчапоқ қувнашиб ўтирардик...

Шиша охирлавергач, Лилия хона чироғини ўчириб тунги чироқни ёкиб қўйди. Ташқарида биронга зобит хид билишини у истамаётганди. Хира ёғдуда аёлнинг кўзлари порлаб турар, оҳанграбодай ўзига чорларди...

- Қуймайсанми, Рома!?

- Хўп бўлади, маликам...

- Рома, дўстинг тортинчоқ экан.

- Нега энди. Мен Сизга махлиё бўлиб қараяпман. Умуман, ёқтириб қолдим, - дедим.

- Ростданми? Фақат шугинами?

- Чинданам...

- Кел, сен бу томонимда ўтир. Ах, бир эзишайлик.

Мен Лилиянинг ёнбошидан бориб ўтирдим. У кўлларини Ринат иккаламининг елкамизга ташлаб олди. Гоҳ Ринат, гоҳ мен томонга қараб гапира бошлади. Унинг кайфи ошаётганди. Ринат ҳам чайқалар, дамбадам унинг юз-кўзларидан ўпар, гоҳо бугун гавдаси билан унга ўзини ташлар, Лилия дарҳол уни турғазиб кўярди...

Яна қадаҳлар тўлғазилди.

- Йигитлар! Менинг дўстларим! Сизларнинг уйингизга, ота-онангиз қаршисига омон-эсон боришингиз учун ичайлик, - деди Лилия. Унинг овози ҳазин эшитилди. Уф тортди.

- Агар насиб этса борамиз. Ҳаёт кўрсатади. Йўқса манови лаънати афғонда қолиб кетамиз, - Ринат қадаҳни кўз илғамас тезликда ичиб бўшатди. Лилия унга газак тутди. Ринат манглайига қўлини тираб, тирсагини устолга қўйди. Негадир бош чайқар, ердан бош узмасди. Биз Лилия икковимиз баравар қадаҳ кўтардик... Ринат илкис бошини баландлатиб Лилияга тикилди.

- Лилия, онасини фалон қилай афғонини. Тушундингми? Биз хор бўлдик, Лилия. Сен бу ерда нечоғли даҳшатли воқеалар содир бўлишини билмайсан. Фақат эшитгансан, тушундингми! Афғон ўйин эмас, билсанг. Уруш одамни ифлос қилиб ташлайди, билдингми...

- Ринат, ўзингни бос, оғайни... Фойдаси йўқ, - дедим ўзбекчалаб. Очиғи мен ҳам маст бўлгандим. Фикрим ўзимда, хаёлим жойида эди.

- Сен аралашма! Булар афғонга нега келган ўзи. Буларни машинага босиб жангга олиб чиқиш керак... Истаган маҳалинг... - У устолга бошини кўйиб олди, - кўнглим беҳузур бўлаяпти...

Лилия бизнинг гапимизни тушунмаётганди. У Ринатни диванга олишимни илтимос қилди. Ҳар ҳолда биздан ижирғанмаяпти, деб ўйладим... Мен Ринатни Лилиянинг диванига ётқиздим... У ўзбекчалаб тинмай гапирар, жангларида рўй берган, менга ҳам таниш воқеаларни сўзлар, от, тезрок от, деб қичқирарди... Лилия унинг бошига нам латта келтириб босди... Унинг ҳаракатлари самимий эди...

- Нега тез маст бўлди?

- Билмадим... Бу ерга келишидан олдин чеккан бўлиши керак...

Лилия тушундим дегандай бошини силкиди.

Ринат уйқуга кетди... Лилия иккимиз ёлғиз қолдик. Тун жозибали, аллақандай фараҳли эди... Биз тағин оздан ичдик. Лилия тумбасидан яримланган ароқ келтирди. Хона ичи тутунга тўлганди... Деразанинг бир қаватини очиб қўйдим. Ичкарига тоза ҳаво, ёмғир ҳиди урилди. Тасаввурим тиниклашди. Ўзимни анча тетик хис қила бошладим... Лилия дунёдаги энг чиройли аёлга айланиб бораётганди. Мен унга ошқора суқланиб қарардим. У бунга пайқади... Юзига кулгу инди.

- Аёлдан узоқлашиб яшаш шунчалар оғирми, - деди у.

- Шундай шекилли?

- Уруш даҳшат. Сизларни севаман. Эшитаяпсанми, ҳаммангизни бағримга босиб эркалагим келади. Сизларга ачинаман. Сизлар бугун борсизлар, эртага йўқ. Бирок

мен Ринат иккалангни тирик қолишларингни истаяпман... Очиғи, бу ерга пул ишлагани келувдим, ammo тўйиб кетдим, пушаймон еябман. Ҳар куни ваҳима, ҳар куни ўлим. Ҳар куни бир хил ҳаёт. Биласанми, мен аскарларнинг барини бағримга босиб, уларнинг омон-эсон қайтиши учун илтижо қилгим келади. Сизлар жангга чиққанингизда қисм ҳувиллаб қолади... Шунда кимдир ўлаётгани, кимдир жон олиб-жон бераётгани, кимдир ўқлар орасида жанг қилаётганини кўз ўнгимга келтираман. Ўзимдан жирканиб кетаман. Шу ерларга, ҳар куни бесанок аскарларини йўқотадиган, жанг майдонларида ажал билан тўкнашадиган қисмга келиб пул ишлаётганимдан нафратланаман... Бироқ нима қилай, айт?! Россияда ҳозир мен одамлардай яшай олмайман... Ҳеч кимим йўқ... Яқин одамим ташлаб кетган. Кўчаларда фоҳишалар қилиб ҳам кун кўролмаймаман... Ҳеч нарсага етмайди. Ҳар қадамда талончилар, ўғри-безорилар, киссавурлар... тикилиб ётибди. Сен ёки Ринат бу ерларда хору вайронсизлар... У ёқда ресторанлар, барлар, кафеларда тенгдошларинг-бойваччалар маишат қилишмоқда. Зўрлашмоқда, ўлдиришмоқда... Ҳаёт ваҳшийлашиб бораёпти.

Мен ўзимни оқламайман. Бироқ яшашга ҳақлиман-ку! Тўғри сўзим - тонмайман... Шу пайтгача фоҳишалар қилиб яшадим.

Ўнинчи синфни тугатмасимдан синф раҳбарим ўзига илакиштирди. Уйланмаганди, бирга яшадик. Ҳомиладор бўлдим. У мени ташлаб кетди. Дадамни билмайман. Ойим ўн тўрт ёшимда машина ҳалокатидан ҳалок бўлган. Бувимнинг кўлида улғайдим. Бошимга оғир кун тушганда бувим ҳам қазо қилди. Сўнгра фабрикага ишга кирдим... У ерда ҳам ишим юришиб кетмади... Таниш-билишлар орттирдим... Хуллас, бир шиша виноми, бир қути сигаретми узатиб кўнглимни овлаш пайида бўлишди. Тўйиб кетдим... Кун кўриш, яшаш учун нимадир қилиш керак-ку ахир.

Лекин, мен гарчанд Россиядагидан юз баравар кўп ишласам ҳам, бу ерга келиб хато қилганимни пайқадим.

Биласанми, қисмдаги аёлларнинг баъзилари кўнгилхушлик, бойлик йиғиш илинжида келишган. Ҳар кеча улар офитсерлар кучоғида ётишади, керак бўлса, сен етти ухлаб тушингда кўрмаган буюмларни Кобулда сотиб оладилар. Урушда ҳам аёллар керак бўлади, бизни атайин юборишади, биз офитсерларга керакмиз... Улар бизсиз чидолмайдилар...

Лилия гапини йўқатаётган бўлса ҳам, ҳақиқатни айтаётганди. Мен қадахларга тагин тўлдириб қуйдим. Биз урушдан омон қайтиш учун кўтардик. У бир нуқтага гамгин тикиларди. Бошини оҳиста кўтариб менга термулди.

- Яқинда яна жангга чиқасизлар. Бу сафарингиздаям бутун армия катнашади. Гардез томондаги постлар қуршовда экан.

- Сен қаердан биласан? Ҳали биз тайёргарлик кўраётганимиз йўқ.

- Штабдаги офитсерлардан бири айтди.

- Қачон?

- Кеча армия штабидан топшириқ келибди. Менимча, узокқа чўзилмаса керак...

Мен қисм ичкаридагилар ҳамма гапдан воқиф бўлишларини олдин эшитгандим. Ҳали взвод командирлари беҳабар сир шу аёлнинг қулоғига етиб келгани ҳайратимни оширарди.

- Офитсер алдаган. Ҳали бери жанг бўлмайди, - дедим. Мен бу гапни нега айтаётганимни ўзим ҳам

тушунмадим. Очиғи, жанг бўлишини сираям истамай қолгандим.

Назаримда аёл буни сезди:

- Сен жуда кўп урушларда катнашгансан. Қўрқмайсан-а, тўғрими?

- Биласанми, барибир беҳуда ўлиб кетиш, мақсадсиз тентираш, азиат чекишнинг нима кераги бор.

- Тушунаман... Шу ерда англадим. Бу уруш ҳеч қачон Совет армиясини оқламайди.

- Лилия, биз расво бўлганмиз. Аянчлисиз, шу ерда ўлиб кетсак, эртага бизни эсламайдилар. Балки номимизни қарғиш билан тилга олишар...

- Сизларни ҳеч ким қарғамайди. Фақат бу урушнинг моҳият мақсадини чуқур таҳлил қиладилар. Э, ўйлама, жонинг омон қолса бас.

- Барибир кўзинг етмаса қийин. Ҳали олдинда нима бор, ким билади, дейсан.

- Сен биринчи баталондансан-а?

- Ҳа.

- Комбатларинг яхши одам. Қуён юрак эмас. Аскарни тушунади... ақли-хуши жойида. Офитсерларнинг ичида шунақа тўрт-бешта эркаги бор. Қолганлари унчаликмас.

- Нега?

- Майда-чуйда гапларга ўралашиб қолишган.

- Бизнинг рота командири ҳам анча довжорак, фаҳмли офитсер.

- Стоногинми? Ҳа, биламан. Умуман пиёдалардаги офитсерлар ичида чин эркаклари кўп.

Мен сигарет олиб тугатдим. Ҳаёлим анча чалғиганди. Назаримда мен Лилия билан кўп йиллардан бери суҳбатлашаётгандим. У ҳам лабига сигарет кистириб, гугурт чақди. Орага бироз жимлик чўкди. Хона совий бошлаган эди. Лилия деразани ёпди. Ташқаридан оқиб кираётган сирли ваҳм йўли беркитилгандай бўлди. Хонада ўзимни эркинроқ ҳис қила бошладим. Ринат диванда тош қотиб ухларди... Мен уни ҳозир олиб кетолмасдим.

- Ринатни нима қилсам экан-а, - дедим, ўрнимдан кўзгалиб.

- Тегишма унга. Сен ҳам кетмайсан, шу ерда ётиб қоласан, - деди у дераза пардасини тортаётиб... Чирокни ўчирди. Қайфим аллақачон тарқаганди. Мен шу сокин хузур ҳаловат оғушида чайқалаётгандай эдим...

Мен ўша кеч ўзимни ёш боладай ҳич қилиб ётдим. Дунёда энг гўзал эркаланиш лаззатидан маст эдим. Мен сираям тонг отишини истамас, бир умр шундай қолишини жуда-жуда хоҳлардим. Ўша лаънати казамаралар, танк ва БМП-2 лар, офитсерларни сира-сира кўрмасам дердим. Мен шунча йиллардан бери фақатгина бир кеча яшаётгандим, бу кеча тирилгандим...

Биз тонггача ухламадик... Лилия менга кўп нарсаларни айтиб берди. Ҳар ҳолда у аёл эди. Ҳаёт эди... Дунёнинг шундай жиркин ўйинларини оралаб юрган йигит учун ягона овунчоқ эди.

- Менинг аскарчам... Сўз берасан-а?..

- Нима деб?

- Менинг аскарчам, айт, сўз бер, мен тирик қоламан, де, мен ўлмайман де, сени бундан кейин ҳар доим эслаб юраман де... Сен яхшисан, ўлмагин. Хўпми, сен тирик қол. - У ўксиб-ўксиб йиғларди. Кўз ёшлари дувуллаб оқарди... Юрагим шунчалик вайрон бўлдики, уни бағримга босдим. Тамоғимга нимадир тикилди... У кўзимга шунчалик яхши кўриниб кетдики, бу ерда мен учун ҳали ҳеч ким мана шу аёл каби қайғурмаган эди.

- Тирик қоламан, Лилия... Мен бу лаънати жойда

ўлиб кетмайман... Ҳафа бўлма... Мен омон қоламан...
- кўзимдан иссиқ ёш қуйилди...

Тонг орақа бошлаганда туриб ювиндим. Ювиниш хонаси йўлакнинг охирида эди. Лилия орқамдан сочик, совун, шампун олиб келди. Уни янада яхши кўриб кетдим...

Ўзимни тартибга солгач Ринатни уйғотдик. Лилия унга ҳам сочик, совун ва шампун тутди. У ҳозир қаерга келганлигини элас-элас эслаётганди чамамда...

Лилия бизни самимий муносабат билан кузатди. Ташқари анча ёришиб қолганди. Айрим казармалар эшиги олдида навбатчилар донг қотиб ухлашарди. Бизнинг чижикчамиз автоматига суянган кўйи бутун рота ҳаётини ўз ҳаловатига алмаштириб хуррак отарди. Биз билдирмай эшик олдида келдик. Менинг кайфияти баланд эди. Ҳеч нарсани ўйламасдим. Модулдан миқ этмай келаётган Ринат навбатчини чунонам тегиб юбордики, у гупиллаб йиқилди-да, эсанкираб қолди.

- Хой ит, Ротани дух⁶ сўйиб кетди-ку. Ҳе онангни...

Аскар гангиб ўрнидан турди... Биз унга эътибор бермай казармага кирдик. Аскарлар дунёнинг гўзаллигидан беҳабар, тирик юрганларига шукрона айтган каби тош қотиб ухлашарди. Казарма жудаям аянчли ва совук кўринди. Кечаси билан кўз юммаган бўлсам ҳам, чарчок сезмасдим. Ринат тумшайган кўйи ечинмасдан ўзини кароватига отди. Ёмғир тинганди. Рота уйқудан уйғонгач, паркка борилса керак, деб ўйладим. Пиёдалар қуролларини тозаласа керак... Мен кароватимда чалқанчасига шифтга тикилиб ётардим. Рухим анча тетик бўлса ҳамки, оёқларим бироз оғирлашиб, бўгинларим бўшашиб қолгандай эди. Мен Лилияни ўйладим. Хаёлимга чароғонлик сингди.

II

Рота казарма олдида саф тортди. Одатдагидай рота командири ҳарбий салом-алиқдан сўнг бугун бажариладиган топшириқлар билан таништирди. Пиёдалар эрталабки нонуштадан сўнг қурол тозаларкан, броня-механик ва операторлар техникаларни жангга тайёрлайди, алоқалар текширилади, отув миллари кўздан кечирилади, тасмаларга снарядлар солинади, машиналарга ёғ қуйилади. Яқин ўртада урушга чиқишимиз аниқ эди...

Эрталабки нонуштага қайнатилган балиқ ва бўтқа тайёрланганди... Бирорта устолда овқатга қўл урилмади. Фақат оқ қанд ва кофе ичилди. Бир суртум сарёғ билан нон едик. Афғонда «эсини таниган»лар сира бўтқа ва қайнатилган балиқ емасдилар. Чунки бу овқатни танаввул қилганлар удум бўйича энг паст аскар саналарди. Кимки бўтқа еса ўзига ЧМО⁷ деган уятли лақаб ортирар, кўпчиликдан ажралиб қоларди. Ўз кадрини билмаган жангчи очдан ўлаётсам, ошхонанинг бундай «ювиндиси»ни оғзига олмасди.

Мен Ринат билан ошхонадан чиқиб кетмокчи бўлаб тургандик, бошдаги столда ўтирган Мўмин чақириб қолди. Бизнинг улфатлар Нурмахон билан Юра ҳам ўша ерда эди.

- Ҳа, овқат ўтмадими?, - деди Мўмин сурилиб жой бўшатаркан.

- Иштаха йўк, - дедим мен.

- Кўтаринглар, бир кружкадан кофе ичайлик,

кейин бирор нарсани ўйлаб кўрармиз.

- Ҳозир паркка борамиз-ку... ўша ёқда овқат пиширамиз... Фақат омборхонадан ул-бул нарса олволайлик, - деди Нурмахон.

Биз апил-тапил тамадди қилиб, ротадан олдин чиқдик.

Мўмин билан Нурмахон қисмнинг озиқ-овқат омборхонасига, Юра дўконга кетди. Ринат иккаламиз аскарларнинг жанг тўрвалари, эски-туски кишки кийимлар, қопкўрпалар сақланадиган омборхона - «холодный колтёрка»га бориб жой ҳозирладик. Бугун шу ерни кун бўйи макон қилишга келишдик...

Нурмахон ротадаги энг яхши отувчи, аммо ўлғудай содда эди. Мўмин БМП-2⁸ да механик, русчага анча нўноклик қиларди, бироқ машинани кўнгилдагидек бошқарарди. Юранинг айёрлигини ҳисобламаганда, давюррак жангчи, пиёдалар бўлинмасининг командири эди. У ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини йўқотиб қўймаганди... Бешовимиз ҳам афғондаги «кекса» аскарлар сирасига кирардик... Бу ернинг паст-баланди, ҳаёт оқимини анча-мунча сезиб улгургандик... Бизни омборхонада қолганимизни рота командири билиб қолмаса бас, бошқа зобитларни алдаб-сулдаб тинчитардик. Улар ҳам «қария» аскарларнинг кўнглини оғритгиси келмас, кўплаб жангларда кўзи қотган аскарлар иш беришини яхши билишарди. Умуман Афғонистонда зобитлар жангчилар билан эҳтиёт бўлиб муомала қилардилар. Урушда ўлим зобит ва аскар танлаб ўтирмайди-да; барибир кимдир кимнингдир жасадини судраб чиқади, бошқа биров шеригининг ярасига малҳам бўлади, ҳаётини сақлаб қолади... Фақатгина сен яшаб турган кунлар, тириклигининг фаниматдир. Қолган икир-чикирларга туфлаш керак.

Йигитлар ҳамма нарсани муҳайё қилишди. Омборхонанинг бир бурчини тозалаб, эски шинелларни тўшадик. Мўмин ош пиширишга киришди. Юра у ёқ буёқдан латифа айтиб турди. Мен жанг тўрвани болиш қилиб ухлашга ҳозирлик кўрдим. Ринат Юра келтирган юзга суртиладиган «Атиргул суви» деган одеколондан икки хўплам ичди. Изидан сигарет тутатди. Нурмахон жанг тўрвадан хандақ курак олиб ўқ-дори яшиқларини ўтин қилиб, ош тагига олов ёқиб турди.

Омборхонада ҳамма нарса айқаш-уйқаш сочилиб ётарди. Гранатадан тортиб, дутмушак, сувдонларгача топиларди. Пийма ва этиклар, сичқон еган қопкўрпалар, бари-бариси... Жангга нимаки зарур бўлса, шу ерда сақланарди.

Хона ичи тутунга тўлди. Эшикни бироз қия очиб қўйдик. Омборхонадан йигирма-ўттиз қадамлар нарида, казарма олдидаги йўлакда аскарлар қурол тозалаяпти. Оператор ва механиклар саф тортиб турарди. Рота техниги пропоршик Довгий бизнинг гўримизга фишт қалаб аламини бошқалардан олаётганди... Мен пропоршикнинг жаҳл билан у ёқдан-бу ёққа бориб келаётганини кузатиб турардим...

Довгий улфат одам эди. Лов этиб ёнардию, бир пастда ўчарди. Аскарни тушунарди. Бугун бирорта айб қилиб кўзига кўринмай юрсанг, эртасига эздан чиқариб юборарди. У бизни беш дақиқалар чамаси кутди... Йўқолиб қолганимизга ишонч ҳосил қилгач броня⁹ни паркка бошлаб кетди.

Мен яхши ухлай олмадим. Шерикларимнинг ғала-

⁸ БМП-2 - Пиёдалар жанговор машинаси

⁹ Броня - техника бўлинмаси, оператор ва механиклар

⁶ Дух - душман

⁷ ЧМО - ҳақоратли гап

говури - тинчимни бузди. Битта «Дониские»ни тутатиб, Юрадан бирорта латифа айтиб беришни илтимос қилдим. Ўзиям шуни кутиб турганмикин, Юра ўзи тўқиган латифалардан айта бошлади. Менга унинг «Мияси ишламайдиган зобит», «Автомат ҳамда чиройли киз» ҳақидаги латифаси ёқиб қолди. Бошқалар ҳам роса кулишди. Мўмин ошни дам едиргизиб қўйди... Ҳаммамиз бир ҳўпламдан «Атиргул суви» ичдик. Ичимликдан чиндан ҳам атиргул хиди келар, бироқ, ичак-чавоғингни куйдириб юборарди. Ринат чўнтагидан ўроғлик қоғоз чиқариб ичини очди. Печение шаклидаги коп-қора чарсдан уватиб «Донский» тамакиси билан аралаштирди-да, қайтадан сигарет қоғозига жойлади... Чарс роса ўтқир экан. Иккинчи бор айлангач миямга бир нарса тўқиллаб урилгандай бўлди... Мен ўз мувозанатимни йўқатаётгандим... Учинчи бор айлантиришни ошдан кейинга қолдирдик... Мўмин паловни қозони билан ўртага қўйди... Чарс чеккан одам жуда кўп овқат ейди. Биз дарҳол бир қозон паловни еб бўлдик. Изидан иккита нонни ҳам тутатдик. Сўнгра атиргул сувидан бир ҳўпламдан ичдик. Чарс билан аралашган ичимлик ўз кучини ўтказа бошлади... Негадир жангда ўлган жўраларимни эслаб гапиргим келарди. Кўзимдан ёш сиза бошлади. Ринатни бағримга босиб йиғладим. Ҳаёлимда ўтган галги Чорикор жанги қотиб қолганди... Ринат икковимизни ҳам душман қўлига асир тушиб қолишимиз ҳеч гап эмасди ўшанда...

- Бизни танкчилар қутқарди, Ринат! Йўқса, дабдаламиз чиқиб, Покистонда банди бўлиб юрардик.

Ринатнинг кўзларида ёш филтиллади. Нурмахон, Мўмин Юра - ҳаммамиз йиғлаётгандик...

- Ўтган гал Андрейни ўзим кўтариб чиқдим. Зўр йигит эди-я... Кўкси ёрилиб кетганди... Қони устимга, қўлларимга теги, - Мўмин бармоқларига тикилиб сузларди... - Мен қисмимиздан энди ҳеч ким ўлишини истамайман, тушунапсизларми, жангта боришдан қўрқиб қолибман. Тайёргарлик кўринглар дейишса, юрагим увишади. Тезроқ тугасайди... Жонимга тегиб кетди... Сувдан ол буёққа, Ринат, - у сувдонни ютоқиб симириди.

- Жўралар, менинг отам йўқ. Қари энам бор... Ўлиб кетсам, шўрлик энам жинни бўлиб қолади. Мен энамдан кўп яшадим, аммо яна яшашим керак, тирик қайтишим керак. Менинг ўлишга ҳаққим йўқ...

- Нурмахон, мениям отам йўқ. Онамнинг суянганиман. Бечора онамнинг ёзган хатларини ўқисанглар эди... Юрагим эзилиб кетади. Урушга қираверсам, кўз олдимдан онам липиллаб ўтаверади... Онам мендан оғир кунларни бошидан ўтказаяпти... Она... Онажон, ўглингиз... наша чекди... умрида кўрмаган нарсаларни ичаяпти... Онажон... Сизни соғиндим... Омон борсам ақлли бола бўламан... - Ринат изиллаб йиғларди... Телпагини оёғи остига ташлади... чирт этказиб туфларди дома-дам.

Биз ақлдан озган, алаҳсираётган одамларга ўхшардик. Яна чарс тутатдик. Бир мартадан тортдик. Менинг юзим совиётганди. Батамом ўзимни йўқотиб қўйдим. Қўл-оёқларим ўзимга бўйсунмай қўйди. Гўё ердан баландлашаётгандай, учаётгандай эдим... Олислардан йиғи эшитилар, аллақандай жимир-жимир тўлқинлар кўринарди. Сувсизликдан лабларим тобора қуруқшарди... Мен ҳеч нарсани идрок қилолмасдим. Мен ўлик-тириклигимни билмай қолдим. Фақат йиғи товуши эшитиларди... Мен йўқ эдим, ҳаётда яшамагандим. Урушни ҳам кўрмагандим.

Менга нима бўлганлигини англай олмай уйғондим. Бошимда Ринат ўтирибди. Кўзи қизаринкираган, қовоқлари уйқусизликдан анча салқи тортган... Бошим қарахт аҳволда гувилларди, худди гурзи тушгандай лўқиллаб оғрирди. Танамда куч қолмаганди гўё... Корним роса очикқан, лабларим қуриб қовжирарди...

- Ринат, ановилар қаерга кетишди, - дедим ўрнимдан базўр жангтўрвага суяниб кўзгаларқанман.

- Ёғулик олиб келгани кетишди, тезда қайтишади. Биз ҳам ҳозир турдик. Ҳаммамиз қотиб қолибмиз. Яхшиям бирорта шохол¹⁰ билиб қолмабди...

- Сувдонни бер.

Ринат камарига осилган темир сувдонни ечиб узатди. Ичим ёнаётганди. Бир кўтаришда сувдонни қуритдим. Танамга бироз жон кириб, бошимнинг гувиллаши босилгандай бўлди. Омборхона эшигини қияланиб очдик. Ташқаридан намиққан тупроқ хиди урилди. Мен тезроқ овқат топиб келишларини сабрсизлик билан кутардим. Коринни тўйғазиб бу ердан кўзғалиш, ротага бориш зарур эди. Агар кун бўйи қочиб юрганмизни рота командирини сезиб қолса, ротанинг олдида шарманда қилиб бир ҳафта навбатчиликка қўйиши аниқ.

Бошим қарахт эди. Омборхонанинг захлиги билина бошлади. Мен совуқ қотдим. Қўл-оёғим уюшиб, қалтирай бошладим. Ҳалиям туман ичида юргандайман. Ҳаёлимдан кечаётган ўйларим узук-юлик, бир нарса ҳақида тўлиқ фикрлай олмасдим, тасаввуримда намоён бўлаётган воқеалар чайқаш-чулқаш, бир-бирига уланиб кетаяпти. Назаримда номозшомгача ухлагандайдим. Ичимни ит таталаяпти. Роса очикдим. Эски шинел ҳамда ашқол-дашқолларнинг димоғим кўниккан бўйи энди кўнглимни айнита бошлади. Муздай сув сипқориб, тинчроқ, хушманзара бирор жой бўлса тағин мизғиб олишни жон-жоним билан хоҳлаётгандим. Рўпарамда чайқалиб турган, кўзлари қизариб кетган, юзидан маъно уқиш маҳол Ринатни кўргим келмаётганди. Қанийди куёш чарақлаб турса... кишлоғимнинг адоғидаги Хазарбоғ ариғи бўйлаб ястанган бедазорда оёқ узатиб ётсам... осмон тип-тиник, даланинг поёни йўқ... ҳа, айтмоқчи, ҳозир беда авжи гуркираган маҳал-а, бригадир ким экан бедазорда, э, нима фарқи бор...

Тапилаган овоздан чўчиб тушдим. Эшикка бораётган Ринат жанг тўрвага урилиб йиқилди. Одамзот бошини йўқотса қаерга юришини билмай қоларкан... Менинг назаримда, биз кўршапалакка ўхшаб қолгандик. Ринат нимадир деб тўнғиллади.

- Ҳа, қаттиқ йиқилдингми?

- Э онасини... ўзимни тутолмаяпман...

- Иложи бўлса, шу лаънатини, жўра, камрок чекайлик.

- Ўрганиб қолганмиз, шекилли... барибир эмасми... чекиш яхши. Расво бўлаяпмиз. Бунақа йўл билан кун ўтказиб ўлмайди. Урушга чиққанимиз яхшийдиган қайтамга. Кунлар жуда тез ўтади. Менимча, қанчалик тўс-тўполонли жанг бўлса, ўша пайтда ҳеч нарсани англайолмайсан. Жангта ваҳмали бўлмаскан унча. Фақат урушдан кейин эслаб эсинг чиқиб кетади. Аллергиянг тошади...

- Агар тирик қолсанг, эслаш насиб қилса.

Ринат анчагина чиникқан, эпчил йигит. Бироқ ёш болагаям ўхшайди. Баъзан аразлаб ҳам қолади. Ринатни

¹⁰ Шохол - зобит демоқчи

уйда эрка ўсганини, ёлғиз фарзандлигини пайқаб олса бўлади. У гапга чечан, ишнинг кўзини биларди. Шу пайтгача уни кўрқоқлик қилганини сезмаганман. Жангда ҳеч қачон қиёфасидан кўрқув ё эсанкираш аломатини сезмасдим... у ... аёллар ҳақида гапиришни хуш кўрарди. Армияга чақирилгунга қадар қилган қилмишларини эшитиб ёқамни ушладим. Ўзиям мазза қилган-да... Гоҳида йигитлар унга сен кўп аёл билан бўлгансан - ўлиб кетсанг унчали қайғули эмас... биз қишлоқилар ҳали бирортасига тузукроқ гап ҳам айтмаганмиз, хизматдан қайтгач жононларинг билан таништириб кўясан-а, дейишарди. Ротада Валерий ҳамда Валис деган аскар йигитлар хотинидан мактуб оларди. Назаримда улар кўп нарсани кўриб ултургандай эдилар. Ҳамма шу икковига ҳавас қиларди... Бошқалар гўёки ёш бола эди ҳали, бошқалар ёрдан олдин қуролни кўкрагига босишганди. Умуман 18-20 ёшли йигитчалар учун ҳаёт ўз шакли-шамойилини кўрсатиб ултурманганди, қисмат шўрликларнинг манглайларига қора чизик тортганди. Пешонаси қора эди уларнинг.

- Ринат, жангда нимани ўйлайсан, тўғриси айт.

- Очиғи каллам ишламай қолади. Ҳеч нарсани тушунмайман... Ўзимни кутилмаган бир мўъжиза туфайли бошқараман. Агар снаряд учса ёки отилса қандай қилиб, тезлик билан ётиб олганимни билмайман... Мени нимадир бошқаради.

- Гапинг тўғри. Йўкса снаряд товуши билан биргаликда одам ўзини ҳимояга чоғлаши галати. Одам снаряддан тезроқ ҳаракат қилади, одам ўқдан тез учади.

- Жанг пайтидаги ахволингни ҳеч қачон тушунтириб беролмайсан, - деди Ринат.

Биз биттадан «Донские» тутатдик. Мен ухлаб турганим учун совуқ қотаяпман деб ўйловдим. Аслида иссиғим баландлашаётгандай эди. Мен ёқимсиз ҳид ўрнашиб қолган шинеллардан бирини олиб устимга ёпдим-да, яна узала тушдим. Қандай қилиб бўлса ҳам куннинг ўтишини истардим. Бадбўй омборхонанинг нимқоронғу бурчагида шинелга ўралиб олиб Лилия ҳақида ўйладим. Мен кечаги воқеаларнинг содир бўлганини тасаввур қилолмадим. Негадир бу туш деб ўйладим ва бунга ишондим...

Эшик очилиб, Нурмахоннинг шанғиллаган овози эшитилди.

- Опкелдим, биродарлар. Тушликни ҳам шу ерда қилиб, кейин чиқамиз.

У қўйнидан битта бухонка нон чиқазди. Чўнтагидан уч-тўртта оқ қанд олиб қўйди.

- Рота қуролларини тозалаб бўлди. Брония паркдан қайтибди. Тушдан кейин бу ердан тўрваларни олгани келишаркан...

- Жангга чиқарканмизми? Сенга ким айтди?..

- Ротада шундай гап... Ҳали номаълум. Тайёргарлик кўришимоқчи шекилли. Механик-операторлар ўқдори омборига бориб, снаряд, граната олишади дейишяпти.

- Нурмахон гўё ўзи бепарво гапираётган бўлсаям, ваҳимага тушаётганини билиб турардим. Мен ўзимни ҳеч нарсага эътибор бермаётганга олдим.

- Полкдаги бир хил кунам одамнинг медресига тегади. Айланиб туриш керак... Казарма, ошхона, қоровулхона, парк... жуда зерикарли-ку бу. Бизам у-бу нарсани тайёрлаб қўяйлик. Ким билади дейсан, бу кечаёқ йўлга тушишимиз мумкин. Овқатлангач шу ердан тўрваларни тайёрлаб казармага олиб борамиз. Қийим-кечакнинг янгисидан ажратиш керак... Иложи бўлса ошхонадан сабзи-пиёз, ёғ оливолайлик. Бизга беришадиган кунлик овқати етмай қолиши мумкин.

Неча кунга кетаётганимиз номаълум. Ҳамиша икки-уч кун дейишади, кейин ойлаб қолиб кетамиз...

- Шу ердаям қорнингни ўйлайсан, Бойбиш¹¹. Худди оқдан ўладиган одамга ўхшайсан... Назаримда, овқат учун туғилгансан...

- Э, бу ерда одам ғалати бўлиб қоларкан...

- Ҳеч нарсдан ҳазар ҳам қилмаскан.

- Нима демоқчисан?

- Айтмоқчиманки, биз ҳайвонга ўхшаймиз...

- Бўлди, донолингнинг кўзимасин, энди...

- Ҳа, майли... фақат анови тўрвани олиб оёғимнинг тагига қўй илтимос... жуда совуқ қотаяпман. У менинг чўзилиб олиб иш буюришимга парво ҳам қиламади.

- Сенга бир гап... Шундай қилиб ошна, афғондан кейин ўқишни давом эттирасанми?

- Албатта... хўш... нима демоқчисан?

- Малим бўлиб чиқасанми?

- Балким...

- Сен пединститутни битириб офитсер бўлмайсан-ку, буни устига сал ҳардамхаёлроқсан.

- Менга қара, Бойбиш... Сендан тузукроқ экандирманки ўқишга кирганман. Институтга... Ўқиганман... озми-кўпми тушунчам бор, оғайни... болақайларни ўқитиб юравераман-да.

- Ўрис тили малими бўламан де?

- Нимага шама қилаяпсан, ҳой...

- Ҳа, энди... ўричани сувдай симириб юборгансан, алоқада комбатга берган маълумотингни эшитиб роса кулдим... Кимки алоқада турган бўлса ичаги узилди. Сенинг қовушмаган гапингни шўрлик комбат зўрға англади-ёв, ўзиям роса уялиб кетди... Ротний сени «ўрис адабиёти институти»да ўқийди, зиёли, деб оператор қилиб қўйувди.

- Ўрисчага сал йўқман, барибир институтда биринчи курсни бешга битирдим... ҳар ҳолда ўрис адабиётини оз-моз биламан. Тил билмаслик илмсизлик дегани эмас, сен тушунармидинг буни.

- Ҳа, бўпти. Бирок, сал нервиннироқсан. Болаларни уриб-сўқиб ташлама, деяпман-да.

- Ҳов, менга қара... жағлари очилдими... Сенга ким ийтаяпти, болаларни ўқитаман деб.

- Ўзинг.

- Ҳазилингни қўй, Бойбиш. Афғондан кейин, ишлашимга кўзим етмаяпти. ошна... Тўғриси, мен у-бу нарса ёзмоқчиман. Ўқишни журналистикага айлантираман. Насиб қилса, ёзувчи бўламан... умуман одамлар ҳақида, сен тўғрингда ёзаман...

- Армиядан олдин ҳам ёзганмисан... Тўғриси айрим гапларинг чолларниқига ўхшаб кетади, сени ғалатиноқ деб ўйлаб юрардим.

- Бойбиш, бизнинг ёшлигимиз қолмади, ошна. Болалик, навқиронлик, дарёнинг нариги томонида қолиб кетди. Бу ерда ўлим ва сен борсан... уруш... манави қоронгу дунё бор. Билдингми... Сен ўзингни ўн тўққиз ёшдаман деб ўйлайсанми ҳалиям... Одамзот танаси навқирон бўлиши мумкин, бироқ кўзидан қарийди. Бизнинг кўзларимиз кўп нарсани кўрди. Бойбиш, агар кўзига ёш келса одам шу лаҳзанинг ўзида беш йил яшаб қўйган бўлади. Ёш келавериб бизнинг дийдамиз қотиб кетди, ошна. Мен шундай... темир бўлиб қолганлигимиз, кўксимизда муздек тош қотиб қолгани ҳақида ёзмоқчиман...

- Уруш фақат қахрамонлик эмаслиги ҳақида ёз...

- Уруш ҳеч нарса эмаслиги, бу ҳақда ёзиш нақадар

¹¹ Бойбиш - Нурмахоннинг лақаби

оғир эканлигини одамларга тушунтирсам бўлди...

- Уруш-қўрқув. Қўрқув эсингни йўқотиш. Эсингни йўқотганингда эса сенга барибир. Мен жангда тириклигимниям, ўликлигимниям унутиб қўяман. Чорикордаги жангни эсла, ҳамма тентакка ўхшаб, югириб қолувди, одам қутириб кетаркан. Жангдан кейин кўпчилик, ярадор бўлмаса-да, госпиталга жўнатилди. Ўзини эплаганлар ҳам анча кунгача аслига қайтолмай юрди. Шундан бери урушга чиқамиз деса оёқ-қўлим бўшашиб, юрагим увишади...

- Бойбиш, сену бизчалик ҳеч ким хору сарсон бўлмаслигини ўйлаганмисан?

- Оз-моз.

- Биз бу ерда беҳуда дабдаламиз чиқиб юрганимизни ҳис қилоласанми? Бойбиш, биз расволар ва нодонлармиз.

- Нима қилиш керак? Урушга чиқмай қолишни йўлини топа оласанми?

- Йўқ. Урушда ўликларгина урушга чиқмайди.

- Буни яхши биламан. Мана сенинг ўзинг ҳам афғонга ўтгандан кейин кўзинг очилди. Харбий ўқув пайти ҳеч нарсани тушунмасдинг. Афғонистонни - қахрамонлик майдони дердинг. Мана сенга жасурлик кўрсатишнинг вақти келди. Эртага урушга чиқамиз, отамиз... танклар, БМПлар, БТРлар, портлашларни кўрасан, шундайми? Бизни роса алдашган-да, энағарлар...

- Бу Давлатнинг ўйини... қўй, э, онасини...

- Ўйиннинг бунақасини нима деб аташ мумкин... .. Ниманинг ҳазили бўлмайди, ёзувчи бола... биласанми?

Нурмахон жим бўлиб қолди. Бошим лўқиллаб оғрирди. Қовоғим оғирлашди. Ринат яримлатиб ташлаб кетган сигаретни олиб лабимга қистирдим... Гугурт чакмоқчи бўлгандим, қўлларим қалтираётгани баттар хўрлигимни келтирди. Энди ичмасликка, искоти чарсни чекмасликка аҳд қилдим... Шуни чекиб олсанг кўп нарсани унутасан, муҳими қўрқув ҳисси йўқолади, урушда шу ҳодиса эса қўл келади. Зобитлар чекиб олганингни билишади, бироқ ҳеч нарса демайди. Уларга ҳам сенинг жасур бўлиб қолишинг керак. Умуман, сен ўзингдан йироқлашмай туриб ёвуз ишларни бажаролмайсан. Урушда ақлинг жойида туриши - бўлмаган гап.

Ташқаридан қадам товушлари эшитилди. Дарҳол бурчакда уюлиб ётган ашқол-дашқоллар орасига беркиниб олдик. Эшик бир зарбда очилиб, Мўмин билан Юра кириб келди... Қўйинлари тўппайиб турибди. Биз ўрнимиздан туриб уларни роса санғиганидан койиндик. Ошхонадан овқат олиб келишибди. Биз шинел устига қозонни қўйиб, Ринатни кутдик. Зах қоплаган омборхонани нўхат шўрва ҳиди тутди... Менинг иштаҳам очилди. Бироздан сўнг Ринат темир кутида қуюлтирилган ширин сут, печени ва сув олиб келди. Биз роса очикқандик. Дарҳол чурқ этмай овқатни туширдик... Корин ғами кетгач, омборхонани титқилаб, ҳар биримиз ўзимиз учун жанг тўрвасини тайёрладик. Жанг тўрвага учтадан сувдон, олтига ўқдон, пийма, қоп кўрпа, хандаққурак жойладик. Ўқ дори, хабармушак ва озик-овқат казармада тарқатилади. Умуман олганда, техникалар паркидаги темир-терсак омборхонасидан қолган-қутган камчиликларни тўғрилаб қўйсақ бўларди. Жанг тўрвалар ҳозирлангач, бурчакка яшириб, ташқарига чиқдик.

Хаво тоза эди. Ёмғирда чайилган тоғ-адирлар гўё қўл узатсанг етгудай яқинлашиб қолган... Атроф тип-тиник. Қисм ҳудудига ҳам алақандай файз кирган.

Казармалар кечагидай ғариб аҳволда эмас. Осмонда паға-паға булутлар сузади. Қуёш кундузга тип-тиник нур ичириб эркалаётгандай - гоҳ борлиқни чароғон этади, гоҳ сурув булутлар ортида паналайди.

Казармада ҳамма ўз иши билан банд. Аскарлар уруш тадоригини кўришмоқда. Ичкарида ўқ-дори, қисмларга ажратилган яроғлар сочилиб ётибди. Жангчилар тўп-тўп бўлиб яроғини тозалашмоқда. Мен қуролхонадан автоматимни олиб текшириб кўрдим. Қуролимни жангда панд бермаслигига ишонч ҳосил қилдим... Эрталаб йўлга тушишимиз аниқ бўлгач, омборхонага яшириб қўйган жангтўрвани олиб келдим... Кароватим тагига жойлаштириб, навбатчидан кўз-қулоқ бўлиб туришини илтимос қилдим... Механик ва операторлар ҳали техника паркидан қайтмаган эди. Мен Ринатдан машина жангга шайми, деб сўрадим. У менга шубҳа қилма, ўзинг снарядларни тўлиқ юклаган бўлсанг бас, отув милини тозалаганмисан, деди. Умуман олганда, машинани ўтган куни урушга ҳозирлаб қўйгандик. Мен кечки овқатгача ухлаб олишга қарор қилдим. Ечинишга ҳам эриниб, ўзимни кароватга отдим. Нурмахон билан Мўмин техника паркига кетишди... Ринат ҳам ухлайман, деди. Юра қурол тозалашга киришди... Казармада авжига чиққан бақир-чақир оғушида уйкуга кетдим...

IV

Кечки нонушта пайти уйғондим. Ротанинг тенг ярми ҳовлида саф тортган эди... Казармада взвод командири Ермелин қолганларни тезроқ ҳовлига чиқиб қаторга туриш учун қисталанг қилаяпти.

- Ҳе, онангни фалон қилай! Тезроқ бўл... қирмирла!

Телпагини қўлига олиб, айримлари гимнастёркасининг бир енгини кийишга улгурмаган ёш аскарлар тапур-тапур қилиб кўчага отилишди. Бундан руҳланган Ермелин овозини тагин бир парда баландлатди.

- Тезроқ қимирланглар. Нима онангни куротида дам олаяпсанларми? Озгина имкон берсак, бошимиздан туриб ҳаммаёқни булғатасанлар. Ҳамма кўчага. Учгача санайман. Бир, икки... икки ярим...

Мен ўрнимдан шошилмасдан туриб, ювингани чиқдим. Ермелин менга бир қараб қўйди-да, тагин яқинда келган аскарларга ўшқира кетди, ҳали айрим «қари аскарлар» кароватда донг қоғиб ухларди. Ермелин ўчини «чижик»лардан олаётганди. Мен ювиниб келиб Ринатни туртиб уйғотдим. Кечки овқатга бориш учун сафга туришимиз шарт эди, чунки рота командирининг ўзи назорат қилади. Рота энг охириги аскар келиб сафга қўшилмагунча кўчада турди. Бошқа роталар аллақачон ошхонага кириб бўлган, биз командирнинг инжиқлиги учун эмас, тартиб-интизомни мутлақо бўшаштириб юборганимиз учун «жазоланаётган» эдик гўё. Рота нонуштага ярим соат кечикиб кирди. Овқатланаётганимизда ҳам командир кузатиб турди. Ҳеч ким бошқа устолга кўз олайтирмади. Ҳеч ким ҳеч кимнинг бошига чўмич ё ликопча билан туширмади... назари очларни командирнинг салобати босиб турди... Кечки нонуштадан сўнг рота казарма олдида яна саф тортди. Командир эртага жангга кетишимизни маълум қилди. Керакли асбоб-ускуна, анжом-аслаҳаларни шай қилишни, йўқса, бутун рота бу кеча ухламаслигини айтди. Кўпчиликнинг ғазабини кўзита ҳам бу зобит албатта айтганини бажарар, бир сўзли, самимий, довлорак инсон эди... Барибир аскарлар рота

командирини яхши кўрардилар. Урушда юраги бор, иродаси мустаҳкам зобитлар қанчалик қаттиққўл ва бешафқат бўлмасин, уларга ҳамма ҳавас қилади, кўпчиликнинг эътиборида бўлади. Зобит учун эса қўл остидагилар назарига тушишдан ўзга юксак шуҳрат ва мукофот йўқ...

Казарма тўс-тўполон... Аскарлар тезроқ жангга тайёргарлигини кўриб, эрталабгача ухлаб олиш пайида. Ҳамма нарсасини тахлаб улгурганлар темир совут, автомат ва каскасини ёнига қўйиб уйқуга кетишган. Мен ташқарига чиқиб сигарет чекдим. Кўкда юлдузлар ғужғон. Ой оҳиста сузади, гоҳо пар булутлар орасида кўринмай кетади, бироздан сўнг яна қалқиб чиқади, тун бошидан шовуллаб ой сутти-тиник нурлар тўкилади. Менинг назаримда зулмат билан ёруғлик жанг қилаётганга ўхшайди. Бирпасда зим-зиё тун чўқади, тагин ойдinлик инади, ой ёғду сочади... Олисида, тоғ томонда кўкка ёнувчи ўқлар тизмаси санчилади. Пулимёт ва автоматларнинг тариллагани элас-элас кулоққа чалинади. Ёнувчи ўқлар тизмаси энди ҳар томондан учади. Душман отаётибдими, бизниқиларми - билиб бўлмайди. Бундай тиник кечалар уйқинг келмайди, руҳинг тетиклашади... Кенгликларни айлансанг... анови кенгликлар бағрини ёриб кўкка узликсиз ўқлар учаяпти, одамларнинг ич-ташини ҳавотир емираяпти... қанчалар кишилар қирилиб кетаяпти...

Мен кайфиятимни кўтаришга имкон қадар бўлмағур хаёлларга чалғимасликка ҳаракат қилардим. Кайфиятимни туширмай дам олишим зарур эди. Эртага барвақт туриб йўлга тушамиз... Ҳеч қандай ваҳимага ўрин бермайман. Пешонада борини кўраман... Ахир биринчи марта эмас-ку. Э, одам қанчалик эътибор берса, шунча ваҳимага тушади. Қарасанг-чи, ойдin кеча, атроф нурли... осмон сирли... баҳор ҳавоси кўнглини яйратади-я. Мен яна битта чекамани-да, бориб ухлайман, азонда туришим зарур, йўлга тушамиз... Нима қипти, икки-уч кун айланиб келамиз-да. Ҳозир унчалик отишма бўлмаса керак. Гардез Чорикордай ҳавфли жоймас... Эй, кўй, шунга ўзингни кўярга жой тополмай қолдингми... ўзингни бос... ҳеч қандай кўрқув бўлмаслиги керак юрагингда. Биринчи гал рейдга чиққанингдаги ҳолни эсла. Шер эдинг гўё. Қизик, хаёлинга ҳеч нарса келмабди-я. Тезроқ душманга дуч келсам деб ошиқибман... Мана битта чекамани...о, ўзиям «Охотничий» яхши сигарет. «Донские» бошни тамом қилади... Рота ҳали ухламайди... Қисмни айлансаммикан... Нима кераги бор... Бундай кечалари кишлоғинг кўчаларида юрсанг... атрофингдаги кишлоқларнинг чироқлари ғужғон кўринади. Мормин, Хўжасоат, Обшир, Чеп... Худди, юлдузлар ўша кишлоқлар тепасида муаллақ туриб қолганга ўхшайди, аслида улар уйларда порлаган чироқлар бўлиб чиқади. Итлар тинмай хуради. Ҳамма ширин уйқудан... Майин шабада эсади... Сен эса сайр қилаверсанг... Ҳозиргидай хузур-ҳаловатни гўзал кечада фақатгина кишлоғинг, ота-онанг оғушида ухласанг мазза-да. Бизнинг уйдагилар ҳозир нима қилишаётганикин? Отам ухлаб қолган. Бечора ишдан роса чарчаб қайтган... Онам, укаларим, катта энам уйғоқ... нима ҳақида гаплашишяптигидин? Балки мени эслашаётгандир. Ахир мен ҳам уларни ёдга олаяпман-ку... Улар мендан ҳавотирланишади... Бу ерда уруш... Ўлиб кетишинг мумкин... Мен ўлишни ҳеч қачон истамайман... Мен сизларни ташлаб кетмайман, ҳали учрашамиз жигарларим... Эй, худо, ўлмайин - бу сафарги жангдан ҳам омон қайтай. Ўлмайин, ярадор бўлмайин... Худойим

ўзинг паноҳингда асра...

Мен хаёл билан бўлиб, модулга яқинлашиб қолибман... Бироз кимир этмай турдим... яна сигарет тутатдим... Модул эшиги олдидаги қоровулни аниқ кўрдим... Аёлларни кўриқлаш жангга боришдан минг марта оғирлигини сезаётганмикин у. Бундай ойдinликда ўзни беркитиб бўлмайди. Уни беш-олти қадам наридан туриб қайси ротадан эканлигини таниш мумкин.

Афғонда қанча хизмат қилдйкин? Агар «қария» бўлса, аёллар модулига қоровулликка туришдан ҳазар қиларди. Ўлдириб ташласанг ҳам кечаси билан бу жойни боқиб чикмайди. Чижиклардан бирортасини кўйишгандир... Ҳали бирор марта бизнинг ротадан аёллар модулига навбатчиликка туришмаган... Йўқ, урушга чиқадиганлар, жангга яроқдиларни ҳеч қачон хотинлар қоровули этиб тайинламайдилар... Штабдан бошқа жойни кўрмаган, югурдак ёзарлардан бўлса керак. Уларга бари бир, ўлдирсанг ўлдири, ичимга тепма деб ётиб олишади, урушга чиқмасалар бас. Қисмдаги ҳар қандай юмушни бажаришни ор билмайдиган бу тахлит кимсаларни «штаб товуклари» дердик. Йўқса, штабга ёзар бўлишармиди, думба бойлаб, тўйиб ухлаб, озода кийиниб юришармиди. Бу окбилақлар умрида автомат отиб кўрмаган, жанг деса иштонини хўллаб кўйишарди... бироқ қисмга келадиган жами махфий буйруқ ва топшириқларни энг аввал шулар эшитишарди. Улар ўзларини «қора» аскарларга нисбатан баландроқ тутар, аммо урушда уруш кўрмай юрганларига шукрона айтишарди... Жангчилар уларнинг айримларидан қаттиқ нафратланишарди, чунки штабдан чикмай кўксига «Қизил юлдуз» ёки «Жасорати учун»ни тақиб олган ёзарлар, жангда ўлиб-тирилган аскарларга аталган мукофотни ўзларига ёзиб юборишади. Иттифокдан¹² ҳеч ким ҳеч нарсани суриштириб ўтирмайди, афғонда жанг қилаяптими, демак қахрамон бўлиши керак. Э, э, ҳамма томоннинг дабдаласи чиқиб кетган. Ҳатто ҳарбийда ҳам ҳақиқат йўқ... Урушда ҳам бир-бирини алдайди булар...

Модулга киришга негадир ҳафсалам йўқ эди. Кўнглимга қил сиғмаяпти. Ўзимни шунчалик абгор сезардимки, ҳеч кимга дуч келишни истамасдим. Қанийди ҳозир ҳеч кимса йўқ кенгликка тушиб қолсанг... Ўзидан ўзи хўрлиги келадиган одамнинг кўнглига ҳеч нарса малҳам бўлолмайди. Агар ҳозир мендан кўнглинг нимани истаётир деб сўрашса, ломлим дейоламасдим. Чунки мен карахт эдим. Мен ҳаммадан - ҳаётдан, ўзимдан нафратланаётгандим, тўйиб кетгандим. Лилиянинг олдига бориш учун мен ўзимни қадрай олишим, ўзимда шу нарсага маънавий тайёргарлик кўришим керак эди. Одам ўзини тамоман йўқ деб ҳис қилса ва бунга ишонса, у кўп нарсадан маҳрум бўлганлигини пайқаб қолади... Хўш, нима дейман... қийшанглиб Лилия мен эртага урушга чиқаяпман дейманми... тагин ундан мурувват тилайманми, эркаланаманми... қандай қилиб? Ахир мен ич-ичимдан идраб, тутдай тўкилиб бораяпман-ку?! Қайтиш оғир эди... аммо мен казармада дам олишим керак... эртага йўлга чиқамиз.

Казармада шовқин-сурон тинмаганди. Аскарлар бурчак-бурчакда ўтирволиб овқатланишяпти, чекишмоқда... бошқалар жангга тайёрланишмоқда. Янги келган жангчиларнинг тарадуди ҳалиям битмаган. Нимайики дуч келса жанг тўрвага солишмоқда. Жангчиларнинг ҳазул-хузули, «онангниси» эшитилади,

¹² Иттифоқ - СССР назарда тутиляпти

гоҳида бир томондан бошқа тарафга кирза этик учиб қолади. Кимдир войвойлаб, ғазаб билан сўкинади, кулгу кўтарилади. Кўпчилик тумба устига энгашволиб уйга мактуб ёзишмоқда. Жанг олдидан одат бўйича, ҳамма яқинларига хат жўнатади. Мен онамга мактуб ёзиб, кароватимга чўзилдим... Эртанги кун ҳаяжони юрагимни ғиш қила бошлади... Кўзимга уйқу келмади... Мен ўлим ва тириклик оралигидаги масофада тебранаётган кимсага айлангандим... Хаёл суриш, азобланишга маҳкум этилгандим. Шу ерда, мана шу казарма ичида мен билан бирга нафас олаётган, эртага мен билан бирга жанг қиладиган... Эҳтимол... эҳтимол мен билан бирга ярадор бўладиган ёки ўладиган курулдошлар ҳам менчалик эзилаяптимикин, улар ҳам мен каби ўзларини тушунмаяптимикин, Одам ўлими яқинлашиб ё бирор фалокатни сезса, худди менинг ахволимга тушиб қолармикин? Ахир менда илгарилари бундай ҳолат бўлмаган-ку сира? Мен ўрнимдан туриб, курулхонадан қалин темир нимачани танлаб, бошимга келтириб қўйдим. Ҳар эҳтимолга қарши олтига ўқдон олиб, жангтўрвамга жойладим. Ўқдори машинада етарли эди. Старшинадан ўн кути сигарет олиб тўрвага солдим. Тагин нимадир қилишим керакдай эди... «Чижик»лардан бирини чақириб гимнастёркамга оқ ёқа тикишни буюрдим. Ўзимни мажбурлаб бўлса-да ухлашим керак эди...

Инсон ҳар қандай вазиятда ҳам ўзининг бахтли эканлигини, гарчанд бахт сўзи нисбий эрса-да, бахтиёрлигини сезиб қолади, демакки олдинда бунданда кемтикроқ, нотугал, ғамгин кунлар бор. Назаримда бу кечалик бахтим менинг-тириклигимда эди. Бутун инсоният бахт ва бахтсизлик тушунчаларини ўзини овутиш учун ўйлаб топгандир... Хаёт ва ўлим оралигидаги кўрқув қанчалик кичрайган сари, инсон ўзини ҳалоқатга шунчалик тез тайёрлайди ва кўниқиб боради. Биз айтган «тириклик бахт» деган зўракилик эса жудаям кулгули бўлаб қолади.

Барибир ухлай олмадим. Казармада энди у ёқдан-буёққа беҳуда ўтавериб асабни егувчилар камайиб қолганди. Тўртинчи взвод ётоғида овқатланиб бўлган Ринат ёнимга келди... Кайфияти тетик. Тагин тортишибди.

Нега бизнинг олдимизга бормадинг? - деди у кароватига ўтириб. Ринатнинг юзидан қон қочган, кўзлари қизаринқираган эди.

Иштаҳам йўқ.

Зўр дори бор экан. Бир тортсанг вообше тахта қилади...

Ҳамма нарсангни тайёрлаб қўйдингми?

Ҳам ема. Аллақачон туғрилаганман. Мени биласан-ку... Биринчи сафар чиқаётганим йўқ-ку... Яхши томони, бутун армия қатнашаркан бу сафар ҳам...

Бутун армия қатнашса байрам бўладими, - дедим гижиниб...

Ҳар ҳолда шунча дабаба-техника бесанок одамнинг ичидан бир сенга ўқ келиб тегмас... тагин ким билади, пешонангдан кўрасан... Душман ҳозир анойи эмас. Тўрттаси бир полкни ётқизиб-турғизади.

Шу ерда туғилиб-ўсгандан сўнг, паст-баланд, ўнқир-чўнқирини яхши билгач, албатта афғоннинг қўли узун бўлади-да.

Э, булар тоғнинг ичига кирволиб ҳарзамон-ҳарзамон бир отиб қўяди, шундаям кимнингдир ёстиғини қуритади. Биз бўлсак дарров артиллерия билан соатлаб ўққа тутамиз, сўнгра самолётларни юборамиз, охири пиёдалар чиқади. Шунда ҳам тутдай тўкиб ташлайдилар...

- Ринат, шу сафар жангга сираям чикқим келмаяпти. Сен барибир мен билан бўласан-ку, бир фалокат рўй бермаса гўргайди.

- Э, ҳаммада бўлади бу кайфият. Биз ҳозир нега чекдик, нега. Э... онасини... чалғийсан-да... Чекамизми?

- Яхшилаб ўра, майли...

Ринат бир зумда «Донские» сигарети тамакисини кафтига тўкиб чарс билан кўшиб эзгилади. Зобитлардан бирортаси кўриб қолмасин учун мен эшик томонга қараб турдим... Чарс тайёр бўлгач икковимиз ташқарига чикдик.

- Бу кўплик қилади... Роса кўп қўшдим... Сен анави бурчакда кутиб тур. Мўмин билан Юрани бошлаб чиқаман, - деди Ринат ва ичкарига қайтиб кирди. Мен ой ёруғида, казарма бурчагида паналаб турдим. Уччаласи келишгач модул тарафга ўтиб, чарс тутатдик. Ҳавони бирдан чарснинг ўткир ҳиди қоплади. Чарс чинданам ўткир эди. Бир тортишимданок миям қарахтлашиб, юзим совуққотди. Мен лаҳза сайин мутлақо бошқа одамга айлана бошладим. Иккинчи галги тортиш, тамом гангитиб қўйди. Кўзим юмилиб, атроф чириллаб айлана бошлади. Ютинсам қулоқларим битиб қолаверди. Мен ёнимдагиларга ҳам эътибор бермай казармага қараб югурдим. Қўшдай энгил, назаримда учаётгандай эдим. Кўнглимда ҳеч қандай ғам-андухнинг сояси қолмади. Негадир қулдим... Казармага кирганимда томоғим бўғилди. Бир амаллаб жойимга бориб қуладим...

V

Сахарлаб техникалар парк ёнидаги ялангликда тизилди. Дастлаб саф бошига танклар қўйилди... Сапёрлар ротасига тегишли БТРлар йўл текширувчи тухумли танк¹³лардан кейин турарди. Сўнгра разведкачиларнинг БМПлари йўлга тушади... Кейин мотоўқчи батальоннинг роталарига тегишли БМПлар ҳаракатланади. Алоқалар келишилган санага мосланиб текширилди. Ҳар бир рота ўз атамасига эга эди. Деярли ҳар бир ҳаракат рақамлар орқали ё бирор нарсага нисбат берилиб айтилар, алоқада сир сақлашга қатъиян эътибор қаратиларди. Дейлик олдга юришга буйруқ берилса, 73 дейиларди, 61 тўхташ ишораси. Хуллас, алоқада мутлақо сирли гаплашилларди... Рота командирларига юриш харитасидан ташқари, алоқада қўлланиладиган сўз ўрнини босувчи - турли хил рақамлар ёзилган қоғоз ва уларнинг изоҳи берилган эди. Бундан ҳар бир аскар, асосан БМП-2 операторлари хабардор бўлишлари керак эди. Чунки оператор ҳаммиша алоқада туриши, механикка йўл кўрсатиши, керак пайти буйруқ асосида машинани жангга бошқара билиши шарт эди...

Қисм тонг пайти йўлга тушди. Мен шилимафоннинг қий-чувидан асабим бузилиб мудраб борардим... Колонна полк худудидан чикқач, операторлар хушёр турсин, деган буйруқ бўлди... Мен сигарет тутатиб, бамайлихотир борардим. Барибир то Қобулдан чикқунча бизни ҳеч ким отмасди... Беш-олти километрдан сўнг Қобул шаҳри бошланади. Сўнг шаҳарни кесиб ўтардик-

¹³ Тухумли танк - Танклар олдида занжирларига тўғрилаб иккита оғир ва думалоқ, катта мослама тиркалади... Худди йўл асфальтлайдиган техникалар олдидаги қурилмага ўхшайди. Агар мина бўлса дастлаб шу тухумлар портлайди, танкка шикаст етмайди.

да, жануб томон - Гардез тарафга бурилардик... Пиёда аскарлар машина устида мудраб боришарди. Ахён-ахёнда Юра кўзи уйқуга кетган аскарларнинг бошига автомат кўндоғи билан тушириб қоларди.

Нима тўполонлигидан беҳабар жангчи шўрликнинг кўзи ола-кула бўлиб кетади.

- Нега ухламайсан-а! Хе, онангни... Ҳозир машинадан кулаб тушсанг, заводнингга қайтиб кириб кетасан...

Аскар чурқ этмай, бошқа томонга қараб сигарет тутатарди... Бу ерда қоровулликда туриб ё жангга кетаётган машина устида ухлаш уят саналарди...

Қобул шаҳри аҳли дунёни ларзага солиб ўтаётган шўро кўшинларига даҳшату ҳавотир билан қараб қоларди... Йўлда ҳар қандай машина биз ўтиб кетганимизга қадар ҳаракат қилмай четда турарди. Дўқондорлар совуқ ва ясама табассум билан кўрққанидан жилмайиб таъзим қилиб кўярди. Савдо-сотик деса ўзини томдан ташлайдиган бу қавмдан кўра кўрқокроқ зотлар йўқ эди дунёда. Лекин бир нарсасини сотиб олмоқчи бўлсангиз сизни авраб ташлайди... Ҳар ҳолда Қобул тинч шаҳар эди. Ҳар муволишда Совет аскарлари ва маслаҳатчиларини кўриш мумкин эди. Алчихона атрофида эса ўрис аёллари бемалол юришибди.

Колонна шаҳардан чиқиб жанубга қайрилгач, атрофи тоғлар билан ўралган текис йўлга тушиб олди... Баҳор ҳавоси кишига тетиклик бахшида этарди. Осмон пасайиб қолгандай, тип-тиник... Тоғлар жуда чиройли кўринади. Йўл нишабликка кўтарилган сари куйида ястанган кўм-кўк яланглик, тез оқар дараё, пастқам-пастқам уйлари кўмиб юборган дарахтлар тугал бир гўзал манзарани намоён этмоқда. Шундоқ пойимизда табиат деган улкан мусаввир мангу гўзаллик сувратини чизаётганди. Табиатнинг сариқ чақалик иши йўқ сен билан... кўлингга қуролнинг борми, отаяпсанми, ўлаяпсанми... Самолёт ва артилериянинг билан дағдаға қилаяпсанми, асло аҳамиятсиз ўйин табиатан учун. У бу улуг манзарани қайсар мусаввир каби хаёлига мослаб ўзи учун чизади. Истаса мановиндай яшиликка бўяйди, истаса оққа ё сарғишга... хоҳласа борлиқни шир яланғоч қилиб тасвирлайди... Шундай бир мўжизакор куч борлигини тасаввур қилолмаган, талмовсираган сўқирдил инсонлар тириклик илдизини қирқиш, бир-бирини ўлдириш, кўзларини ўйиш, юрагини еб ҳузурланиш пайида бўлади... Аслида ер юзидаги жами урушларнинг оқибати табиатга нисбатан мунофиқлик билан кўлланилган хоинона суйиқасддир. Уруш табиатга инсон томонидан белгиланган энг оғир жазодир... Урушда одамлар бир бирини эмас, тириклик-табиатни йўқотади... Жами ёвуз махлуқлар ичра йиртқичроғи инсон эканлигини исботлаш учун фақат урушларни эслаш кифоя...

Биз нишабликнинг энг баланд чўққисига чикқанимиздан сўнг, Гардезгача тагин ўн беш чақирим йўл қолди. Бу йўлда кечадан бери беш олтига қисм ўтиб бўлганди... Дастлаб юрган қисмлар йўлда мудофаада турарди. То Гардезгача ўша олдин келган қисмлар йўлни кўриқлаётганди. Биз тушдан сўнг Гардезга етиб келдик. Кенг майдондан икки соат дам олишга рухсат берилди... БМП-2 ва танклар доира шаклида жойлаштирилди. Отув миллари ҳар томонга тўғриланди. Жангчилар техникалар панасида олов ёқишиб, картошка ва гўшт солинган темир идишларни очиб қиздирдилар. Ҳавони димокни қитиқловчи хид тутди. Тўрт томонга қоровул кўйилди. Овқати еб тугатилган идишларда ҳар ким ўзи учун чой қайнатди. Биз жуда тез тамадди

қилдик. Олдинда ҳеч қайси қисм ёки баталион ҳимояда турмасди. Бизнинг полкка Лангар деган жойга кириб бориш ва вазиятга қараб иш тутиш юклатилди. Шундай экан ҳали Ларгарда қандай томоша бўлиши на бизга, на штабдаги йирик юлдузларга маълум эди. Вазиятга қараб иш тут дегани, ҳар ким ўзини эпласин, қайси йўл билан бўлса-да топшириқни ҳам бажар, ҳам жонинг омон қолсин дегани эди.

Колонна оғир силтанди. Беш-олти чақирим ялангликдан сўнг қишлоқ бошланди. Йўл яқинида уйлар кўринмас, атроф дарахтзор эди... Кўча бўйлаб портлаган ҳарбий техникалар, ўқ гильзалари уюлиб ётарди. Қишлоқнинг бошланишиданок ваҳима сезиларди. Техникалар тезлашди... Ўпирилган уй ва кулаган деворлар, хўмрайган кўрғонларга қараб этинг дургиб кетади. Армияни кўз илғамас бир шарпа таъқиб қилиб келаётганга ўхшайди. Колонна ичкарига кириб бўлди. Бизнинг баталион сайхонликда томлари кўринган уйлар рўпарасидан анча берирокда, дарахтлар панасида ўрнашди. БМПлар аниқ масофадаги ораликда қишлоққа қаратиб кўйилди. Пиёдалар машиналар атрофида хандақ қазидилар. Отув милларининг оғзи нураб улгурмаган уйларга тўғриланди. Мен атрофни диққат билан кузатдим. Пастликда уйлар ва дарахтларнинггина кўриш мумкин эди. Агар отишма бошланса, тўғридан-тўғри сайхонликка снаряд ёғдириш мумкин. Алоқада баталион командири жангга шай туришни, агар бирорта ҳаракатни сезсак, ҳеч бир сўровсиз отишмани бошлашимизга рухсат берди... Қишлоққа бирор шарпа қирмирламаслиги керак эди. Қишлоқни ўлик ҳолда ушлаб туриш биз учун зарурат эди.

Осмон ерни босиб қоладигандай. Жимлик... Дарахтларнинг учи қилт этмайди. Совуқ сукунат. Шилимафонни ечиб, алоқани узиб кўйдим. Ҳавонинг тафти иссиқ. Мен ўзимни бўғилаётгандай ҳис қилдим. Яқинда келган рота командири машина ичкарасида ўтириб, кузатув ойнаси орқали атрофни тамоша қиляпти... менга шундай туюлди. У жанг кўрмаган... қизиқарди. Унга қараб кулгим қистади... очиғи... ачиндим. Шўринг қурғур, ҳали чинакам жанг қандай бўлишини тасаввурга келтиролмас керак. Унда урушда кимдир қурбон бўлади, ҳамма ёқдан ўқлар учади, қий-чув, тўс-тўполон бўлиб кетади, деган тушунча бор. Аслида эшитиш билан кўриш, хаёлга келтириш билан ҳис қилиш орасидаги фарқнинг фаҳмига етолмайди. У бор-йўғи бошлиқ, зобит, бироқ жангчи эмас. Қанақа жангчи эканлигини эса жангда кўрамыз... Урушда асаби мустаҳкамлар, ичларидан тўкилиб адо бўлмайдиганлар ўзларининг расво бўлганликларини, бироқ бунга чидаш зарурлигини тушуниб етадилар. Кўрқоқлик ва жасурлик борасида жанг кўрмаган жангчига бир нарсга деб сифат бериш адолатдан эмас. Яна бир даҳшатли ҳақиқат шуки, жангоҳда кўрқоқлик қилганларни, ўзини йўқотиб кўйганларни тушуниш мумкин. Инсон асло темир эмас... Агар уруш даҳшатини англай билиш, фаҳмлаш ҳисси мавжуд экан, уларга қўл силташни ҳақорат деб тушунаман. Кимдир даҳшатни шу заҳоти, кимдир кечикиб, бошқалар йиллар давомида англаб, юрагини ғижимлаб яшайверадилар... Урушда инсонлар қатнашадилар ва бир куни урушдан инсонлар қайтадилар. Уларнинг айби - фақат бошқалар тушунмайдилар, ўзларидан узоқлашган одамлар атрофдагиларга қанчалик яқинлашини истамасинлар барибир орадаги жарликдан ҳатлаб ўтолмайдилар.

Рота командири алоқада бошлиқларга биз жойлашган нуқтада осойишталик эканлиги ҳамда

жангчиларнинг хушёр туришгани ҳақида маълумот берди... Мен машинани отишга шайлаб қўйдим. Ўқдори етарли эди... Агар қаршимиздаги уйлардан эмас, ёнбошимиздаги қўрғонлардан ўт очишса дамимизни чиқармай қўйишади. Мен Ринатга агар қўрғонлардан хужум қилишса, ҳеч иккиланмай машинани орқага олишни ва ортимизга, катта йўл томонга ҳайдашни ўқтирдим. Бунақа вазиятда жангчилар ўз тарадудини ўзлари қўришлари керак эди. Ринат буни яхши биларди. Нима қипти, жонни саклаб қолиш керак - қочиб чиқамиз. Битта граната билан мошин-пошинимиз билан нариги дунёга зингиллаб қолмасак бўлди.

Мен отишма бўлишини жудаям хоҳлаётгандим. Манови командир бўлмишнинг жанг пайтида аҳволини кўриб қўйишни ички эҳтиёж билан кумсаётгандим. Ростакам урушни кўрмаган, қарибир довдыраб қолса керак. Балки абжирроқдир, қаҳрамонона жанг қилар, кўрқув парвойига ҳам келмас... агар чинданам юраги бўлса аскарлар ичида дарров хурмат топади. Гапига кулоқ солишади. Мабодо куённинг юрагини олиб юрган бўлса, расвоси чиқади. Бутун ротадагилар олдида шармандали ном орттиради - ЧМО. Ҳозир Евдокимов улкан бир синов олдида турганини ҳис қилаяптимикин? Балким у ҳеч ким мени кўрмайди-ку, менинг аҳволимни ҳатто сезишмайдиам, кўрқок, ботир эканлигимни қаёқдан билишади, жангда ким менинг аҳволимни билиб ўтирибди, деб ўйлаётгандир. Ҳали у бу ернинг ўзига яраша гап-сўзлари борлигидан беҳабар. Барибир ротадаги аскарлар унинг кейинги кунларидаги мавқеи кўламини бугунги жангда ўзини қандай тутишига қараб белгилашади. Афғондаги зобитларнинг кўпчилиги жангдан кейингина ўз қўл остидагилар билан тил топишади. Агар улардан бирортаси кўрқоклик қилишса ёки ўзини йўқотиб қўйсалар аскарларнинг назаридан четда қоладилар. Мен Евдокимовни шу жангдаёқ синашни хоҳлардим. Ҳозир айна пайти эди... агар чинданам довирак бўлса сиртига сув юктирмайди, оддий бир аскар олдида ер билан яксон бўлмайди, хурмати ошади. Мабодо кўрқоклик қилса уни кўрарга кўзим қолмаса керак... даҳшат... эғнида юлдузчаси бўлгани учун ҳам унга шунчалик ёпишиб олиш шартмикан?.. Ахир зобит одам эмасми? Йўқ, урушда зобит ва оддий аскар, ботирлар ё юраксизлар бўлади... Агар инсон ўзини тамомила йўқотиб қўйса, гарангсиз бўлишига тик борса жасоратми? Умуман ҳеч нарсанинг тағ-туғи, асл моҳиятини тушунмай қолганлар жасур саналадими? Ўлимдан кўрқиб, руҳий мувозанатдан четлаб кетолмаган кишиларнинг шаънига таъна тошларини иргитиш адолатданми?

Жимлик дарахтларнинг учига довр ваҳм кўнғироғини осган эди... Қаршимиздан кўринмас хавф дарахтлар, пасткам уйлар, сайхонликни кўтариб яқинлашиб келаётгандай эди. Ринат механик хонасининг тепа эшигини ичкарасидан қулфлаб миқ этмай ўтирибди. Ёнимда командир ўриндиғидаги кузатув ойнаси орқали тевааракка қараётган Евдокимовнинг юзидан бирор ҳолатни пайқаш амри-маҳол. Қизиғи, у ҳали бирортаям сигарет чекмади. Асаби жойида. Чинакамга отишма бошланиб кетса, чидаш берса керак... Шу билан бекор урушга чиқдик. Унинг тош қотган қиёфаси ғашимни кўзғатаяпти. Нима, бу ҳақда ўйлаб ўтиришдан бошқа ташвиш йўқми. Менга деса душманга қараб қўлини кўтариб югурмайдами. Э, агар тагини ҳўл қилиб қўйса ҳам нима қизиғи бор... Командир бўлса ундан нарига... Энди Евдокимов зобит бўла туриб кўрқоклик қилганига бош қотириб ўтирамани. Шу ротадагиларга хайронман.

Жангда зобитнинг қадамини пойлайдилар... Агар чиндан мард зобит бўлса, урушда ўзини йўқотмаслик керак дейишади. Кўрқоклик қилган аскарни тушунадилар, зобитни лаънатлайдилар. Демак, армияга нисбатан нафрат уйғонади. Одам ёмон кўрган нарсасининг топталиши билан хузурланади. Юлдуз таққан ҳарбийлар эса армиянинг фарзандларидир. Аскарлар-чи? Аскарлар... Улар халқнинг болалари. Армия билан халқ доимо бирга эмиш... Эй, минг лаънат барига... жонга тегди. Манави Евдокимов ҳам... кўнглимни бузаяпти. Ўтиришини... кўрқаяпти... ҳаммасини ичига ютаяпти... агар кўрқоклик қилса... дунёда сендан нотавонроқ кимса бўлмайди... Евдокимов... чунки сен шу армиянинг нонини еб кун кўрасан, обрў орттирасан, урушга бир умр тайёргарлик кўргансан... мен, Ринат, бошқа аскарларнинг тушига ҳам кирмаган бу уруш... Урушга фақат ҳарбийлар жон-жаҳди билан ҳозирлик кўрадилар, бошқалар ёлланадилар... бошқалар алданадилар...

Евдокимов нимадир деб гўлдираб қўйди. Кузатув ойнагидан кўзини узмай мени турткилади. Мен ойнадан тўғрига қарадим. Қаршимиздаги сайхонликдан бир тўда қўй кўринди... Бироздан сўнг жониворлар ариқ бўйлаб ёйилдилар... Сўнгра қўй ҳайдаб чиқаётган болакайни аниқ кўрдим. У бошига гулдўзи дўппи кийиб олган. Қўлидаги таёғи учи билан аҳён-аҳёнда ерга уриб қўяди... Бола бизни кўриб турарди... У кўрқиб-писиб чиққан бўлишига қарамай, қишлоқ аҳли билан қўшин оралиғида сулҳ тузиш учун ягона воситачилик қилаётганди... Бола атрофга бепарво эди. Бутун қўшиннинг нигоҳи болага қадалганди. Замбараклар, БМПлар, танклар тумшуғи болага тўғрилаб қўйилган эди.

Орадан чорак дақиқа вақт ўтди... Дунё шу миттигина болакай олдида тиз чўкса, урушни тўхтат деб ёлворса, чинқирса арзирди... Қўй боқаётган болани мен укамга ўхшатдим. Жулдургина кийиниб олибди бояқиш... У ҳозир тақдирга тан бериб чиққан. Ўлим нималигини ҳис қилган... айна дамда шурави ўлдирмаслиғига ишонаяптими... Бола чинданам ўлим ҳақида ўйлаб кўрдимикин? Боланинг ёши еттидами? Менинг назаримда болакай ҳаммамиздан кексароқ эди.

...Бу қишлоқда душман йўқлигига, одамлари ҳайрихоҳлигига ишона бошлаган қўшинни, ўнг томондаги қўрғонлардан бирида гумбуллаб эшитилган оловли портлаш эсанкиратиб қўйди. Сўнгра кетма-кет гранатамётлар ишлаб, борлиқ ўқларнинг чийиллаши ичида қолиб кетди... Душман иккала томондаги қўрғонларда жойлашиб олиб, бизни ўққа тутаётганди... Ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетди... Танк ва БМПлар ишга тушди... Қўрғонларга қарата тўхтовсиз ўт очдик... Автоматлар узлуксиз тариллади... Рўпарадаги қишлоқ устидан ҳам снарядлар ёғила бошлади. Мен отув мили ойнаги орқали бола қўй боқиб турган жойга қарадим... Ердан олов аралаш портлаган снаряд парчалари кўтариларди... қишлоқ тараф чанг-тўзон ичида қолганди... Душман жон-жаҳди билан бизга қарата зарба бераяпти...

Машина тепасига темир парчалари келиб тушар, еру кўк зирилларди.. Мен беихтиёр отув милига қўл юбордим. Машина силтаниб бесаноқ снарядлар учди. Ичкарига порох хиди урилди. Сўлдаги қўрғонлардан бирининг олов пурқаётган даричасини нишонга олиб отдим. Бироз жимлик чўқди... сўнгра тагин олов кўтарилди... мен яна отдим... бироздан сўнг ўша даричадан тагин олов отилди... машина олдида кучли

портлаш содир бўлди... Душман бизни мўлжалга олаётганди... Евдокимов алоқа орқали комбатга аҳвол жиддий тус олгани, душман бизни сиқиб келаётгани ҳақида ҳовлиқиб хабар бера бошлади... У командир хонасида титраб-қакшар, ён-веримизда портлаш содир бўлганда менга кескин бурилиб қарар, от деб қичқирарди. Кўзлари косасига сиғмай у ёқ-буёққа аланларди... Кўрғонни танклар ишғол қилдилар... Деворлар кулай берди. Мен Ринатга ички алоқа орқали машинани орқага юргизишни то йўлгача чекинишни буюрдим... Евдокимов қунишиб олганди. Энди алоқа билан ҳам иши йўқ, лом-мим демасди. Ўлик-тиригим бир пул деб ўтириб олгани гашимни кўзитди.

Машина орқага силжиди. Пиёдалар ҳам шундай бўлишини кутиб ўтиришганди, дарҳол чекина бошладилар. Биз ҳимояда туришимиз керак бўлган жойни ташлаб чикдик. Катта йўлга етгунга қадар сайҳонликка қарата отиб турдим. Биз тарафга қаердан туриб отишаётганини билолмасдик. Кўрғонлардан наридаги нуқталарда жанг бу ердаги каби авжга чиқмаётганди. Арининг уясига қўл тикиб «улуши»ни тўлиқ олмасдан қочиб қолиш ҳам ҳаммага насиб қилавермайди. Агар биз ўрнимиздан кимирламай отишмани давом эттираверсак дабдала қилишарди. Ақлни оларли даражадаги душман қаршилиги олдида бизнинг техникамиз, қуролларимиз ҳеч нарса эмас, йўқ ҳисоби эди.

Қишлоқни артилерия элакдан ўтказди. Қуюқ туман узра фарқ бўлган сайҳонликда қиёмат кўпти. Ваҳмли гумбурашлардан сўнг томларнинг ўпирилиши, юракни лоҳас қиладиган бақирик остида юрган одамлар кўзга чалинади. Еру кўкни титратиб самолётларимиз қишлоқ устидан бомба ташлай бошлашди. Ҳар бомба тушганда борлиқ лопиллаб кетар, қулоқни тешгудай қарсиллашдан гангиб қолардим... Аҳён-аҳёнда ҳавода оқ тутун пайдо бўлар, қарсиллаган овозлар эшитиларди. Артилерия замбараклардан шрапнел¹⁴ отаётганди... Қишлоқ игналар ёмғири ичида қолди... Бундан бир неча соат аввал гуркираб турган дов-дарахтлар ўртасидан қарс-қарс бўлинган, таналари қорайиб тутаб ётарди. Қишлоқ ўйилган гўр каби совуқ кўринарди. Ҳаводан ачитки хид келарди. Ҳаво иссиқ эди... аллақандай лоҳасликдан кўнглим безовталанарди. Мажолсизланиб борардим...

Машинани йўл яқинига қўйдик. Атрофда кўрғонлар йўқ, яланглик. Отишмадан йироқ жой. Танг аҳволда қолсак барибир қочиш учун йўлга чиқишимиз керак. Бунинг устига душман гранатамёт билан бизни мўлжалга олган тақдирда ҳам унчалик хавфли эмас... Гранатамёт билан фақат яқиндан, паналаб келиб уриш мумкин. Ҳаммаёқ кафтдагидай кўриниб турибди. Йўлдан қишлоқнинг кунботар томонидан чиққан БМП-2 ва саушка¹⁵лар физиллаб ўтишмоқда. Техниклар миллиарининг учи қорайиб кетган. Механик ва отувчилар афт-ангори чанг тўзон, фақат кўзларигина ёниб туради. Шундан билса бўладики, ичкарида бу ердагидан ҳам даҳшатлироқ чанг кетаяпти.

Ялангликка минамёт снарядлари келиб тушди. Ёнгинамизда портлаш содир бўлди. Мен кўрғон томондаги масофани белгилаб ўт очдим... Евдокимов шилимофонни ҳам ечиб ташлаган. Ҳар замонда «ух сука», «ух билат» деб кўяди. Қўллари қалтираб ғужунак бўлиб олган. Юзида тунд ифода қотиб қолган...

Машина тагида ётиб олиб ўт очаётган пиёдаларни ҳимоялаш учун ҳам мен узлуксиз отиб туришим керак эди. Назаримда узоқ йиллардан бери жанг қилаётганга ўхшайман. Ачитки ҳид, ўк дори иси мени элтиб кўяётганди. Кўзларим тиниб кетди. Қўлимда дармон қолмади. Зобитнинг эса тили калимага келмаяпти... Мен чанқай бошладим. Тамоғим қақшаб кетганди... Бошим зил-замбил бўлиб оғирлашди. Назаримда машина чирпирак бўлиб айланаётгандай... Бутун жангтоҳ қий-чув, ваҳимали гумбурашлари билан биргаликда ҳавога кўтарилаётгандай эди. Мен ўзимни заминдан узилиб қолаётгандай хис қилдим. Кўнглим алағда эди... Шлимофондан эшитилиб турган алоқадаги бақир-чақирлар миймага арра солаяпти. Ички алоқа нуқтасини босиб Ринатга уландим...

- Ринат, сув бер... сувдонни узат...

- Ҳозир... бир минут... яшиқнинг тагида эди...

- Ринат... нафасим бўғилаяпти... люкни очаман...

- Калланг борми... тўғри тепангдан тушмасин...

- Сувни ол... тез бўл... ошна... ҳозир димиқиб ўламин...

- Ма, юзингни чайиб ол...

Ринат механик хонасидан чўзилиб темир сувдончани узатди. Мен бир кўтаришда сипқордим... Сувдонни снаряд қутисига ташладим... Бироз ичим яхлади... Бўзимда ачиқ таъм туйдим. Бошимни отув нуқтасига тираб, кўзимни юмдим... Мени лоҳаслик қийнарди... Манглаймдан муздай тер окди. Шлифонни ечиб ташладим... Ташқарига чиқиб ерга чўзилишни, кўларимни ёзиб ухлашни жуда-жуда кумсаётгандим... Ҳеч нимани англай олмай қолдим... Бикинимдан нимадир қаттиқ ботди - Евдокимов туртаяпти. Ўликникидай юзига боқиб баттар гижиндим.

- Нима гап, ўртоқ катта лейтенант.

- Ухлаяпсанми... нега отмаяпсан... Сенга нима бўлди. От. От... Нега ухлайсан... Ҳозир нариги дунёга жўнатишади. От солдат! - у бор овози билан қичқирарди. Худди эсдан оққан одамга ўхшаб аланглайди.

- Мен чарчадим... Иложим йўқ... отолмайман.

- От! Аҳмоқ... Отсанг-чи! Мен сенга кўрсатиб кўяман ҳали. О, худойимей. От! Мен сенга кўрсатиб кўяман, ҳе, онангни...

- Ўзингни онангни фалон қилай, қанжиқ. Нима, сен отолмайсанми... Кўрқок шохол...

Яна отув нуқтасига бошимни қўйдим... Агар яна бир марта Евдокимов шангилласа люкни очиб ташқарига чикаман, деб ўйладим... Бир энасини кўрсин.

У яна туртди. Ялинган оҳангда гапира бошлади:

- Ахир, солдат... чида... бу уруш-ку... биринчи марта жанг қилаётганинг йўқ-ку, дўст.

- Чарчадим... Бўғилаяпман.

- Шлимофонни кий. Буюраман.

У газабланган кўйи, қўлларини мушт қилиб, ғужанак бўлиб олди. Мен шлимофонни кийиб, алоқада комбат билан боғландим.

- Билет¹⁶, билет... мен бункерман¹⁷, бункер - ўн учинчидан, қабулга ўтаман.

- Бункер ўн уч, мен Билет қабулга ўтаман.

- Билет, менинг қутичамга серсоколлар бодринг ташлаяпти... Таёқ кўтариб олган серсоколлар ҳам кўринаяпти...

- Бункер ўн уч... Вазият оғирлашаётган бўлса ҳозир тортиладиган ип ортидан етмиш уч... Мен турган

¹⁴ Шрапнел - ҳавода портлаб, нина сочадиган снаряд-нина

¹⁵ Саушка - тўп стволли ҳарбий техника

^{16, 17} - Билет, бункер - яширин атама. Жанг пайти ҳар кимнинг ўз номи бўлади.

нуктанинг шимолида олтмиш бир.

- Сизни тушундим, Бункер.

- Ишга туш. Қаламлар зинҳор қутича устига чикмасин, улар учун қутича панасида етмиш уч.

- Сизни тушундим.

- Катта қаламга айт, қутичада эмас, қаламлар билан бирга бўлсин.

- Сизни тушундим. Ҳозир қаламчалар олдига тушади...

- Ишга туш, ўғлим, ишга туш.

- Тушундим, Бункер, тушундим...

Баталион командири ҳеч қачон ўзини йўқотиб қўймасди. Ҳар қандай вазиятда ҳам чора топа оларди. Мен бироз тетиклашдим. Ишқилиб лаънати отишма ичидан чиқадиган бўлдик. Ички алоқа орқали Ринатга ҳозир баталион штаби турган жойга қайтишимизни айтдим. У қувонганидан «Худога шукр... яшасин комбат» деб қўйди...

Командир ҳамон қарахт эди. Ҳар бир портлашдан кейин сўкинади. Унга нафрат аралаш ачиниш билан дедим:

- Ўртоқ катта лейтенант. Машинадан ташқарига чиқаркансиз. Комбат буюраяпти. Ҳозир орқага қайтамыз.

- Нега?, - деди у жовдираб.

- Мен қаердан билай? Орқага чекинамыз, буйрук... шунақа. Сиз пиёдалар билан машина панасида борасиз. Жангчилар бешикаст олиб чиқилиши шарт деяпти комбат. Тезроқ тушинг, ўртоқ катта лейтенант. Буйрук... буйрук... ё машинада кетасизми?

Евдакимов эсанкираб қолди. Аланг-жаланг бўлиб бир менга, бир люкка қарайди...

- Жин урсин... Менга ўқдонларни узатасан...

У қалтираб-қалтираб люкни очди. Энди бошини чиқардиямки, чийиллаган товуш эшитилди... Машина ёнида кучли портлаш рўй берди... У жон ҳолатда ўзини ичкарига урди...

- Эҳ, қанжиқлар. Роса боплашаяпти... Бу даҳшат... даҳшат.

- Ўртоқ катта лейтенант бу ердан тезроқ кетмасак, бу галгиси тўғри машинанинг устидан тушади... Кейин... кейин...

Менинг кўзим тиниб, бошим ғувиллай бошлади... Евдакимовнинг қандай қилиб ташқарига чиққанини билмайман... Кулоғим шанғиллаб қолди. Ер чайқалиб кетаяпти. Олислардан ғувиллаган овоз келади. Элас, элас қуролларнингми... ниманидир шарақлаганини эшитапман. Атроф ғира-шира. Худди тонгги туман қоплагандай... Узокда, хув анови тоғлар томонда англаб бўлмас овозлар. Мен эрталабки нам ажирикзор устида чўзилиб ётибман... танамда чарчоқ ўрнини оғриқ эгаллагандай. Баданим зиркирайди. Кўзимни очолмайман. Баъзан ер тебранаётгандай бўлади, баъзан тинчиб қолади - мен нам ажирикзор устида ухляпман.

Мен қушдай енгиллашдим... осмон қирмиз тусда... шафақранг кенглик ичида бир аёл имляпти... қўйлақлари оппок. Мен қўлимни узатдим. У ҳавода учаяпти... чорлайн дедим, овозим чикмади, қўл силкидим... У қўлларини ёзиб мен томон пастлай бошлади... танидим - Лилия... Юзларидан кип-қизил ёғду таралапти. Нур товланаётган танасини фақатгина оқ ҳарир либос билан ўраб олган. Сочлари елкасида шовулаяпти. Кўкраклари, бутун аъзойи бадани кўриниб турибди... Ёнимга тушди... бармоқлари, билақлари танамни куйдирапти... унинг ҳарорати мени тамоман

жодулаяпти. Уни бағримга тортдим. Вужудим пардай тир тўзғиди...

- Келдингми?

- Келдим... Тур... кетамиз...

- Лилия... одамлар қани.. мен қаердаман...

- Фақат мен боооор...

- Лилия... Сен яхшисан... Сени узоқ кутдим.

- Сен ухладинг... ухлаааадининг...

- Барибир тушунмаяпман. Биз қаердамыз... Нега ҳамма нарса учаяпти...

- Ҳеч нарса учмаяпти...

- Ахир...

- Фааақат... мен... Сеен... Тууур...

- Мени олиб кетасан-а...

- Бииз бииргаа кетаамииз... Биз бир кетामीиз...

тууур...

Мен Лилияни тағин қучоғимла тортдим... Борлигим олов ичида қолди. У бир ҳовуч қизғиш нурга айланиб танимга сингиб кетди... Ботиний шууримда оғир энтикишни туйдим... нимадир қарсиллаб кетди... Кабоғим тортилиб кўзимни аранг очдим. Шафақ қониға чайилган паға-паға оловутс булутларни кўрдим. Қулоқларим залворли қасрлашдан том битаёзди... Ён-веримда бесарамжом аскарлар тўда-тўда бўлиб ўтириб олишган... Жангдан чиққан БМП-2 ва танклар устидан ҳам чалқанча ётиб сигарет тутатаётган аскарларни кўрдим... Ўрнимдан кўзғалмоқчи бўлгандим бошим оғирлик қилди... Қўл оёғимни ҳаракатлантириб кўрдим. Бирор жойимга ўқ тегмабди. Фақат бошим ўзимники эмасди.

Кўшин тўпланган жойдан нарида ҳамон артилерия ишлаяпти. Бизникилар бетиним отишмоқда. «Ураган» ва «гард»ларнинг ҳавони йиртиб, ўт очишига дош бериш қийин... Мен чанқаган эдим... Тагимга тўшалган қоп-кўрпа четида сувдон турарди... Ютоқиб сув ичдим. Бироз тетиклашдим. Мени ерга ким ётқиздийкин? Ринат қани? Машинага нима бўлди? Ўрнимдан кўзғолиб, турмоқчийдим, бошим гириллаб айлана бошлади. Чалқайрамон бўлиб ўзимни зўрға тутдим. Кимдир келиб елкамдан ушлаб ётқизди. Кўзимни очиб юз-кўзи қоп қора тутун бўлиб кетган Ринатни кўрдим...

- Ўзинга келиб қолдингми? Қандайсан... Баталион фельдшери бироз даммини олсин, тузалмаса санчагга жўнатамыз, деди. Очиғи, ўзим сени санчагга кетишингни хоҳламадим. Ўтиб кетади-а?! Чарчагансан.

Ринат пешонамдан ушлаб иссиғимни ўлчаган бўлди.

- Бошим оғрияпти... Ҳозир полкка қайтамызми?

- Ҳа, бир-икки соатдан кейин... Нонушта қилволиш керак. Агар кечаси бу ерда қоладиган бўлсак ҳаммамизни сўйиб кетишади. Лаънатилар, қутургандай отишаяпти... Қорин қалай... оғайни?

- Оч шекилли...

- Эҳ, ёмон бўлди-да. Ротадан саккиз киши яраланди... Евдокимовниям госпиталга олиб кетишди...

- Нима? Нима бўлди унга...

- Қорнига осколка тегибди... бечора дунёни бузиб додлади. Кўп қон йўқотди... ишқилиб тирик қолсин... биринчи жангдаёқ ўлимни ўйлаб ҳавотирланишнинг оқибати... Ўзиям турган битгани фалокат экан-да... Шу билан уни саюзга қайтариб юборишади... яроқсиз деявер.

- Яна қимлар яраланди...

- Тўртгаси янги келганлардан. Бир украин, қолганлари ўрис. Сасин борку, тўртинчи взводдаги ўша... билан Михайловнинг яраси енгил экан. Бурсук

контузия бўлиб қолибди. БМП милага тушибди. Қорақулоқлардан¹⁸ ҳеч ким жароҳатланмаган. Бир сени ҳисобга олмаганда... - Ринат елкамга қоқиб қўйди.

- Ринат, сигаретингдан бер. Бошим ғувиллаб кетаяпти.

- Бариси асабдан. Ҳозир ўтиб кетади. Сигарет Мўминнинг мошинида тикилиб ётибди. Олиб келади... Егулик тайёрладик. Биргаликда овқатланамиз...

Жиндек мизгиган эканман, Ринат уйғотди. Темир нимачаларни тўшаб чордона қуриб ўтирган Мўмин, Нурмахон ҳамда Юра менинг туришимни кутишаётган экан... Темир қутгичаларда қиздирилган гўшт, картошка ҳамда сухари едик. Алмисоқдан қолган чойнакда чой қайнатишибди... Қорин қайғуси чекингач, биттадан сигарет тутатдик... Мен дўстларим даврасида ўзимни анча енгил ҳис қилдим. Юра қўшиқ айтиб юракни эзди. Ҳарбийга чақирилгунга қадар анча олифта бўлганлиги кўриниб турибди. Елкасига гитарани осиволиб кўчаларда қизлар билан мазза қилиб яйраган. Гапниям гоҳида кифтини келтириб, қийиб қўяди.

Жангдан кейин аскарлар ҳорғин қайфиятда бўладилар, қиёфаси тундлашади. Ҳеч ким ҳуда беҳуда вайсамайди. Худди ўласи қилиб калтакланган ит каби сулайиб қолишади. Ҳамманинг қадам олиши оғирлашади... Бунақа пайтлар руҳингга фақатгина қўшиқ сингийди. Йиғлагинг келади. Ҳеч нима ҳақида берилиб хаёл суролмайсан... Дунё бир мискин қоронғулик ичида фарқ бўлганга ўхшайди... Сен ҳаётинг давомида фақатгина мана шу зим-зиё бўшлиқ давригача яшаб бўлганингни ҳис қиласан... Сенга кўп нарсанинг асло қизиги қолмагани каби тириклик ва ўлиш даҳшати орасиғидаги тафовут ҳақида бирор хулосага келиш, донишмандлик қилиш аҳмоқлик эканлигини пайқаб қоласан. Урушми... уруш... энг тоза кунларингни соғиниш... деган хулосага келасан ва... ҳеч қандай маъини англатмовчи ўйининг бир четида милтиллаган таскин чироғи ёғду сочиб туради... яъни мен тирикман, дейсан паришонхотирлик билан... Сенинг миянга тирик қолиш учун қайғуриш оғриғи зирқирайверади... Урушда ҳар қандай мусибат олдида пайдо бўлиши шарт кўрқоқлик туйғуси емирилиб кетади... Сен ўзингни йўқотиб қўясан... Бу нечоғлик бахтиқаролик эканлигини эса ўша дамда англаб улгурмайсан... йўқса Сен тамоман ақлу-хушингдан айрилдинг, тентак бўлиб қолардинг, умуман, уруш туфайли ақлдан озиб қолишга эса фожиа деб қаралмаса ҳам бўлади. Бу инсоният учун, урушда қатнашганлар учун манглайга ёзилиши муқаррар улкан ҳақиқатнинг кичик бир кўриниши, фожеаларнинг бир бўлаги. Фақат битта мусибат ягонадирки, бу ҳам бўлса ўша жанг кўрган одамларнинг қачонлардир кунлари бахтли кечган эди. Улар мана шу ҳақиқатни эсласалар томирларигача сирқираб оғриб кетади, ўзларини қўярга жой тополмайдилар.

Мен ўзимни узок йиллардан бери жангда юрган каби кўникма ҳосил қилаётганимдан ҳайрон эдим. Бугунги икки ярим соатлик тўқнашув назаримда ўн кунлаб давом этганга ўхшарди. Ҳар доим ўлим ҳақида ўйлаш ва гапириш шунчалар зерикарли ва қайғули эдики, назаримда умрим ошкочлик қилиб борар, кунларим тобора узаярди... Мен ваҳм қамалган, ичи тўкилиб бўлган, фақат сувратигина омон қолган биргина ўзим эмаслигим, атрофимдагиларнинг ҳаммаси қисматдошлиги боис овунардим... шу тушунчани рўқач

қилиб ўзимга таскин берардим... Биз яшаётган уйнинг барча бурчи қоронғу эди.

Қуёш кўкка санчилган чўккилар узра қон сачратиб ботди. Йўлга тушиш учун буйруқ берилишини кутаяпмиз. Пиёдалар машиналар устига ўрнашиб олишди. Биз тагин биттадан тутатдик. Юра гитарасини машинага ташлаб келгани жўнади. Ринат механик хонасига ухлаб олгани тушди. Темир совулларни йиғиштириб энди ўрнимиздан туришга чоғлангандик ҳамки, ёнимизга разведкачилар взводиға қарашли БМП-2 шиддат билан келиб тўхтади. Машина тумшуғи худди тўлқин зарбига учраган кемадай тебранарди. Қуюқ чанг кўтарилди. Люкдан бошини чиқарган оператор абжирлик билан сакраб тушди. Тўғри бизнинг қаршимизга келиб сўради.

- Йигитлар чекишдан топилмайдими?

- Истаганингда бор... - деди Мўмин.

- О, яшавор, дўст. Бир қути бергин. Ўлаёздим...

Хумори бошни еб каяпти...

Мўмин чўнтагидан бир қути «Донские» узатди.

- Ма, ол... Қачон йўлга тушамиз. Ҳеч гап йўқми?

- Эй, биласан-ку, биз разведкачиларнинг ҳамма нарсадан хабаримиз бўлади. Чорак соатдан кейин йўлдан алоқачилар полки ўтади. Сўнгра бизга етмиш уч.

- Биздан кейин қайси полк чиқади?

- Бир юз саксон биринчи. Қўрқма охирида калтакни бошқалар ейди...

Разведкачи шошиб-пишиб сигарет тутатаркан, машинаға қараб қўйди. Машина устида каска кийиб, куруларига суяниб ўтирган, темир нимчалик аскарларнинг кўпчилиги унга мўлтираб қараб туришибди... Аскар учун урушда энг зўр қурол тамаки деб бекорга айтишмаган... Унинг хумори ҳар қандай чиройли аёлни ҳам босиб кетади, деб ўйладим.

- Ҳа, ҳайратланаяпсанми, зўр иш бўптими? - деди у машина томонга боши билан ишора қилиб.

- Нега ҳайратланай? Тушунмадим...

- Ие, ҳали кўрмадингми, разведкачи эмассан-да барибир? Қойилман-э. Сенам ҳеч нарсага эътибор бермадингми?, - у ёнбошлаб олиб чой ичаётган Мўминдан сўради.

Бу орада унинг бу чоғлик энтикиши маъносини тушуниб бўлгандим... Чиндан ҳайратлангандим...

- Менга қара, ҳой... разведкачи! Сигаретни олдинг... энди қисиб кетавер... бир кружка чой ичасанми? Ё, - деди ўзини ухлаганга олиб ётган Нурмахон...

Ўрнидан туриб кетган Мўмин ҳам машинага тикилган кўйи анграйиб қолганди.

- Нима бало, умрларингда душман кўрмаганмисанлар? Онангни фалон қилайни қишлоқдан ушладик. Мушиқдай чаққон экан ўзиям...

Машинада, аскарлар орасида қўқиш иштон кийиб, бошига қора салла ўралган, қўл-оёқлари чандиб боғланган, бўйнига грантамет осилган кимса бошини ҳам қилиб ўтирарди. Мен негадир сесканиб кетдим. Шу билан бирга унга қизиксиниб қарадим.

- Қаёққа олиб бормоқчисизлар? - деди Мўмин.

- Тўғри полкка... Бир икки кун қамаб қўйилади. Кейин бирор чорасини қилишар. Очиғи, комбат қисмга олиб борамиз демаганда машина тагида эзгилардим.

- Гапга тушунадими... Бирор нарса дедими? - сўрадим.

- Лом-лим демайди. Қанжиқ, асбобини кесиб ташлаш керак эди, машинаға ортиб юрмай...

- Дўстим бир гаплашсак бўларди... у билан, - деди Мўмин.

¹⁸ Қорақулоқлар - Ўрта Осиёлик аскарлар, мусулмонлар.

- Майли бу атрофда шохолларинг йўкми?

- Шохол нима дерди?

Разведкачи бўпти ишорасида қўл силтади ва машинага қараб украинча талаффузда қичқирди:

- Игор! Бахшиш¹⁹ни иргитвор...

БМП-2даги аскарлардан бири ўрнидан тура солиб банди духни елкасидан судраб машина четига олиб келди-да, зарб билан тепиб юборди. Дух гупиллаб ерга ағанади. Разведкачи унинг ёқасидан ушлаб ўтиргизиб кўйди... Душман хансираб нафас олар, кўзи косасидан чикқудай алфозда алангларди. У аячли аҳволда эди... Соқоллари куйдирилган, оғзидан қон сизарди. Яктаги жикқа хўл эди. Бошининг орқа томони ёрилиб кетган, озгин ва чайир қўлларининг томирлари қон ўтмай қолганидан бўртиб чикқанди. У муштдек бўлиб қунишиб олганидан боши елкалари орасига кириб бораётганга ўхшарди. Танаси дағ-дағ титрарди. Менинг унга якинроқ боришга юрагим берламади.

- Хой ит! Сигарет чекмайсанми? - разведкачи оёғи билан унинг иягидан кўтарди, - буни қаранглар-а... бу кишим грантамёт билан жанг қиладилар... О-о-о!. Нақадар жасурлик... Хе, онангни фалон қилай!. Гапир! Гапир-чи, нечта БМП, нечта танк, нечта БТР ва қанча шуравийни гумдон қилдинг. Гапир!. Гапир! Ит! Онангни фалон қилай... гапирмайсан-а! Мана сенга... Мана!!!

Разведкачи газаб билан унинг осилиб турган гранатамётга тумшуғи аралаш зарб билан икки марта тепди. Банди ванғиллаб қулади. Оғзидан оққан қон яктагини бўяди... Устки лабини йиртиб кетгани ва тишларининг ўпирилганига қараб тоқат қилолмадим...

- Бас қил! Тезроқ йўқот буни, - дедим гижиниб.

Мўмин маъносиз термулиб сигарет тортарди.

Нурмахон орқага бурилиб кетди.

Мен ўзимда ҳеч қандай ачинишни сезмасдим...

Разведкачи бепарво эди.

- Ҳа... раҳминг келдими? Балки кўйворишимни хоҳларсан. Эртага манглайиндан тешиб кўяди бу аблах. Буларнинг уруғи билан қуришиш керак... Ҳеч қачон яхшилиқ қилмайди бизга...

- менга деса ҳозирок гўштини емайсанми? Фақат ёкмаяпти менга... Тезроқ кетсанг бўларди... - дедим.

Пиёдалардан иккитаси духни яна машинага тортиб олишди. Разведкачи норизо бўлиб, ерга чирт этказиб туфладида БМП-2га чикди... У башня²⁰га ўтириб ҳамма пиёдаларга сигарет улашди-да, шлимофонни кийиб олди. Машина тезлик билан ҳаракатга келди...

- Биласанми, - деди анча пайтгача чурқ этмай турган Мўмин, - бизнинг ҳеч қандай ҳаққимиз йўк, -

унинг кўзи ёниб турарди.

- Нега бундай дейсан?

- Ҳаммасига. Ҳа, ҳаммасига бизнинг ҳаққимиз йўк... Бировнинг қишлоғини куйдириш, асир олиш, итдай кийнаш... жонга тегди... ошна... мен кумурсқага озор бермасдим... ёвуз бўлиб кетдик...

- Барибир уруш сенинг ройи-хоҳишинг билан ҳисоблашмайди-да... Менга қолса, қисмдан чикмасдим сира... Асабим тамом бўлган. Бугун жангда бошим айланиб ўлаёздим. Ринатдан сўра, чекинганимиздан кейин то сизлар келгунча ўзимни билмай қолибман... Бу ҳолда жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас.

- Анави, энағар разведкачи шафқатсиз экан... Асаби ҳам темирдан... шекилли...

- У ҳам сенга ўхшаб болалигида мусичаи беозор бўлган. асабига келсак, аллақачон анақароқ бўлиб қолган... кўриниб турибди... фақат у ўзининг ваҳшийлашиб кетганлигини сену мендан яхши билади...

- Сен оз-моз фаҳмлай оласан... Бу уруш яна қанча давом этади деб ўйлайсан.

- Юз йил... Афғон уруши бу кетишда тўхтамайди. Халқи ҳеч қанақа инқилобни тушунмайди.

- Унда биз нима учун бу ерга кириб келдик?

- Бунисини билмадим... ўзингни айёрликка солма. Афғондаги вазиятни мендан яхшироқ тушуниб қолгансан.

- Афғонлар биз билан энди ҳеч қачон чиқишолмаса керак...

- Тўғри айтасан, энди буларнинг шурави билан у дунёни бу дунё суви тинимайди, - дедим.

... Мўмин темир нимчасини елкасига ташлаб ўз машинасига кетди. Мен машина ичида, механик хонасида дам олаётган Ринатни уйғотдим. Қисмининг боши йўлга чиқарилган эди. Биз алоқачилар полкининг ўтиб бўлишини кутаётгандик. Мен шлимофонни узаткичга улаб кийиб олдим. Алоқада баталион командири ҳаракатга шай туришни уқтирди.

Орадан бир сигарет чекиб бўлгулик вақт ўтгач баталион командирининг буйруғи эшитилди.

- Мен Бункер, буюраман... етмиш уч.

Қисм номозшомда ортга қайтди. Қимларгадир шу йўл бўйлаб ястанган баландлик пойида буюк мусаввир-табиат чизган эрталабки манзараларнинг кечки кўринишидан ҳам завқ туйиш насиб қилмаган эди... Энди улар йўқ эдилар... Колонна оғир силжирди... Баъзан йўлда соатлаб туриб қоларди.

(Давоми келгуси сонда)

¹⁹ Бахшиш - афғонча совга дегани.

²⁰ Башня - БМП-2нинг отув мили жойлашган айланувчи тепа қисми



Оймома ОБИДОВА

ТОЗА НАСИМ

КҲҲСИМНИ ЁРДИ



* * *

Чумолига бераман -
Хавода расмимни учира - варрак.
Шамол намхуш.
Харб бормиди қайсар шамолда,
Ёки қасдими -
Сонсиз лашкарлар кирди,
Тоза насим кўксимни ёрди.

Нафас тушиб кета берар -
Ерга сапчиб олмай!..
Тирикман чиннигул кўзида.

* * *

Ғам ич хавотирнинг боши,
Нафас қайтар
Қабр ели.
Мудҳиш нимаики лаб босар,
Вақт сийимтан - тикон излари.
Қачондир чопилиб кетган сояваш ғаяур,
Забонин тишлайди сўздан майсанинг илдири.

Хаёли дарахт,
Япроқнинг бўйнида уйғонар қуёш,
Нурнинг рўмоли ҳарир ва мовий.
Гул сарғаяр очик қафтнинг устида.
Тупроқдай сочилар онг.

* * *

Келаман, деди ёлғондан,
Ишонтириб, ишонтириб,
сўнгра фириб тўнини кийиб олди
изғирин.

Ишонинг ўша ерда бўламан -
учрашган жойимиз,
ўша вақтда.
Ишонинг - ҳар куни кутаман,
бедорим.

Йўк,
яна янглишдим -

шу сўзни айтаётган менми?
Ёки «мен» ҳам икки бошлимиди -
турланиб турадиган?
Бири ростгўю бири фирибгар.

Худо ҳақки, чарчадим.
Хаётимда кимдир бўлсайди.
Айтайлик... дарахт-собит.

* * *

Ёмғир ёғиб ўтди,
Намхушдир ҳаво.
Дилга оқиб кирди
Дилгир хуш наво.

Сукунат аллалар,
Кечам жим кечди.
Дилдан губорларни
Бирма-бир ечди.

Танам ўлдирмади
Захарли илон.
Йиғла ва тиз чўккин
Ноилож, нолон.

Ялингин, ёлворгин
Унинг қошида.
Муҳаббат гулларми
Санам бошида.

Саҳарлар кучади,
Ёвуз ёлғизлик.
Тақдирда не боркин,
Азал ёзиғлик?..

Кет, дейман, фариштам
Яқин ултирма.
Ажал ёнимдаги
Юзинг сўлдирма.

* * *

Тилла занжир бўйнимдан бўғар,
Илоннинг билонглаб
бахтида қаққаяр сўнгак.

Сабр тишидан
сизади заҳар томчилаб.

Бўлсайди филнинг қаноти,
осмонда тикарди энг катта қапа,
исинарди рух, ёкаваш аюб.

Атиргул билан гурунглашдим,
боғ томонда сайрар булбул.
Тамаки хидини чўнтакка солиб,
кезинар шамол.

Сабил турна тўккан кўз ёши,
Баланд кўрғонида тўзиган хас.
Замин сийнаси титрайди таранг.

* * *

Ғилдираб борар кўкон арава,
Ёлғизгина олиб кетай бошимни,
Тўшалиб ётар чиннигул пойда.

Арвоҳ суйганми - ўлим иси ҳақ,
Тилсиз тилмочнинг хадсирашлари,
Кетмагай сира кўзим олдиан.

Чираниб минг бор чивинча холи,
Кўтариб билмас ҳаяжонни.
Нураб бораётган дуволда жониб.

Сўзамол қушча эркаларин,
Шум бошида кўрди шаърм-шўришин,
Уқиб тошга солган бахтини пари.

Сўнг бор товушдан уйғонар кўча,
Ортига ҳеч ахир қарай билсайди.
Фароғат маскан - шолдир сукунат.

* * *

Мовий сукунат бағрингда исир,
Лопиллаб кетар ханжарий титрок,
Узиб олгандай парча қуёшни.

Тупрок остида хур дўстнинг руҳи,
Яшил кўнғироқнинг иси анқир.
Раҳмсиз журъат ярқирар туғи.

Субут излайди ё раб осмоним,
Кириб билсайдим баланд қасрга.
Сув истаб юрар пастда чумоли.

Нимчаси титилиб пахтаси чиқди,
Эврилишдан юзим бурдим қаёнга?
Сурнай чалиб ўт, қадим ниначи.

Қўйдим бошимни ва мен меҳробга,
Йилдириб елнинг қайғуси йўлдош.
Ичилган қасам ёрдир туробга.

* * *

Арслон каби наъралар тортиб
Қалбни яралайди нега изтироб?
Ич-ичдан чиқаётган кетмас қалтирок.

Мен ёки оғирроқ едимми зарба,
Титрок босилгай - тунлар пойди,
Излари очилиб қолгандай яра.

Дақиқа олтиндир, умрим хур китоб,
Кумрилар сайраган боғларда
Қол сен эй, азизим, мангуга Офтоб.

Майиб-мажруҳ ашъор битардим, афсус,
Шикаста орзунинг кўлкаларида,
Хайр, мовий осмон, бедардим Какнус.

АПРЕЛ

Етаклаб кетади кўлимдан кўклам -
Райхон бўйларининг иси анқирди,
Кучукчасин қизча кўярди тергаб.

Оташ севар, балки бодомнинг гули,
Ширин тушларида юриб чақирди,
Шоирнинг биргина савдои улин.

Сўзлар ўтин бўлсин ўчоғимизга,
Дилим дафтарини сочиб юборгум,
Ялпиз сигмай кетди кучоғимизга.

Сўлим суҳбатлар-да суруд бахш этди,
Фараҳбахш исённинг сарҳади чексиз -
Фусункор осмон ҳам - ўзимдан кетдим.

Асрдош тоғларнинг кўксида вулқон -
Ялов нигоҳини йириб қадайди,
Рухимнинг кўзидан томди томчи қон.

Юрагим, сен нега чалдинг кўнғирок?..
Елкаси кўришиб қолмиш ҳаёнинг,
Гуллаган дарахтлар қарар ўкиниб.

* * *

Сой қирғоғи сўлим - илмайди йўлим,
Аёғим адошиб дунёларида.
Фано ва бақода несан, сен, ўлим?

Жонга ларза солар баҳор ила куз,
Хато чалиб ўтар удин чигиртка,
Об истаюр фасли ёз чанқаган илди.

Меърожга менгзайди ҳавода маъво,
Дунёи-дун ичра ҳаттот табиат.
Адам саҳросинда кезинар наво.

Рохат топура танам - йўртади туя,
Қумнинг заррасида бошланар ҳаёт.
Қуёшни хуржунга яширдим қуюб.

Сой қўйнида оқиб кетар рўмолча -
Отелло юрагинг ғашланур, о кеч...
Умримизни кесди хиёнат шу кеч.



Ботир НОРБОЙ

«БАГА ТУТҚАЗГАН ГУЛИМ...»

Очерк

У, болалигидаёқ, югуришга, сузишга, чиллак уйинида тенгдошларидан устун келарди. Бундан жахли чиккан бўйи новчароқ, мушаги бакуватроқ болалар унга хужум қилиб қолишар, аммо Алижон ҳам бўш келмас, калтак еб, аъзой-балани моматадоқ бўлиб кетса ҳам то рақибни чарчаб, уришишни бас қилмагунча олишаверарди.

Мактабга боргандан кейин анча босиқ бўлиб қолган бўлса-да, барибир «Босоликни ташламали. Мактаб йўлидаёқ у ҳамма синфдошларидан ўзиб кетар, баъзилар унга: «Секинроқ юр, Алижон, мунча чопасан», дейишар, у бўлса: «Журмаяпсанми, чопайтганим йўқ, юряпман», деб жавоб қайтарарди.

Тўққиз ёшларидан бошлаб ҳеч кимга билдирмасдан шеър машқ қила бошлади. Булардан бир-иккитасини газеталарга жўнатган эди, биттаси босилиб чиқса бўладими?

Ў, унинг уша пайтда қанчалик хурсанд бўганини курсангиз эди: гўё ерда эмас, осмонларда учиб юрганга ўхшарди. Бунинг устига мактаб директори барча болаларни ҳовлига йиғиб, «Мана, бугунги газетала мактабимизнинг ўқувчиси Алижон Факировнинг шеъри босилиб чиқди, уни бу муваффақият билан муборақбод этамиз, келгуси ишларида муваффақиятлар тилаймиз, вақт келиб Алижондан қатга шоир етишиб чиқали, у туфайли мактабимизнинг доврўғи оламга ёйилали», деса бўладими. Мактабдаги болалар ўртасида унинг оврўси анча ошиб қолди. Фақат айрим ўқитувчиларгина бу ҳол бошқаларнинг ҳамиётига тегмасин, дегми, унинг ортиқча гўдайиб кетиши мумкинлигидан хавфсирабми, кўпинча Алижонни макташмас, баъзан хатто унга дашином беришга ҳаракат этишарди.

У юкори синфда ҳам илғорлар қаторида ўқиди, кимё, биология, адабиёт, тил, чизмачилик дарсларида, айниқса, яйраб ўтирар, маллимларга «Мендан сўранг», деб қўлини кўтаргани-кўтарган эди. Фақат математика дарсидагина у қўлини кўп кўтармас, нимагалир бу фан унга ҳаётдан узок бир нарса бўлиб қуринарди. Шунга қарамадан ўлиб-тирилиб математика ўқир, бир хил жойларини тушинмаса ёллаб оларди.

Шу тарика 1981 йили Чапаев номи 17-урта мактабни олтин медаль олиб битказди.

Аммо уша йили Самарқанд тиббиёт институтига ҳужжат топширганга унга омад қилиб боқмаллими ёки турғунлик даврининг ошна-оғайнинггарчилиги иш берлими, у мандатдан утолмалди. Жахл устида қишлоқларидан унча узок бўлмаган Тожикистоннинг Панжикент шаҳрига бориб, рассомлик билим юртига кириб олди. Бир ярим йил ўқиди. Ҳар бир нохуш нарсанинг хуш томони ҳам бор, деганларидай, у тиббиёт институтига киролмаганлиги учун рассомликни битказди. Бу касб унга маъқул келиб, қолхоннинг анча-мунча жойини безали.

Аммо тез орала уни армия хизматиға чақирди. Шундан кейин олди Сибирь ҳудудларида, ички қўшинлар сафида хизмат қилди; туғилган юртидан

узокда, айбли ва айбсиз қамалган минглаб одамларнинг аҳволини кўриб, руҳида ғалати ўзгаришлар бўлди. Маҳбусларнинг оғир аҳволи, уларнинг ўласи қилиб қалтақланишлари, бир бараклагиларнинг иккинчилари билан жанжаллашишларига гувоҳ бўлиб, инсон характеридаги разолатли нуқталардан мутаассир бўлди. Хизмат юзасидан бу хил жанжалларни бостиришда қатнашди. Кейинчалик у «Совик конвойчининг хотиралари» ҳужжатли қиссасида кўрганларини бирма-бир қоғозга туширди. Хуллас, армияда унинг бошидан яхши кунлар ҳам, дахшатли даражада ёмон кунлар ҳам ўтди. Ниҳоят, муллоти тугаб, у қадрдон Ўзбекистонга қайтди.

Оралан тўрт-беш йил ўтиб кетган бўлса ҳам шифокор бўлиш орзуси уни тарк этмаган экан, 1985 йили Тошкент Болалар тиббиёт институтига ҳужжат топширди. Бу ўқув даргоҳида анча-мунча адолат бор эканми, домалар у-бу демасдан тегишли баҳоларини қўйиб беришди ва у тиббиёт институтининг талағаси бўлди. Ўша куни у қанчалик суюнгани, тўлиб-тошиб шеър ёзгани ҳозир ҳам эсида.

Талағалик... Бир томондан ўзингизда йўқ суонасиз, иккинчи томондан ҳар куни турли-туман фанлардан бўлаётган дарсларни ўзлаштириш керак. Бунинг устига онангиз, қариндош-уруғларингиздан, қишлоқдош дўстларингиздан узоклалигингиздан ўқинасиз. Алижон ҳам шундай туйғуларни бошидан кечирди. Бундай пайтларда шеър унга ҳамроҳ бўлди: соғинч, муҳаббат, ўқинч туйғуларини қоғозга тушириш имконини берди.

Ундаги шилдат, табиатидаги биринчи бўлишга интилиш борган сари кўпроқ намоён бўла бошлади. Ўқиш рус тилида бўлганлиги учун дастлабки босқичлар нисбатан қийин кечди, айрим русийзабон талағалар билими қамроқ бўлса-да, тил бойлиги туфайли юкорироқ баҳо олиши унга алам қилди. Кунлардан бир куни унинг қўлига Маннон Уйғур қақилади хотиралар китоби тушиб қолди. Китобда Маннон Уйғурнинг ҳар бир ролини ипидан игнаситача ёд олиш учун сценарийни тик туриб ўқиб, ўзига ўзи айтиб бергани, ҳар бир гапни бир неча бор такрорлагани ёзилган эди. Бу усул Алижонга ҳам жула маъқул келиб қолди ва то охириг босқични яқунлағунига қалар машғулотларни шу йўсинла ўзлаштирди. Қайси фанни ўқимасин, қайси мавзунини ўзлаштирмасин, унинг моҳиятиға етишга ҳаракат қилар, ҳар бир ҳодисанинг сабабларини топишга интиларди. Бунинг устига одам физиологияси курсидан у ҳар бир инсонда хотира ҳар хил бўлишини, баъзи бировларда қурув хотираси, бошқа бировларда эса эшитув хотираси қучай бўлишини билиб олди. Мана шулардан манتيқий ҳулоса чиқариб олган Алижон ўзида иккала хотира типини ҳам тараккий қилдиришга уринали. Бунинг учун у Бўзсувнинг қимсасиз соҳилларига чиқиб, ўзлаштирмоқчи бўлган дарсларини юрган қолда овоз чиқариб ўқир, сўнг ҳар бир саҳифани китобни ёпиб қўйиб, ўзига айтиб берарди. Шу тарика у бутун-бутун китобларни ёллаб

қўядиган бўлди. Бу эса, табиийки, дарслар натижаларига кескин таъсир курсатди. Дастлабки семестрда ундан юқорирок баҳо олган русийзабон талабалар, кейинчалик у билан «хисоблашадиган» бўлиб қолишди. Шунинг учун бўлса керак, у хар қандай дарсликнинг исталган жойини ҳатто уйқудан уйғотиб сўралса ҳам айтиб бера оладиган даражага етди. Аммо бунинг учун қанчалик вақти, асаби сарф бўлди. «Нега ўз она тилимизда дарсликлар йўқ, нега биз ўз тилимизда ўқий олмаيمиз? Ибн Синодай, Навоийдай даҳолар чиққан тупроқда биз нега ғайри тилда ўқишимиз керак?» каби ўйлар унга тинчлик бермасли.

Бунинг устига ўша пайтлари бошқалар қатори тиббиёт институти талабалари ҳам пахтага опкетилар, бу ҳақда республика матбуотида турли мунозаралар бўлиб ётарди. Худди шу хил мунозараларни ўқигандан кейингина Алижон ўқувчилик пайтида Ургутда пахта экилмаса ҳам хар йили икки-уч ойлаб бошқа туманларга теримга олиб кетишганини эслади. Қунлардан бирида институт мударриси Жуманазар Бекназаровнинг «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетасида «Нотинч ўйлар шифоси» номли мақоласи босилиб чиқди. Бу мақолада тиббиёт институти талабалари орасида илми заифлари қунайиб бораётгани, бу ҳолга чек қўйиш учун бир қатор талбирлар ишлаб чиқиш, ҳатто тайёрлов қурсларини қисқартириш, тиббиёт институти талабаларини пахтага олмаслик лозимлиги ҳақида фикрлар билдирилганли. Ж. Бекназаров ўз мақоласида 1985 йили қабул қилинган талабалардан яри уч йил ичида «йиқилиб» кетганини мисол қилиб келтирган эди. Алижон бу мақолага ўз муносабатини билдириди: «Мақолада тиббиётимизнинг ҳозирги аҳволи жуда тўғри тасвирланган. Мана, фақат пахта теримини оладиган бўлсак, шу ўтган тўрт йиллик талабалик давримдан 180 қундан зиёд вақтимиз Сирларё даладаридан ўтди. Бунинг ҳисобига қанча дарсларимиз қисқариб кетди. Биз уларни тигиз ва юзакни ўтишга мажбур бўлдик» - деб ёзган эди у ўз мақоласида.

Қўп ўтмай баъзи институтнинг талабалари, шу жумладан бўлғуси шифокорлар ҳам пахтага бормайдиган бўлишди. 1989 йилнинг октябрь ойида эса ўзбек тилига давлат мақоми берилди. Қўп қатори Алижоннинг ҳам орзулари рўёбга чиқди: барча талабалар каби тиббиёт институтида ўқийдиганлар ҳам ўз она тилларида ўқиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Аммо ҳали тўла маънода бундай бўлишига эрта эди. Баъзилар «Ўзбек тилида тиббиёт бўлиши мумкин эмас» ҳам дейишди. Аммо институт маъмурияти, тил комиссияси «Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошира бориб қўлаб дарсликлар, ўқув қўлланмаларини ўзбек тилига ўгириш лозимлигини қўп тартибга қўйдилар ва бу вазифалардан бир қисми муваффақиятли амалга оширилди.

Тиббиётнинг барча жаъҳаларига бўлган қизиқиш Алижонни домдаларга савол беришга ундар, бир хил домдалар савол бергувчини унчалик ҳушламаса, баъзилари хурсанд бўларди. Талабалар савол берса, айниқса, Жуманазар Бекназаров яйрав кетарди. Дарвоқе, Алижоннинг нафақат мутахассис, балки Шаҳс бўлиб етишишида бу инсоннинг хизмати беқийс. Устознинг синчков кўзлари илм толиблари орасида тиришқоклиги билан ажралиб турган Алижонни шогирдликка ажратиб олди. Ҳали талабалик пайтидаёқ, устознинг беғараз имооди натижасида у унча-мунча операцияларни мустақил бажара оладиган даражага етди. Ҳам олим, ҳам алиб бўлган Жуманазар ака ўз шогирдининг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлади.

Умр оқар дарё. Ўз таъшишу қувончлари билан елдирим талабалик йиллари ҳам ўтиб кетди. Алижон 1991 йил Ташкент Медицина Педиатрия Институтини болалар жарроҳлиги ихтисослиги бўйича имтиёзли дипломга тугатди. Даставвал,

икки йил анатомия мактабини ўтаб, инсон организми моҳиятини илгаридан ҳам чуқур ўзлаштиргач, болалар жарроҳлиги кафедрасида ассистент лавозимида фаолият қўрсата бошлади.

Ёш уқитувчи сифатида иш бошлаган дастлабки қунларданок унда янгиликка интилиш, яъни ихтирочилик қобилияти иш бера бошлади. У хар бир ғояни устози билан батафсил муҳокама қилар, фақат шундан кейингина илмий талқиқотлар орқали ғоянинг тўғрилигини асослашга киришар эди. Унинг Ж. Бекназаров билан ҳамкорликдаги дастлабки изланишлари пешоб-таносил тизимининг оғир таракқиёт нуқсонларидан бири - эпизодия тўғма норасолиги билан туғилган норасидаларнинг азобини оператив йўл билан енгиллатишга қаратилган бўлиб, икки йиллик заҳматли изланишлардан сўнг янги жарроҳлик муолажаси усулини яратиш билан якунланди. Ҳар томонлама қудай ва нисбатан кам асорат берувчи бу усул 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат Патент Идораси томонидан ихтиро деб тан олинди, уларга муаллифлик гувоҳномаси берилди. Шундай кейин бу жаъҳалаги изланишлар қучайиб кетди, урологик операцияларда қўлланиладиган янги катетерлар тизими қовуқ тошларини олиб ташловчи янги асбоб ва янги жарроҳлик усули пешоб найларининг пастки қисмида туриб қолган тошларни олиб ташлашга қўлланиладиган янги жарроҳлик қирқимлари, буйракни тўлиқ ва асоратсиз олиб ташлашга мўлжалланган янги асбоб ҳамда янги жарроҳлик муолажаси усули каби кашфиётларнинг ҳаммаси Давлат Патент идораси томонидан тасдиқланди, гувоҳнома берилди. Булардан ташқари у беш йил мобайнида ўзи мустақил 13 та рационализаторлик тақлифининг ҳам муаллифи бўлди. Қасалхонага буйрак етишмаслиги ҳасталиги билан ётқазилган беморларда сунъий буйрак асбобларини йўғунлаштириб қўллаш, қон ивувчанлиги бузилганида янги даво талбирлари, антибиотиклар билан даволашнинг янги усули, қон томирларига найча қўйишнинг янги усули қабилар шулар жумласидандир. У ҳозирги қунда 60 дан ортиқ илмий ва 200 дан ортиқ илмий-оммавоп мақодалар муаллифилар.

Алижон фақат назариётчи бўлибгина қолмай, амалиётда ҳам унча-мунча тажриба орттирди. Институтдаги ижодий-илмий муҳит, А.С.Сулаймонов, Ш.М.Аҳмедов, Ж.Б.Бекназаров каби устозларнинг савоқлари иш бериб, яхшигина жарроҳ бўлиб етишди.

Одамзотга яхшилик қилиш, шифокорнинг азалий вазифаси. Алижон бу вазифани виждонан уллаамокда. Талабаларга болалар жарроҳлиги, урологиядан савоқ бериш билан бирга Республика Сунъий буйрак бўлимида уролог вазифасида хизмат қилиб, юзлаб ҳасталарнинг жонига оро қирмоқда. Шу билан бирга таъбатга боғлиқ «Соғлом авлод учун» ойномаси билан ҳамкорлик қилмоқда.

Алижон тиббиётнинг амалий, назарий соҳалари билан бирга бадиий ижод билан шуғулланиб келади. Шунчаки шеърый машқлардан ҳавасдан туғилган ишқ, бора-бора жиддий маъно касб эта бошлади.

1996 йили унинг бир йўла икки шеърый тўплами: «Ёнаётган руҳ», «Ўврилиш» чоп этилди. Яна учта илмий-оммавоп китовча ҳам чиқди. Биз бошқа касб эгаларининг шеър, ҳикоя ёзиб юришини биламиз ва қўпинча, «а, энди шифокор (ёки инженер) шунчалик ёзибди, шунга ҳам шукр» деб аявроқ қараймиз. Аммо Алижоннинг ушбу тўпламлардаги шеърларини ўқиб, мен бу шоир ҳеч қандай аяшларга зор эмас, деган фикрга келдим. Зеро уларда чин маънодаги дард, жиддий ижодкорнинг қалби уфуриб турали.

Шоирлик ўз ички ҳолатини зарур сўзлар топиб ифодалай олиш санъатидир. Масалан, Сиз болалигингиз ўтган қишлоққа, ўзингизни интиқ қутаётган онангиз олдига яқинлашдингиз, шунда хаёлингиздан қўп фикрлар ўтали, юрагингизда ҳаққирриш пайдо бўлиб ғалати ҳиссиётларни бошдан

кечирасиз. Худли шу ҳолатни маълум поэти мантик асосида акс эттира олсангиз, бу сизда шоирлик истеъдоди борлигидан нишонангиз. Алижоннинг «Кайтиш» шеъриси шунадай ҳолат яхши ифодаланган. Лирик қаҳрамонни гўё оппоқ булут ўз бағрига олиб болалиги утган уйга элтала:

*«Ёраб» - дейман булутлардан пастга тикилаиб,
Мени уйга етаклайди митти изчалар.
Йиллар чоки ўз-ўзидан кетар сўкилиб
Ҳовлимизда хашпақ уйнар таниш қизчалар.*

*Қалтирайман остонага босганла қалам,
Ку-ку соат хабар қилар хали мен кирмай.
Чопиб чиқар хамир қориб утирган онам,
Отам секин кўзин артар менга билдирмай.*

*Учов секин жой оламиз сандал четилан,
Ўттиз ёшлик отам, онам, ўттиз ёшлик мен.
Бешигимни келтирарлар чойнинг кетилан,
Ана-ана унда ётган боши тошлик мен.*

Сунг шоирни бешиқла ётган гўдак «нега поклагингча қолмадинг», дея тергагандай бўлади. Шоир шу тарика ҳаёлнинг сувратини чиза борали. Ўртага сукунат чуқали, бу сукунатда, она ва отанинг сочлари оқара бошлайди, «сониялар пешонани шулгор қилади... асрлар-чи бунга қараб мамнун қулади». Вақт образи бу ерда инсонга боғлиқ бўлмаган абадий тушунча шаклида воқе бўлади. Вақт қаҳрамонни хайратланишга ҳам қўймайди, унинг умр дарахти ўз япроқларини тўқа бошлайди: «истасам ҳам, истамасам бугун манзиллар, кўмиб кетар болалигим сўқмоқларини», дейди у алам билан. Шу дам қаҳрамонни қишлоққа элтган булут, умуман бу ерда тасвирланган воқеалар шунчаки ҳаёллар эканлиги аён бўлади.

*Кучоғини очар яна булут оппоқ пар,
Ожизлигим ўз-ўзимга берали фириб.
Мени яна олис шаҳар ўзига тортар,
Онамни зор, бешигимни бўм-бўш қолдириб.*

Шоир, шу тарика, ҳаёлнинг сувратини чизали, бу суврат бағрида эса ҳаёт, муҳаббат, соғинч, алам туйғулари мужассам.

Алижон Зоҳидий инсон ички ҳолатини кўримли шаклда бера олади. Жумладан «Чули ирокни тинглаганда» шеърисида қўй таъсирига тушган одамнинг ҳолати, кайфияти жула аломат бир тарзда акс эттирилган. Мумтоз музикаларни, хусусан, «Чули ирокни тинглаганда ҳақиқатан ҳам етмиш икки томиримизда қон тўхтаб қолгандай ҳолатни бошлан кечирамиз. Киши гўё самоларда учиб юргандай, назнсизлик ҳолатига тушгандай бўлади:

*Нафас бўлиб биринчи қат қўққа учаман,
Минг фарсаҳан қуйроқла эрийди вужуд.
Арсатнинг саҳросида очилар чаман,
Оламангим ўз-ўзимга бўлади унут.*

Куйнинг сеҳри шунчалик кучлики, шоир назарида бу куйни «тинглаган» майсалар ҳам сарғайишдан тўхтайдилар, оқарган сочлар қорая бошлайдилар. Узиломқчи бўлган япроқ новала қолади. Куй абадийлик элчиси тимсолида намоён бўлади. Шеър охирида ўқиймиз:

*Чиломасдан тор симлари кетгач узилди,
Тутун билан олов чиккач найнинг бўғзилан,
Ётти қават қўқ тоқилан секин сизилди,
Кириб кетдим эриб ётган вужуд оғзилан.*

Куй шунчалик сеҳрли элики, қаҳрамони гавласи ерда, руҳи Арши аълоларда юрди, куй тугагач, ҳаётга - ўзига қайтди.

Алижоннинг муҳаббат мавзуидаги шеърлари ўзига хос: уларда ишқ оламидаги мураккаблик мана мен деб турали, сатрларда сохталик эмас, самимият кучли. Қуйидаги мисраларга эътибор беринг:

*Энди у кўприкни тикламоқ нечун...
Такрор бу хилқатга қайтмоқ не керак?
Бундай журъат менда етишмас... тушун!
Менга ларкор булур иккинчи юрак.*

Кўприк тиклаясан...

Қулатиб ўзинг.

*Ёрдамга имлайсан, кимландир чўчиб?
Афсус фурсат утди, топгандир тўзим
Тўлакалаб кетганинг юракнинг кучи!*

Энди у кўприкни тикламоқ нечун?!

Ошиқ ва маъшуканинг ҳолати тасвирига қасби шоирлик бўлган қаламкашлар ҳам ҳавас қилса арзийди. Алижон шеърини ижодни жилдий давом эттириб бармоқ, аруз, сарбаст каби шакллари янгиладан янги шеърлар ёза бошлади. Унинг ёзганлари ўзгача хусусиятлар касб этмоқда. Унинг ғазалларидан бирига диққат қилайлик.

*Во ажаб, ичган сувим оқли кўзимдан ёш бўлиб,
Элга тутқазган гулим қайди саримга тош бўлиб.*

*Жоним исёнга келиб чиқди вужудни ташлабон,
Келмади ёнимга ёр мутрибаларга бош бўлиб.*

*Дустга айтган сирларим оламнинг дастурхонида
Ғаниму ҳосил қишиларга қўйилди ош бўлиб.*

*Машварат айлаб ичимда ташвишу зиллатларим
Айтдилар гўрга кетурмиз сен билан йўлош бўлиб.*

*Оқибат ядро тунда нола қилди бир табиб,
Келмади дунёга афсус, шоиру наққош бўлиб.*

*Зоҳидий, дард бор, вужуд бор, ўртала сарсон ўзи.
Рўзи маҳшарга етурмиз ул кўзу ман қош бўлиб.*

Бу ғазал таъриф ва тавсифга мухтож эмаслиги кўриниб турибди.

Яқинда Алижоннинг шифокорлик ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. Махсус комиссиянинг қарори билан унга биринчи тоифали болалар уролоғи категориясини беришди. Болаларда пешов таносил тизими туғма норасоликларини жарроҳлик йўли билан даволаш мавзуида номзодлик диссертациясини ҳам яқунлаб қўйган.

Албатта, Алижон ҳали ёш. У олим, шоир ёки публицист сифатида мутлақо камолга етган, ҳеч бир камчилиги йўқ, демоқчи эмасмиз. Унинг айрим публицистик мақолаларида кўпсўзлик, баъзи шеърларида меъёрига етмаган уринлар бор. Аммо камчилик қай биримизда йўқ? Инсон баркамол бўлиши учун уни ўраб турган муҳит тоза бўлмоғи лозим. Бизда алабий, илмий, ижтимоий муҳит камолотнинг илк пиллапоёларида. Бу муҳит ҳам, унинг тажрибали ва ёш иштирокчилари ҳам хали юксак доvonларга чиқадилар, деб умид қилиш мумкин. Зеро ижтимоий муҳит ворган сари демократлашув томон юз буряётгани рост. Демократик муҳит эса Алижонга ўхшаган истеъдодли йигитларнинг янада уний-ўсишига ёрдам берали.

Алижонга табиат шилдат ва истеъдод ато қилган. Унинг ичидаги ўт тугамаса, ҳаракатларидаги шилдат ҳам тугамайди. Ўт ва шилдат тугамас экан, ижод ва илм оламида янгиладан-янги кашфиётлар юзага келаверали. Биз ёш дўстимизнинг қалбидаги ўт, руҳидаги шилдат тугамаслигини тилаб қоламиз.

Шавқиддин БАҲРИ



* * *



КИПРИК ҲИДИ

ТЎЛГАН КЕЧА

Бинафша исмингиз нимаиди,
Киприк ҳиди тўлган кеча.
Оқ қалдирғоч қанотида.
Бинафша буржингиз нимаиди?!
Куйиб, куйиб чалди куй юрак,
Бинафша капалак сасини.
Кетасизми... Киприклари қон,
Бинафша хаёллар овозасини.
... Кўчаларим О, кўчган кеча,
Оҳ! Куй окди куйсиз жисмингиз.
Мен дунёдан ўтган кеча,
Бинафша нимаиди исмингиз?!

КЎНГЛИМ

Кўнглимни сизди шамол, сен сезмайин уйғондинг-а,
Бағрим тўлиб кезди шамол, сен кезмайин уйғондинг-а,
Юрагимда безди шамол, сен безмайин уйғондинг-а,
Уйғониб не қилдинг кўнглим,
Айт, нимани билдинг кўнглим?!

Дарахтлар ё карахт хаёлига сиғмасмидинг,
Сулув-сулув баҳорларнинг алдоқларига
мастмидинг,
Ёки шамоллар қўйнида сен учуб юрган
хасмидинг,

Уйғониб не қилдинг кўнглим,
Айт, нимани билдинг кўнглим?!

Бутоқларда, бу тоғларда ёшуриб тонг отти қара,
Кўксим тўлиб саболарга бош ҳам уриб ётти қара,
Ахир кўм-кўк саҳроларда тош уриб тонг ботти қара,
Уйғониб не қилдинг кўнглим,
Айт, нимани билдинг кўнглим?!

Дарёдилим, осмон эдим, сен осмонни унутдингми,
Сумбул-сумбул унутилган сумбул они ё кутдингми,
Ифорлари куфул-куфур тунлар захрини ютдингми,
Уйғониб не қилдинг кўнглим,
Айт, нимани билдинг кўнглим?!

Кел-эй, кел сен, келмасанг гар бу ерларда ким учодир,
Сурув-сурув дунёларни сен қучмасанг, ким қучодир,
Қучогингда мен-да кўнглим, Кўнглим сен-да Оллодир,

Уйғониб не билдинг кўнглим,
Билиб яхши қилдинг кўнглим.

* * *

Уфққа чўқмоқда жимгина,
Бугунча жимгина айтдик видомиз.
Жимгина ҳеч кимга айтмадик гина -
Сен ўша

Мен ўша

Ўша Худомиз.

Гуллади руҳимнинг қабирғалари,
Кезмоқда бир баҳор, неча адомиз.
Неча гул сочмоқда қайтадан дунё -
Сен видо

Мен видо

Бизлар видомиз.

Жимгина уфққа чўқмоқда қуёш,
Жимгина кўнглимга тўлмоқда зиё.
Сен кечдинг, мен кечдим, кечдик иккимиз,
Негадир ўшандай тўрибди дунё.

* * *

Деди: бесамар сабода сабоҳат надир?!
Дедим: сабоҳат сайлида фасоҳат надир?!

Деди: фасоҳат фазлида балоғат йўқдир,
Дедим: балоғат фазлида фароғат йўқдир.

Деди: фароғат боғида кездинг сарсари,
Дедим: сарсари фаслидан келгим сен сари.

Деди: кўнгил кўки кўм-кўк боғбон эмасдир,
Дедим: кўнгил боғбон эса, осмон келмасдир.

Деди: саболар сайлини истарсан яна,
Дедим: сайдимдан сабоҳат қистарсан яна.

Деди: манзили маъвода куйгучи сен, сен,
Дедим: куйгумни куйида туйгучи сен, сен.



«МАШРАБИ РИНДИ УМАМ...»

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат
ва Жамият қурилиши
академиясининг аспиранти.

Машрабшунослик тарихидан маълумки, Бобораҳим Машрабнинг қайси тариқатга мансублиги ўрганилаётганда кўпроқ бир тариқатга - ё қаландария, ё маломатия, ё нақшбандия ва ёки суҳравардия тариқатларига нисбат берилади. Бу нисбат аynи вақтда ҳақиқат. Аммо тўлақонли баҳо эмас. Чунки, Машраб бу тариқатларнинг ҳаммасига, қолаверса, Риндлик, яъни харобатия ва ниҳоят «Анал Ҳақ»лик сулукига ҳам мансубдир. Бунга далилларни унинг ғазалларидан топиш мумкин. Агар бошқа сўфийларда тариқат мақомлари яъни манзиллари руҳий юксалишда пиллапоя вазифасини ўтаган бўлса, Машрабда эса бир-биридан фарқ қиладиган тариқатлар мақомлар вазифасини ўтаган. Шу маънода Машраб дастлаб, яъни сўфийлик йўлини ихтиёр этган пайтда риндлар эътиқодини тутган. Сўнгра эса руҳи камол топиб боргач, маломатия, қаландария, нақшбандия тариқатлари ва алал-оқибат уларни маълум маънода рад этиб, Мансур Халлож сулукини ихтиёр этган, дейиш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Машрабнинг тариқатдан тариқатга ўтиб боришини бошқа солиқларнинг мақомдан мақомга ўтиб боришидек бир эҳтиёж, деб тушуниш шарт.

Бобораҳим Машраб улуғ эҳтиёжга эга бўлган шайх сифатида тариқатдан тариқатга ўтиб борар экан, аynи ўша вазиятлардаги руҳий ҳолатлари, ҳислари шоир сифатида унинг ғазалларида акс этиши табиий эди. Ва шундай бўлган ҳам. Шоир девонида жуда кўплаб ажойиб тимсоллар борки, бу тимсоллар ошиқ руҳий дунёсининг янги моҳият очиши билан ҳамоҳанг ҳолда янги-янги маънолар касб этиб борганлигини кўрамыз. Шундай тимсоллардан бири «оҳ». «Оҳ» шоир ижодининг илк даврларида ўзга бир маънода, кейинги ғазалларида эса бошқа-бошқа маъноларда ишлатилаверган. Демак, биргина мана шу «оҳ» тимсолининг ўзи Машрабнинг тасаввуф оламидаги ҳаётини тўлақонли ёритиб беришга қодир.

Машраб меросида «Оҳ» тимсоли ишлатилган ғазаллар талайгина. Мазкур ғазаллардаги «Оҳ»ларнинг маъносига қараб, ушбу ғазалларнинг шоир ижодининг турли даврларида яратилганлигини ва улардаги бош ғоя турли

тариқатларга тегишли эканлигини билиб олиш қийин эмас.

*Машраби Ринди Умам, кўйинда жон берсам
не гам,
Ҳар гуноҳе ўтса мендин товбаи оҳ қилдило...*

Бунда дастлаб шоир таҳаллусларининг кетма-кетлиги ҳақида сўз юритайлик. Қандай эҳтиёж туфайли шоир ўз таҳаллусларини кетма-кет келтирди экан? Булки, у маълум даврларда «Машраби Ринди Умам» таҳаллуси остида ғазаллар яратгандир?! Агар шундай дейдиган бўлсак, шу таҳаллус билан яратилган бошқа ғазаллар учрамайди-ку...

Яхшиси, бу фикрни рад этмаган ҳолда ғазалга бошқача ёндошиб кўрайлик. Байтнинг иккинчи мисрасида шоир «Мендан нима гуноҳ ўтган бўлса, оҳ ила тавба қилди» демоқчи. Ўз-ўзидан маълумки, тавба қиладиган шоирнинг ўзи, яъни Ринд, Умам ва Машраб. Бундан шу нарса келиб чиқадики, шоир мана шу даврларда, яъни Ринд, Умам ва Машраб таҳаллуслари билан ижод қилган даврларда ҳам баъзи гуноҳ ишлар ўтганки, бу изтироб шоирни саналган барча даврларда оҳли тавба қилишга мажбур этган. Биламизки, тавба ошиқлик йўлининг бошланишидир. Тавба ҳақда А. Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг насрий баёнида шундай ёзилади: «Ҳақиқий тавба - ёмон феъллар туфайли келадиган азоб-уқубатларнинг олдини олмоқдир ва ҳақ мадади билан у феъллардан чекинмоқдир».

Энди бевосита байтда келтирилган «оҳ»нинг моҳиятини тушуниш мумкин. Ошиқ ўзининг баъзи ёмон феъллари туфайли касрат оламида изтироб - ҳижрон азобини чекмоқдаки, бундан қутулиб, «кўйида жон бериш» - Оллоҳ иноятига сазовор бўлиш учун «тавбаи оҳ» қилмоқда, яъни тангридан мадад сўраб ўтинмоқда. Демак, байтдаги «оҳ» ошиқнинг тавбаси - Оллоҳдан иноят тилашидир.

*Анодин қай куни бўлдум, сенинг ишқингда
оҳ урдум,
Муҳаббат даштида юрган бўлиб оввора
Машрабман...*

Шоир онадан туғилгандан бошлаб ёр ишқида, яъни Оллоҳга восил бўлиш иштиёқида «оҳ» урганлигидан ҳеч ҳайратланмаслик лозим. Чунки, азалда ошиқлар қисматиға шунингдек ҳолатлар - ҳислатлар ҳам битиб қўйилган. Мисол учун, Қайс ҳали гўдаклик чоғидаёқ ғайритабиий ҳислатларни намоён эта бошлайди. Қайс бешиқдаёқ «Ўт кўрса майл этиб ниҳони, Ишқ ўти тасаввур айлаб они» фиғон чекасерадикки, бу нарса ишқ Мажнун қисмати моҳияти эканлигининг ифодасидир. Машраб байтда шу нарсаға ишора қилган. Қолаверса, унинг ўзи ошиқ сифатида бу каби ҳислатларни чақалоқлигида, ҳатто туғилишидан илгарийёқ намоён этган. Бу ҳақда «Қиссаи Машраб»да ўқиганмиз. Биз яхшиси «Муҳаббат дашти»нинг моҳиятини билиб олишимиз зарур, байтдаги «дашт» бизнинг тасаввуримиздаги дашт эмас. Аксинча, бу ерда ошиқлар босиб ўтадиган водийлар, йўллар назарда тутилган. Бу йўлга кирган кишининг машаққат чекиши, оввора бўлиши унчалик ажабланарли эмас. Бу ердаги «овворалик»ни сарсон-саргардонлик маъносида тушунмаслик керак. Аксинча, у ижобий маънодадир. Демак, шоир онадан туғилгандан ишққа мубтало эканлигини, бу ишқ ўзига Оллоҳнинг карами эканлигини ва шу туфайли ишқ даштида, ишқ йўлида оввора, яъни васлига восил бўлиш иштиёқида машаққатлар чекканлигини эътироф этмоқда.

Куйди юроким ўртаниб жабру ситамларинг билан,

Оҳима жавидон куяр, оташи тобдор ўзум...

Ошиқ жабру ситам чекаётган экан, ҳали маъшуқа пардани кўтариб, жамолини кўрсатмаган, ҳали ҳижрон тумани тарқалгани йўқ.

Домла Нажмиддин Комилов ҳижронга шундай таъриф берган: «Ҳижрон - Ҳақдан, илоҳдан бошқага юз ўгириш, кўнгилнинг вақтинча ўзга фикр-ташвишлар билан банд бўлиши, парда орқасида қолиши». Шу билан бирга ҳижрон маъшуканинг синовлари ҳамда ошиқнинг садоқатини балоғатга етказувчи ҳамдир.

Байтда айтилишича, ошиқнинг «оҳ»идан жовидон куймоқда. Хўш, «оҳ»нинг ўзи нима? Тасаввуф адабиётларида бунга шундай таъриф берилган: «Оҳ-ишқ гулғуласининг тил билан ифодалаб бўлмас авж лаҳзаси».

Энди аниқлашимиз керакки, жовидоннинг ошиқ «оҳи»дан куйиши қай кўринишда бўлади?! Ошиқнинг «оҳи» шу қадар қудратли оташми? Реал қаралганда, «оҳ» оташ эмас, жаннат куяётгани ҳам йўқ. Агар ошиқ «оҳи» оташ бўлганида ҳам жаннатни куйдира олмасди. Ошиқ бутун вужуди билан маъшуқа зикру ёдини қилаётир. Унинг ёдида Оллоҳ хаёлидан ўзга ҳеч нарса йўқ. Ҳатто, жовидон хаёли ҳам. Демак, ошиқнинг «оҳи»ни балоғатга етган садоқат рамзи, деб қараш тўғри бўлади. «Оҳи» билан

жаннатни куйдираётган, яъни уни хаёлига ҳам келтирмаётган ошиқ ўзини «оташи тобдор» деб атайди. «Оташ» биз учун тушунарли. «Тобдор» эса тобли - ҳароратли маъносини билдиради. «Оҳ» жаннатни куйдираётган экан, у ҳам оташ ёки оташнинг бир учкуни. Юқорида «оҳ»ни садоқат рамзи, деб қарадик. Шу маънода учкун оташдан сачраб чиқаётганидек, садоқат (оҳ) ҳам ошиқ қалбидан (оташдан) чиқаётир. Учкун ҳароратли тобдор оташдан чиққанидек, садоқат ишқ билан лиммо-лим тўлган ошиқ қалбидан чиқади. Шу маънода «оташи тобдор»ни маъшуқа ишқи билан лиммо-лим тўлган ошиқ қалби, деб қараш ўринлидир.

Байт мазмуни: «Сенинг жабру ситамларинг юрагимни куйдирди - ҳижрон дамларидаги синов машаққатлари қалбимни ишқ сурурига тўлдирди, сенга бўлган садоқатимни балоғатга етказди. Оҳима жовидон куяр-ишқни авж лаҳзада ошкор этаётганимда, яъни садоқатимнинг зўридан жовидон хаёлимга ҳам келмайди. Чунки, оташи тобдор, яъни қалби ишқ ва садоқат билан лиммо-лим тўлган ўзим.»

Кўксима ханжаринг тегиб, оҳ ила аршни куйдуруб,

Қонима жисму жон бўяб, гулшани лолазор ўзум...

«Кўксима ханжаринг тегиб» - ошиқ кўксига қадалган ханжар, албатта, ҳижрон бўлиши керак. Йўқса, у бир «оҳ» билан аршни куйдиришга қасд этмасди. Арш - осмоннинг энг юқори қавати бўлиб, у Оллоҳга тегишлидир. Аршни куйдириш - садоқат зўрлигидан унга етишишни хаёлга келтирмай, маъшуқа ёди билан машғул бўлиш. Ошиқ жисму жонини қонига бўяётир, яъни ич-ташини илоҳий нурга - ишққа қориштираётир. Илоҳий нурга бурканган жисму жон гулшани лолазорга - маъшуқа гулшанига, маъшуканинг мангулик жамолига, яъни унинг ўзига ўхшайди.

Байт мазмуни: «Кўксимга қадалган ханжаринг - ҳижронинг сенга бўлган садоқатимни мустаҳкамлади. Садоқатим (оҳим) туфайли аршни куйдирдим, унга назар солмай, ёлғиз сен томон интилдим. Жисму жонимни қоним билан бўядим - ичи-ташимни илоҳий нурга чўмилтирдим. (Шу боис) гулшани лолазор, яъни Олий Зот зухуротини жисму жонимда акс эттирган ўзим.»

Машраб девонида «Оҳ» тимсоллари ишлатилган ғазаллар яна кўплаб топилди. Ушбу мақоладан мақсад, уларнинг барчаси ҳақида сўз юритиш эмас, балки айримлари воситасида Машраб тасаввуфининг сирли жиҳатларини очувчи очкичлар эканлигини зукко ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилишдир...

Бу тимсолга бошқача маънода қараб, янада кенгрок фикр билдирганлар мулоҳазасини жонидили билан эшитишга камина тайёр.

Жеймс Жойс

ЖАКОМО ЖОЙС



Ер шарини учта баҳайбат наҳанг кўтариб туради, деган қадимдан қолган бир ривоят бор. Адабиёт оламида эса бунга тақлид қилиб айтилган шундай гап юради: XX аср адабиёти уч нафар наҳангнинг кифтида туради, улар-Жеймс Жойс, Марсел Пруст ва Франтс Кафка.

Ирландиялик машҳур ёзувчи Жеймс Жойс 1882 йили Дублинда таваллуд топган. Адибнинг болалик ва ёшлик йиллари Ирландия тарихининг зиддиятли даврига тўғри келади. Удастлаб диний коллежда ўқийди, келажакда руҳоний бўлишни орзу қилади, бироқ тез-орада ишонч-этиқодига дарз кетиб, ўзининг католик устозларидан четлашади ва Дублин университетининг филология факультетига кириб таълим олади. Болаликдан ёлғизликка мойил бўлиб ўсган Жеймс ўзини одамлардан четга тортар, кўп китоб ўқир, лингвистикага, антик адабиёт ва тарихга қизиқарди.

1902 йили у ўқиш учун Парижга боради, кейин қисқа вақт Дублинга қайтади ва 1904 йили ватанини бутунлай тарк этади. Триестда, Цюрихда яшайди, Фрейд таълимотини пухта ўрганади. Турмуши моддий қийинчиликлардан аримайди, ўзи жисмоний дардлардан кўп азоб чекади. У машаққатларга тўла умри давомида учта роман, битта лирик шеърлар ва бир новеллалар тўпламини яратади. Тириклигидаёқ унинг шуҳрати оламга ёйилади: Парижни томоша қилгани келган ва ўзини маданиятли ҳисоблаган сайёҳ борки, Эйфел минорасини томоша қилмаса-да, «Жойс» номли мўъжизани бир кўриб қайтган. Адиб ўлиmidан сўнг ҳам модернизмнинг «отаси» сифатида шарафланди, унинг машҳур романи «Улисс»га модернизм инжили, деб таъриф берилди.

«Мен, - деб ёзган Жойс, - ватанимнинг руҳий-маънавий тарихидан бир китоб ёзини мақсад қилган эдим ва воқеалар рўй берган жой сифатида Дублинни танладим, чунки менинг нуқтаи назаримда, айнан мана шу шаҳар фалажнинг маркази ҳисобланади». «Фалаж» деганда Жойс аср бошидаги ирландияликлар ҳаётининг иллатли томонларини: мунофиқлик, хушомад, порахўрлик, маданий қолоқлик ва маънавий қашшоқликни назарда тутган. Маънавий фалажликнинг бош сабаби-ирланд католицизми, дейди Жойс. Унинг насрда ёзган дастлабки «Дублинликлар» (1914) китобида кирган ҳикоялар шолга чалинган юрт ва юртдошлари ҳақидаги шафқатсиз ҳақиқатлардир. Ўн беита мустақил ҳикоя жамланган бу тўплам XX аср ирланд реалистик адабиётининг чўққиси ҳисобланади.

Жеймс Жойснинг «Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили», «Улисс», «Финнеган маъракалари» романлари дунё халқларининг кўплаб тилларига таржима қилинган. Жойснинг оламшумул адабий воқеа сифатида тан олинган ижодидан ўзбек китобхони ҳам баҳраманд бўлишга ҳақли. «Ёшлик» журнали сизни Жеймс Жойс насрининг гаройиб намунаси - «Жакомо Жойс» асари билан таништиради.

ТАРЖИМОН

Ким у? Хушбўй мўйнага бурканган ранглар чеҳра. Унинг равиш-рафтори уятчанг ва асабий. У кўзойнакка қараётгир.
Ҳа: хўрсиник. Кулли. Киприклар учини.

Ўртимчак ипидай дастхат, чўзиб ёзилган, бежирим ҳарфлар, кибрли ва эгилувчан: ёш аслзода бегойим.

Мен илмий нутқнинг енгил тўлқинида ҳаволаман: Сведенборг¹, сохта-Ареопагит², Мигел де Молинос³, Иоахим Аббос⁴. Тўлқин олиб кетди. Унинг синфдош дугонаси, танасини илондай тўлгангириб, италянчанинг ургулис вена лаҳжасида мингирлайди. She coltura!⁵ Узун киприклар учади: бахмалдай майин кўзлар устидаги ўткир нашгарлар ниш уради, пирпирайди.

Баланд пошналар онда-сонда тош зиналарга урилиб, маънисиз товуш чиқаради. Қасрда совук тортиб осилган халқали совутлар, миноранинг бурама зинапоялари муюлишлари тепасида кўпол темир фонуслар. Пошначалар чаккон тиккиллайди, жарангдор ва маънисиз товуш. У ерда, пастда биров суҳбатингизни олай деб, лутфи-карамингизга мунгазир.

У ҳеч қачон бурнини қоқмайди. Гапириш йўсини:
оз сўзлаб кўп айтиш.

Силлиққина ва ичидан пишган: оилавий можаролар қозонида обдон қайнаган, биқик хилватгўшаларни макон қилган халқининг тарбиясини олган. Верчелли⁶ яқинидаги шоликор далани сутдай туман босган. Шляпанинг тушуриб қўйилган соявони сохта табассумга соя солади. Соялар сохта табассум устида, қайноқ сутдай оқ нур тигида куй-ган чеҳра узра югиради, ёноқлар остида кўкимтир, зардоб тусли кўланка, тер тепчиган манглайда сарғиш-малларанг кўланка, чимрилган кўзларда аччик

Гул, менинг қизимга у қилган совға. Нозиккина совға,
нозикниҳол совғачи, нозик беғубор гўдак⁷.

Падуя узоқ денгиз ортида. Ўрта йўл⁸ ороми, тун, тарих зулмати⁹ оидин Piazza dille Erbe¹⁰ узра мудрайди. Шаҳар пинакда. Дарё бўйидаги зим-зиё кўчаларда дарвозаларнинг тирқишларидан суюқоёқ хотинлар хиёнаткор эрларни пойлайди. Cinque servizi per cindue franchi¹¹. Эҳтироснинг қора тўлқини уради, яна ва яна ва яна.

*Кўзларим кўрмайди зулматда, кўрмайди кўзларим,
Кўзларим кўрмайди ҳеч нени зулматда, севгилим.*

Яна. Керакмас, бўлди. Зулматли муҳаббат, зулматли қийноқ. Керакмас, бўлди. Жаҳолат.

Қош қораймоқда. У piazzaдан ўтиб келаётир. Бепоён маврактус-яшил яйловга шому шабнамларини оҳиста тўкиб, кулранг оқшом чўкаётир. У онасининг ортидан бесўнақай-викорли юриб эргашади, бия байталчани эргашитириб келаётир. Намчил ғира-шира қоронғилик ичидан ингичка ва келишган сонлар, нозик хушбичим озғин бўйин, назокатли ва кўркам бошча оҳиста сузиб чиқади. Шом, ором, сир..... Э=ҳей! Отбоқар! Э-ҳе-ҳей!¹²

Отахон қизлар билан чанада ёнбағирлаб елдай учади: султон ва унинг аҳли ҳарами. Қошгача бостириб кийилган телпаклар ва зич тугмаланган камзуллар, оёқда бироз исиган ботинканинг тилчаси боғич билан чалкаштириб тортиб боғланган, калтагина этак-кўйлак тиззаларнинг думалоқ кўзларига етар-етмас. Оппоқ қордай офатижон: ҳилол, қор парчаси:

*Яна қачон сайр этгали чиқаркан у,
У ерда мен қараб кўзим тўярмикан!*¹³

Тамаки дўконидан югуриб чиқаман, уни чақираман. У тўхтайди ва менинг дарслар ҳақида айтаётган пойма-пой сўзларимни эшитади: ва унинг рангпар юзларига аста-секин қон югиради. Йўк, йўк, чўчиманг!

Mio padre:¹⁴ энг оддий муомаладаям у бошқаларга ўхшамайди. Unde derivatur? Mia figlia ha una grandissima ammirazione per il suo maestro inglese¹⁵. Ёши қайтган эркак кишининг қипқизил, узун оқ чаккасоқолли, яхудий башара юзи тоғ ёнбағридан бирга энаётганимизда мен томонга бурилади. Ў! Жуда топиб айтишган-да: ҳалимлик, эзгулик, қизиқувчанлик, ростгўйлик, гумондорлик, самимийлик, қарилик уқубати, димоғдорлик, софдиллик, тарбия кўрганлик, соддалик, эҳтиёткорлик, жўшқинлик, раҳмдиллик: ажойиб қоришма. Игнатий Лойола, қайдасан, нажот бер!¹⁶

Юрак зориқади ва кумсайди. Муҳаббат йўли жафолими?

Соғинчдан сузилган сирли лаблар: тўққизил чувалчанглар.

Тун, ҳавонинг авзойи бузук, деразадан туманга бурканган қирларга қарайман. Мунгайиб қолган дарахтларни туман босган. Хонада чироқ ёниқ. У театрга отланаётир. Ойнада арвоҳлар... Шам келтиринг! Шам!

Менинг жонгинам. Тун ярмида, концертдан чиқиб, Сан-Микеле¹⁷ кўчасидан кўтарилаётиб, ушбу сўзларни суюб шивирлайман. Бас қил, Жеймси!¹⁸ Сен эмасми, Дублин кўчаларида оқшомлар санқиб, бошқа исми ёниб шивирлаган?¹⁹

45 Атрофда яҳудийларнинг майитлари, ўзларининг муқаддас маконлари тупроғида чириётир²⁰..... Унинг қариндош-уруғлари мозори шу ерда, қора тош, қайғули сукут. Бу ерга мени чўтир Мейсел бошлаб келди. У нарёқда дарахтлар ортида бошини буркаб, ўз жонига қасд қилган хотинининг қабри тепасида турибди, унинг билан бир тўшакда ётган аёлнинг бу ишга кўли қандай борди экан деб, одамлар ҳайрон²¹ ... Унинг уруғ-аймоғининг мозори ва ўша аёл қабри: қора тош, қайғули сукут: бир қадам. Ўлмагин!

У, қора доқа кўйлагининг орқа тугмасини қадашга уриниб, кўлларини кўтаради. Ўзи қадай олмайди: йўқ, қадолмайди. У чурқ этмай тисарилиб орти билан менга яқинлашади. Мен, ёрдам берай деб, кўлларимни кўтараман: унинг кўллари пастга тушади. Мен майин, ўргимчак инидай юпқа кўйлакнинг четидан ушлайман ва тугмани қадаётиб, қора доқа орасидан тўқсарик ич кўйлакдаги нозик баданга кўзим тушади. Боғичлар елкалардан сирғалади, ич кўйлак охишта тушади: нозик силлиқ ялонғоч бадан кумуш тангачалардай йилтиллайди. Ич кўйлак текис, жило берилгандай хушбачим кумуш думбалардан ва уларнинг оралиғидаги жўякчасидан сирғалиб тушади... Бармоқлар муздай енгил мулойим..... Тегиниш, тегиниш.

Беҳуш чорасиз заиф нафас. Сен энгашигин ва бир нима де: овоз. Жаггернаут²² аравасининг тагидаги чумчуқ олам хожасига чорлайди. Ўзинг кўлла, жаноби Худо, марҳаматли жаноби Худо! Хайр, беҳишт!..... Aber das ist eine Schweinerei²³

Балда кийиладиган бежирим туфличаларда капалик нусха килиб танғилган шапалокдай бандлар: тантик парранда пихлари.

Бегойим келаётир, илдам, илдам, илдам юриб... Тоғ йўлида ҳаво мусаффо. Тонг қоронғусида Триест уйғонмоқда: тартибсиз тикилиб турган, жигарранг сопол билан ёпилган тошбақанусха томларда куёшнинг хира нурлари: вайсақи маҳмаданалар тўдаси миллий озодлик иштиёқида²⁴. Олифта хотинбоз хотинига ўйнаш тутинган эркакнинг жуфти ҳалоли тўшагидан тураётир: уй бекасининг қаҳрли мошдай кўзлари ялтиллайди, у жоникади, кўлида сирка кислотаси солинган стаканни чангаллаб, хонада зир югиради.... Тоғ йўлида ҳаво мусаффо ва жимжитлик, туёқлар дупури. Ёш чавандоз қиз. Гедда! Гедда Габлер!²⁵

Савдогарлар ўзларининг меҳробларига ғўр меваларни теришмоқда: яшил-сарғимтил лимонлар, тўққизил олчалар, барглари билан узиб олинган эзилган шафтолилар. Тўрт ғилдиракли енгил арава қаторлар орасидан ўтиб келади, ғилдиракларнинг симлари кўзни қамаштириб ялтирайди. Йўл беринг! Унинг отаси ўз ўғли билан аравада. Уларнинг кўзлари бойқушниқидай, бойқушона донолик. Кўзларда бойқушона донолик, улар ўзларининг *Summa contra gentiles*²⁶ таълимотлари ҳақида гап суришмоқда.

Италиялик жентлменлар «Secolo»²⁷ танқидчиси Этторе Албинини партердан ҳайдаб чиқариб тўғри қилдилар, дейди у, чунки оркестр Қироллик мадҳиясини ижро этаётганда у ўрнидан турмади. Бу ҳақда кечки овқат устида гапиришди. Бўлмаса-чи! Севасан-да ўз мамлакатингни, унинг қанақалигини билганингдан сўнг!

У бир нима дейди: қизгинага ақлдан берган.

Тиззаларнинг чакқон ҳаракатидан хийла кўтарилган этак: оппоқ тўр - ич кўйлакнинг жияги, рисоладагидан кўра бироз юқори турилган: ўта юпка ипак пайпоқ. Si pol?²⁸

Секин чалиб²⁹, Жон Дауленднинг³⁰ ғамгин ашуласини куйлайман. Айрилиқ алами³¹: ажралиш менга-да оғир. Кўз ўнгимда ўша аср. Кўзлар нафс зулматидан ёришиб кетади, шафакни бекитади, уларнинг милтиллаган шуъласи - ландовур Жеймс³² саройи олдидаги оқова зовурнинг нажас шуъласи. Мусаллас қаҳрабо, майин ашула таронаси тинади, димоғдор товус, театр пешайвонида кўнгли бўш оқсуяк хонимлар, бежирим писта даҳанлар, захмга йўлиқиб ириб-чириган оймитиллалар, ёш хонимчалар ўзларининг ўйнашлари кучоғида, баданлар, баданлар.

Намхуш баҳор эртасининг ғира-шира пардаси қоплаган тонгги Париж узра енгилгина ҳид анқийди: анис, нам тортган ёғоч қириндиси, қайноқ нон мағзи: ва мен Сен-Мишел кўпригидан юриб ўтарканман, кўкимтир-кулранг баҳор тошқини юрагимни музлатади. Тошқин сувлар оролга шалошлаб урилади, эркаланиб тўлғанади, у ерда тош асридан буён одамлар яшаб келади. Бемаъни нашқлар билан безатилган маҳобатли ибодатхона занг тусли зулматга чўмган. Худди ўша тонгдагидай, совуқ: *quia frigas erat*³⁴. У ёқда, бош маъбаднинг супаларида, Тангрининг танасидай яланғоч рухонийлар, паст овозда дуо ўқишиб, ибодатга узалишган. Атрофда авлиё Осиё китобини қироат қилаётган номаълум овоз парвоз қилади. *Haec dicit Dominus: in tribulatione sua mane consurgent ad me. Venite et revertamur ad Dominum*³⁵... У менинг ёнимда турибди, ўйчан, совқотган, нефнинг гуноҳидай қоронғу сояларга ўралган. Унинг ингичка тирсаги кўлимнинг олдида. Унинг бадани ўша намхуш туман қоплаган тонг титроқларини ҳали унитмаган, ваҳимали машъалалар, қаҳрли кўзлар³⁶. Унинг юраги ҳасратга тўла, елкалари силкинади, ҳозир йиғлаб юборгудай. Менга аза тутма, эй, Куддуснинг ожизаси!

Мен фаросатли Триест аҳлига Шекспирни тушунтираман: Гамлет, дея ваъзхонлик қиламан мен, задагонлару оддий фуқароларга хўп мулозаматли бўлган, аммо Полонийни икки суймаган. Ўтиқоди заха еган бу идеалчи, афтидан, маъшуқаси қиёфасида унинг ота-онасининг образини қайта яратишга чиранган табиатнинг арзимас ҳатти-ҳаракатини кўради..... Наҳотки пайқаманган бўлишса?³⁷

У мендан олдинда даҳлизда юриб келаётир, сочнинг қора тугуни секин ёйилиб тушади. Оҳиста тўкилган соч шаршараси. У покиза, олдинда юриб кетаётир, содда ва мағрур. Дантеда ҳам у шундай юриб борган, содда ва мағрур, кўлини қонга урмаган Ченчининг қизи, Беатриче³⁸ ҳам ўз қатлига шундай юриб борган:

..... Менга

Камарни танғи ва сочларимни

Оддий қилиб, одмигина турмаклаб қўйгин³⁹.

Оқсоч хотин дедики, уни зудлик билан касалхонага элтишга тўғри келди, *povertt*⁴⁰, қаттиқ азоб чекди, *povertt*, аҳволи жиддий..... Мен унинг ҳувиллаб қолган ўйидан чиқиб кетаман. Кўз ёшларим томоғимга тикилади. Йўк! Бундай бўлиши мумкин эмас, бунча тез, на бир сўз, на бир нигоҳ. Йўк, йўк! Телба бахтим панд бермас!

Оператсия қилишди. Жарроҳнинг пичоғи унинг ичига кирди ва қон сизиб турган жароҳат изини қолдириб, қорнини ёрди. Мен унинг уқубат чеккан чуқур қора кўзларини кўраяпман, охунинг кўзларидай, чиройли. Даҳшатли жароҳат! Назари суқ Тангри!

Ва яна дераза ёнидаги ўзининг оромкурсисида, лабидан бол томади, шодон кулади. Бўрондан сўнг чуғурлаётган қушча, бахтиёр, анқовгина, жон олғувчи аждаҳо чингалидан учиб қочганига хурсанд, шодланиб чуғурлайди, чуғурлаб туриб бахтиёр чиркиллади.

Мабодо «Мусаввирнинг шамойили» самимийликни намоиш этиш учунгина самимий ёзилган бўлганида ҳам, нега мен унга бу асарни ўқиб чиқишга берганимни барибир сўраган бўлардим, дейди у. Албатта, сиз сўраган бўлардингиз! Билимли бегойим.

Бошдан оёқ қора либосда - телефон ёнида. Журъатсиз кулги, кўз ёшлар, ҳайкиб айтилган бемажол сўзлар... Palrego colla mamma⁴²... Жип, жип! Жип, жип! Қора мокиён сергакланади: бедана юриш қилади, тўхтайтиди, антикади: онам қани, кўркам товук.

48 Операда фонус ёник. Деворларда из қолдириб буғ томчилари сизади. Гавдаларнинг беўхшов тўдаси ҳидлар синфониясига қоришиб кетган: кўлтиқларнинг бадбўй ҳиди, сўрилган апелсинлар, бурқсиган упа-элик, саримсоқли кечки таом иси, бодлар, ўткир атирлар, эр етган қизлар ва эрли хотинларнинг тер ҳиди, эркакларнинг сассиғи.... Кеча давомида мен унга тикилиб ўтирдим, тун бўйи мен уни кўраман: баланд турмакланган соч, ва малла-кўкимтир юз, ва шавки ўчган мулойим бахмал кўзлар. Сочларда яшил банд ва яшил ипда тикилган кўйлак: гуркираб ўсган майса, бу қабрларнинг мўйлари, серҳосилликнинг умидбахш ранги.

Менинг ўтинчларим: гирдобга чўкаётган совуқ тақир тошлар.

Бу қонсиз совуқ бармоқлар хунук ва гўзал саҳифаларни варақлаган⁴³, уларда менинг шаъним мангу ўртангай. Қонсиз совуқ покиза бармоқлар. Наҳот улар ҳеч қачон гуноҳ қилишмаган?

Унинг бадани бўй таратмайди: ифорсиз гул⁴⁴.

Зинапоя. Муздай нозиккина қўл: ҳадиксираш, сукут: қопқора, толиққан кўзлар: гусса.

Бўм-бўш ётган ер узра кўкимтир буг халқаси сузади.
Унинг юзи чунонам карахт ва мотамсаро! Тўзгиган ҳўл
сочлар. Унинг лаблари ёқимли ҳимарилади, мен унинг
хўрсинаётганини ҳис этаман. Ўпди.

Менинг овозим сўзлар акс-садосида фарқ бўлади,
Тангрининг-да Авраамни даъват этган ҳикмату аламга
тўла овози қирлар акс-садосида шундай фарқ бўлди⁴⁵. У
ўзини ёстикқа ташлайди: канизак зеб-зийнатли зулмат
кўйнида. Мен унинг кўйнида эрийман: ва жоним
жимирлаб оқади, қуйилади, унинг ҳўл иссиқ мулойим
ва хушҳол назокатига суюк, сероб уруғ отади... Энди
уни, ким хоҳласа, олаверсин!....⁴⁶

Раллининг⁴⁷ уйидан чиқаётиб, мен уни кўрдим, у кўзи ожиз одамга
садақа бераётган эди. Сўрашаман, саломимдан саросималанади, терс
ўгрилади ва қора аждар кўзларини яширади. E col suo veder attosca l'uomo
quando lo vede⁴⁸. Раҳмат сизга, жаноб Брунетто, топиб айтгансиз.

Менинг оёқларим остига Инсон Ўғлига аталган гиламларни пойандоз
қилишади⁴⁹. Кириб келишимни кутишаётир. У ним заррин қоронғу
хонада турибди, совук, энсиз елкаларига шол рўмол ташлаб олган, мен
тўхтаб кўз югиртаман, у менга совукқина нигоҳ ташлаб, бош иргийди,
тепага зинапоядан юриб кўтарилаётиб, менга зимдан оғули назар солади.

Фақирона меҳмонхона, ғижимланган нўхатранг парда. Парижнинг
чоғроқ хонаси. Ҳалигина бу ерда сартарош хотин ётган эди. Мен унинг
пайпоғини ва чанг босган қорамтир-қизғиш кўйлагининг этагини
ўпдим. Бу бошқа. У. Гогарти кеча танишмоқчи бўлиб келди. Аслида
«Улисс» учун. Виждон тимсоли... Демак, Ирландия-да?⁵⁰ Эри-чи?
Даҳлизда нари-бери бориб-келиб юраверади ёки шахмат ўйнайди ўзи
билан ўзи⁵¹. Нега бизни қолдиришди бу ерда? Сартарош хотин ҳалигина
шу ерда эди, менинг бошимни ғадир-будир тиззалари орасига қисиб олиб
ётганди..... Халқимнинг тимсоли. Тингланг!⁵²

- Рухнинг ёки вужуднинг бундай фаолияти носоғлом дейишларига
мен ишонмайман -

У гапираётир. Совук юлдузларнинг мажолсиз саси. Ақл овози.
Гапир! Ў, гапирсанг-чи, менга ақл ўргат! Ҳечам эшитмаганман бу
овозни.

Илондай тўлғаниб, фақирона меҳмонхонада у менга яқинлашади.
Қилт этолмайман, тилим айланмайди. Бу йилтироқ юлдузбадан
бекингани жой топилмайди. Бевафолик ҳикмати. Йўқ. Кетаман мен.
Кетаман.

- Азизим, Жим! -

Юпқа ҳарис лаблар чап кўлтиғим тагидан ўпади: жўшаётган қоним
ўпичдан олов олади. Ёнаяпман! Ўт кетган хазондай қовжираб тушаяпман!
Олов тиғи ўнг кўлтиғим тагидан тешиб киради. Йилтироқ юлдузбадан
илондай ўралади: тундаги совуқ илон. Мен тамом бўлдим!

- Нора!⁵³ -

Ян Питерс Свелинк⁵⁴. Голландиялик кекса созанданинг ғалати исм-шарифидан ҳар қандай гўзаллик ғалати ва бегона туюлади. Унинг клавиқордлар учун ёзган кўҳна мақомдаги тароналари қулоғимга чалинади: *Ёшлик ўткинчи*. Қадим оҳангларнинг олағовур шовқини ичида бир нузли садо янграйди: юрак тилга киргудай. Ёшлик ўткинчи. Интиҳо етди. Энди кеч. Бу ўзингга-да аён. Хўш? Шунга ёз-да ахир, ёз, жин урсин сени! Қурбинг бошқа нимагаям етарди?

«Нима учун?»

«Чунки бошқача бўлганда мен сизни кўролмаган бўлардим».

Тирғаниш - бўшлиқ - асрлар - ҳазондай тўкилган юлдуз шовқини ва торайиб бораётган осмон - сукунага - умидсиз сукунага - йўқлик сукути - унинг овози.

Харобазор. Ялонғоч деворлар. Тўнглаган кундизнинг ранги. Узун қора роял: ўлик мусиқа. Аёллар шляпаси, соявоннида алвон гул ва шамсия, йиғилган. Унинг тамғаси: дубулға, тўқ қизил ранг ва тумтоқ найза қузғун билан, қалқон устида⁵⁶.

Далил: мени севар бўлсанг, шамсиямни сев.

ИЗОҲЛАР

1. Эмануэл Сведенборг (1688-1772) - швед табиатишунос-олими, мутасаввиф, илоҳиётчи.
2. Сохта-Ареопагит - биринчи афина епископи Дионисий Ареопагит назарда тутилади. Уйғониш давридаёқ инкор этилган бир неча диний асарларга (эрамызнинг I асри) уни муаллиф деб нисбат берилган.
3. Мигел де Молинос (1628-1696) - испаниялик мутасаввиф ва зоҳид, дунё ишларига бепарво қарашни, ихтиёрни, ўзликни тўла-тўқис яратганнинг иродасига топширишни тарғиб этадиган диний-ахлоқий квиетизм таълимотининг асосчиси.
4. Иоахим Аббос (1145-1202) - италиялик илоҳиётчи.
5. Ана маданият! (итал.)
6. Верчелли - Италиянинг шимоли-гарбидаги шаҳар.
7. Жойснинг, 1913 йили Триест шаҳрида ёзган, «Менинг қизимга совга қилинган гул» шеърининг бошқача талқини. Адибнинг қизи Лучия назарда тутилади.
8. Бу ўринда Жойс сўз ўйини ишлатган: middle age ҳам ижодий етуклик палласи ва ҳам the Middle Ages билан алоқадор тасаввурни тугдирадиган ўрта асрлар маъносидagi ибора.
9. «Улисс»да бу образ янада ривожлантирилади. Тарих «босинқираш»га айланади, роман қаҳрамонларидан бири, Стивен Дедалус, бу оғир тушдан ўйғонишга уринади.
10. Пятса дел Эрбе - Падуядаги бозор майдони.
11. Беш франкка беш хизмат (итал.).
12. «Э-ҳей! Э-Ҳе-ҳей!» - Мартселло ва Ҳамлетнинг, Арвоҳ иштирокидаги сахнада, бир-бирларини ахтарган чоғдаги хитоблари.
13. Англиялик сентименталчи-шоир Уилям Каупернинг (1731-1800) «Жон Гилтин» шеърдан бироз ўзгартириб олинган мисра.
14. Отам (итал.).
15. Ким билсин бу қайқдан? (лот.). Менинг қизим ўзининг инглиз тили ўқитувчиси билан завқланади (итал.).
16. «Улисс»нинг «Стсилла ва Харибда» сарлавҳали тўққизинчи қисмида Стивен Дедалус ҳам, Шекспир ижоди ва ҳаёти ҳақида ўзининг мураккаб фалсафий назариясини қураётганда, шу тариқа Лойолага ёрдам сўраб мурожаат қилади.

17. Триестдаги Сан-Микеле кўчасида Амалия Поппер яшаган.
18. Юз бераётган ҳолат бевосита Жойснинг ўзига тегишли экани уқтирилаёттир.
19. Жойснинг хотини Нора Барнакл назарда тутилаёттир.
20. Триестдаги яҳудий қабристонини (Cimitero israelitico) назарда тутилаёттир.
21. Филиппо Мейсел деган кишининг хотини Ада Хири Мейсел 1911 йил, 20 октябрда жонига қасд қилиб ўзини ўзи ўлдиради.
22. Жаггернаут, ёки аниқроғи, Жаганнахта («олам хожаси»), ҳиндлар асотирида Вишна-Кришналарнинг алоҳида шакли. Жаггернаут шарафига ўтказиладиган йигирма тўртта байрам орасида Ратхаятра - икки гилдиракли жанг араваси маросими аскарият художўйларни қаттиқ қизиқтирган. Кўпчилик мутаассиблар жазавада ўзларини гилдираклар тағига ташилашади ва ҳалок бўлишади.
23. Бу бориб турган разолат-ку! (нем.)
24. Жойс ҳар доим, аниқса, сиёсат бобида қуруқ савлатига бино қўйганларга, мунофиқлик қилиб сафсата сотганларга қарши кескин жавоб қайтарган.
25. Гедда Габлер - Г. Ибсеннинг (1828-1906) шу номдаги драмаси қаҳрамони. Жойс назарида ёшлик, жўшқинлик тимсоли.
26. «Мажусийларга қарши хулосалар» (лат.). Ўрта асрнинг машҳур файласуфи ва илоҳийчиси Фома Аквинский (1225-1274) асари. Жойс бу ўринда талмудни шундай номлаб, яҳудийларнинг «нотўғри» (мажусий) динига кинояли ишора қилади.
27. Этторе Албини (1869-1954) - Римда чиқадиган сотсиалистик «Аванти!» газетасининг муҳаббат танқидчиси. Жойс адашиб уни Туринда чиқадиган «Секоло» газетаси танқидчиси дейди: "Secolo" - аср (итал.). У ҳокими мутлақликни, 40-йилларда эса фашизмни қоралаган мақолалар билан муттасил чиқиб турган. Жойс 1911 йил, 17 декабрда Италиянинг Қизил Хочи ва Ливияда ўлдирилган ёки ярадор бўлган аскарлар оилалари шарафига «Ла Скала»да берилган концертда рўй берган воқеани ёзади. Мадрҳия янграганда Албини ўрнида намоийишкорона ўтираверади ва бу билан ўша пайтда Италиянинг олиб бораётган босқинчилик урушларига ўзининг норозилигини билдиради.
28. Тўғрироғи: Si rio? - Рухсат этинг? (итал.) - Э. Леонкаваллонинг (1857-1919) «Масхарабозлар» (1892) операси муқаддимасидаги илк сўзлар. Бу сўзларни масхарабоз Тонио айтади. Жойс бундай ҳазил, ишора билан ўз образини, яъни ошиқ Жойс образини киноя воситасида соддалаштиришига эришган.
29. Жойснинг муҳаббат билан машғул бўлганига ишора, у ажойиб тенорга эга бўлган. Ҳатто ёзувчи сифатида машҳур бўлган пайтда ҳам, Ирландияда уни хонанда деб билишган. Жойс ўзининг «Камерли муҳаббат» шеърини туркумига муҳаббат басталашларини сўраган ва Елизавета замонини эслатувчи бу кўшиқларни ўзи жуда яхши кўриб ижро этган.
30. Жон Дауленд (1563-1626) - англиялик удчи ва бастакор.
31. Уйғонини даврида хайрлашув кўшиқлари шундай номланган.
32. Кирилл Жеймс (ёки Яков) Стюарт (1566, аниги 1603-1625) назарда тутилаёттир. Унинг ҳукмронлигини Уйғонини руҳининг сўна бошлаган даври билан боғлашади. Жойс унинг қатъиятсиз ва зиддиятларга тўла ички ҳамда ташқи сиёсатини назарда тутиб, уни «ландавур» дейди.
33. Меъмор Иниго Жонс томонидан 1630 йили қурилган Ковент-Гарден пешайвонлари, Лондондаги майдонлар назарда тутилаёттир.
34. Ҳаво совуқ бўлгани учун (лот.). Юҳанно баён этган муқаддас Хушхабардан парча (18,18): «Ҳаво совуқ бўлгани учун у ерда турган қароллар билан миршаблар кўмир ёқиб, исинаётган эдилар».
35. Тангри айтади: «Улар гам-алам билан саҳарлаб Мени қидирадилар ва дейдиларки: «Туринглар, Тангрига кетайлик!...» (лот.) (Авлиё Осие китоби, 6,1.) Бу ўринда Оташин Жумадаги ибодат маросими тасвирланади.
36. Жойс бу ўринда Исога хиёнат қилиши саҳнасига ўхшаш тасаввур беради: «Исо ҳали гапириб турганида, ўн икки шогирдидан бири Яҳуда кўққисдан келиб қолди. Унинг ёнида олий-руҳонийлар, уламолар ва оқсоқоллар томонидан юборилган, қилич ва таёқ ушлаган оломон бор эди». (Марк баён этган муқаддас Хушхабар, 4,43).
37. Шекспир ҳақида маърузаларни Жойс Триестда 1912 йил, 4 ноябрдан 1913 йил, 10 февралгача ўқиган. Маърузалар «психоаналитик» мазмунда бўлган. Жойс ўзига Фрейднинг ҳеч қандай таъсир кўрсатмаганини кўп бор айтган, унинг шахсий психоаналитик машқлари эса «ақл ўйинлари»дан бошқа нарса эмас.
38. Дантенинг қаҳрамони - Беатриче ва яна бошқа бир Беатриче, Шеллининг (1792-1822) «Ченчи» (1819) пьесаси қаҳрамони назарда тутилаёттир. Таҳқирлангани учун қасос олиб, Беатриче ўз отаси Ченчини, зolim ҳокими мутлақни ўлдиради. Ҳокимият уни ўлимга ҳукм этади.
39. Шеллининг «Ченчи» пьесасида Беатриченинг эътирози.
40. Бечора (итал.).
41. Чамаси, Жойснинг ўқувчиси «Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили» асарининг 1814 йил июнида машинкада кўчирилган тўртинчи бобини ўқиган.
42. Онанг билан гаплашиб ол (итал.).
43. Афтидан, Шекспирнинг «Макбет»идаги биринчи саҳнада жодугар айтган луқма гапларнинг бошқача талқини: Гўзаллик-хунук ва хунуклик-гўзал».
44. Афтидан, образ Шекспирнинг 130-сонетидаги ушбу сатр таъсирида юзага келган: «Бадани шундай

ҳид уфурарди, мисоли бадандан бўй таралгандай».

45. Авраамнинг Тангри билан гайбона суҳбатлари назарда тутилаётир (Борлиқ Китоби, XII-XXV боб.).

46. Бу парча бир қадар ўзгартирилган тарзда «Мусаввир...»да ва «Кувгиндилар» пьесасида учрайди.

47. Барон Амброжо Ралли (1878-1938) - Триестнинг шаҳар задогонларидан, Скороло бозор майдонидаги сарой соҳиби.

48. Унинг бир кўз ташлаши унга қараб турганни огулайди (итал.) - бу гап италиялик ёзувчи Брунетто Латинининг (1220-1294 йиллар атрофида) «Жавоҳирлар китоби»дан (нашири 1863) олинган, бу асар ўрта асрлар илмининг уч жилдлик қомуси ҳисобланади. Унда Латини аждарҳо назари гоятда хавфли экани ҳақида ёзади.

49. Исонинг Қуддусга сафари киноявий тарзда бошқача иборада тасвирланган: «Кўпчилик ўз кийимларини йўлга пойандоз қилди. Бошқалар эса даштдаги дарахтлардан яшил новдаларни кесиб йўлга тушадилар.

Олдинда ва орқада юраётганлар:

«Нажот бергил!

Худованд номидан Келаётган муборак!...

- деб ҳайқаришар эдилар».

50. Оливер Жон Гогарти (1878-1957) - ирландиялик шоир, дублинлик таниқли врач, Жойснинг дўсти, «Улисс»да Бак Маллиган образи учун асос бўлган шахс.

51. Амалия Поппернинг эри ҳамда «Улисс»даги қаҳрамонларнинг бири Леополд Блум назарда тутилаётир: бу образ учун Амалиянинг эри эмас, чунки уни Жойс танимаган, балки Амалиянинг отаси, триестлик улгуржи савдогар Леопалд Поппер асос бўлган.

52. Жойснинг мурасасиз ва кескин танқиди, унинг инсон маъшиий-жинсий ҳаётини тасвирлашда ростгўйлик билан ошқора қалам табратгани, «Улисс»нинг дастлабки эпизодларида қўллаган шакл бобидаги муратқаб тажрибалари тез-орада қизгин мунозара уйғотди. Парчада замондошларининг «Улисс» ҳақидаги ҳукм-хулосалари турли оҳангларда янграйди. Бу луқмалардан уларнинг муаллифлари - У. Б. Йейтс, Ж. Б. Шоу, Т. С. Элиот эканлиги аён бўлади, улар романни ҳаққоний ва гениал асар деб ҳисоблашган, Р. Олдингтон ва Г. Уэллс «Улисс»ни яхши қабул қилолмаганлар.

53. Жойснинг хотинининг ва Г. Ибсеннинг «Кўгирчоқлар уйи» драмаси қаҳрамонининг исми.

54. Ян Питерс Свелинк (1562-1621) - нидерландлик бастакор ва созанда.

55. Уни эмас, Бараббани (лат.). Пилатдан хочга чўрмих қилинган Исо Масихни эмас, балки қароқчи Бараббани озод этишини талаб қилаётган яҳудийлар сўзи: «Уни эмас, Бараббани озод қил! - деб ҳамма бараварига бақирди. Барабба эса қароқчи эди» (Юҳанно баён этган муқаддас Хушхабар, 18, 40).

56. Бу ўринда Жойс Шекспирнинг тамгасини тасвирлайди, тамгага оид унсурлар: дубулга, тўқ қизил ранг, қора қалқон устида найза-драматургининг исм-шарифли тамгасида акс этади.

«ЖАКОМО ЖОЙС»

Ҳажмига кўра ихчам, матнининг ғалати жойлашиши Малларменинг шеърӣ машқларини эслатадиган бу асар нима ҳақда?

Унинг яратилиш тарихи қуйидагича. 1912-1916 йиллари Жойс Триест шаҳрида яшайди. «Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили» романини ёзиб тугатади, «Кувгиндилар» пьесаси устида ишлайди, «Улисс» ҳақида бош қотиради, тирикчилик ваъжидан англиз тилидан дарс бериб юради ва фавқуллодда ўзининг ўқувчиси, италиялик ёшгина яҳудий қиз Амалия Попперни севиб қолади. «Жакомо» саҳифаларида Жойс кечирган аламли туйғу, ёшлик фасли ўтиб кетганини тўсатдан пайқаб қолган адиб қалбини тўлқинлантирган ҳис-ҳаяжонлар жонланиб туради.

Афтидан, бу асарнинг мазмуни, агар умуман анъанавий поэтика тушунчаси қайсидир маънода ушбу матнга ҳам тааллуқли ҳисобланса, ундаги завқ-шавқ, ҳис-туйғу, дахлдорлик, ҳаракат, хуллас, барчаси шоир каломига уйғун:

Бебошлиқлар, гуноҳлар ҳақда,

Қочишлар, қувишлар,

Ҳаяжондан эсанкирашлар

Турткилар, суюшлар...

Ушбу наср сағир қолган лаҳзалар ҳақида, маконидан адашган вақт ҳақида, ёшлик билан видолашув изтиробини азоб билан эришилган етуқлик ҳақида...

«Жакомо»нинг аввали ва охири йўқ: бу саҳифаларнинг қайси жанрга тааллуқли эканини аниқлаш мушқил. Тўғрисиям, нима бу ўзи-ён дафтарми, кундаликми, эссеми, этюдми, новеллами? Жойс асарни матубот учун ёзмагани буни аниқламасликка сабаб бўлолмайди. Матннинг сиқиклиги, охирига етказилмаганида маъно бор. Унда ўша йиллар ғарб насрига нотаниш, новаторлик хусусиятлари равшан кўринади.

«Жакомо» муқаррар равишда бизни «Улисс»га яқинлаштиради. Ушбу ўн олти саҳифада янги поэтика тажриба қилиб кўрилган ва шу тажриба кўмагида инсон ҳаётининг маҳобатли достони, руҳ ва вужуд, тарих ва хусусий ҳаёт эпоси ҳеч қандай эътиборга молик бўлмаган ёзнинг бир куни - 1904 йил 16 июн,

жаҳон адабиёти тарихидаги энг узун, абадиятга қадар чўзилган бир кун сарҳадларига жойланган.

Реал, аини дақиқада кечаётган, Жойс «ҳозир ва шу ерда» деб атаган ҳаётнинг - бу ёшгина ўқувчи қизга муҳаббат бўладими ёки дублинлик реклама вакили Леополд Блумнинг кечмишими-абадиятга боғланиб, қахрамонларнинг асотирларга сингиб, қўшилиб кетиши онгда рўй беради. Олам онгда тўнкарилган алпозда акс этади, онг, ўз қонун-қоидаларига кўра, оламни акс эттиради ва аини пайтда уни бино қилади.

«Жакомо»нинг биринчи лавҳаси - таассурот, бу таассурот аввал кўринади, сўнгра эшитилади. Қахрамон ҳали образни англаб улгурмаган, шу боис у сўзлар туманига чулганган. Китобхон, мумтоз наср намуналаридаги каби, қахрамоннинг ички монологига эмас, балки «онг оқими»га дуч келади. Нозик, инжик, туйқусдан пайдо бўладиган ва шу зайл фавқуллода кўздан йўқоладиган ўзаро боғлиқ, алоқадор, бири иккинчисини пайдо қиладиган тасавурлар - ассотсиатсиялар ўзгача, яъни реал ва ғайритабиий оламни юзага келтиради. Париж тонги, видо, айрилиқ тонги, муҳаббатга хиёнат қилинган тонг қутилмаганда бошқа - Яҳудия тонгига, Исога хиёнат қилинган изғиринли ва буриқсиган машъалалар ёпирилган жой, адоват кўзларни кўр қилиб қўйган макон тонгига айланади. Афсона мангу қайталиш, узликсизлик ғояси билан (Амалия - Дантенинг Беатричеси, Беатриче Ченчи ҳам, бобиллик фоҳиша ҳам, Шекспир сонетларидаги бугдойранг жонон ҳам, мангу аёллик тимсоли ҳам у) бу пароканда, бесаранжом онг мантиқсизлигига мазмун киритади.

Ёки ҳозиргина гўзал бўлиб кўринган образ онг остидан туйқус отилиб чиққан яширин таъсирлар, амалга ошмай қолган майл-истаклар оқибатида кўз ўнгимизда эврилиб, ўзгариб ваҳимали гротескка айланади.

Ушбу наср поэтикасида ҳамма нарса муҳим. Ранглар, ранглар сираси: олтинтус-илик, сўлим-яшил, кўкимтир-бинафшаранг-оқ, қорамтир-кўнғир, хира-зангори - бари туйғулар; завк, майл, рашк, эҳтирос, бегоналашув, севиш - ўзгарувчанликни беради. «Жакомо» олами «хидлар симфонияси» билан ҳам, ҳис-ҳаяжонлар (тонги совук, бармоқларнинг тегиб кетиши...) билан ҳам, товушлар (кулги, кўз ёшлар, пошналарнинг тактуки, ҳирс нафаси), нур-соя ўйини (нур - севи, зулмат - алам) билан ҳам тўла. Ҳатто лавҳаларнинг саҳифаларда ғалати жойлашганида - гоҳ бири биридан хийла узоқдалиги, гоҳ аксинча жипслашиб келишида қалб ҳаёти акс этган. Асар охирлаган сайин ораликдаги пауза қисқаради: наср, онгда ортиб бораётган образларни акс эттириб қолишга, «ошиқади».

Жойс ўзининг асарларида бир неча бор шахсий ҳаёти тажрибаларини гавдалантирган, қахрамонларини, мисол учун, «Мусавирнинг ёшликдаги шамойили» романидаги ва «Улисс»даги Стивен Дедалус образини яратишда ўздан «нусха кўчирган». Бироқ ўзлигига қайта туриб Жойс ўздан узоқлашади, кинояга йўғрилган муайян фарк-масофани саклаб образ яратади. Муаллифнинг

ўз-ўзига кинояси туфайли «Жакомо» насрида кўшимча меъёр юзага келади. Хусусан, киноявий талқин сарлавҳадаёқ кўринади. «Жакомо» инглизча Жеймс исмининг италянча муқобилигина эмас. «Жакомо» бу машҳур Казанованинг исми ҳам. Бошқача айтганда, ошиқ Жойс ўзининг севи тарихини ҳеч бир хаспўшлаб ўтирмай, очиқ-яланғоч айтиб беради, бироқ аини пайтда ўзини Жакомо деб атаб, билинтирмай четга олади ва бу билан рўй бераётган воқеаларга бироз ҳажвий тус беради.

Кулгу унинг ижодий камолотига хос буюк одат, дунёқарашидеги зиддиятларни бартараф этиш усули, буюк омили эди. Кулгида, табиатнинг ўзида юз берганидай, олам мангу яшаради. Амалияни севиш тарихи, эҳтирослар тарихи, қалб гулғулалари тарихи, оила кучоғига қайтиш, кўрган ва кечирганлар киноявий тарзда берилади («Жакомо»нинг охири адабсизроқ-ҳазил ибора билан яқунланиши ҳам бежиз эмас. "Далил: Мени севар бўлсанг, шамсиямни сев"). Бу «Улисс» учун ижодий манба («Шуни ёз-да ахир, ёз, жин урсин сени»), қисқача эйтироф этилган бадиий хулоса вазифасини ўтайди.

Ҳар қандай китобхон ҳам «Жакомо» насрини қабул қилавермайди. Шубҳасиз, шундай ўқувчилар ҳам бўладики, улар «Жакомо»нинг вақти, услуби, оҳангидаги ўзгарувчанликдан чалкашиб, зардаси қайнаб: «Алжираш-ку!» дея қўл силташи мумкин. Тўғри. Бу - қийин санъат.

«Дублинликлар» китоби баҳонасида айтилгани каби, бу ўринда ҳам яна Максим Горькийнинг гапи ёдга тушади. У Чеховнинг «Кучукча етаклаган хоним» ҳикоясидаги насрдан (янги насрдан) ҳайратланиб, шундай ёзганди: «Нима қилаётганингизни биласизми? Реализмни ўлдираяпсиз... Сиздан кейин ҳеч ким юролмайди бу йўлдан, энди ҳеч ким оддий нарсалар ҳақда бу қадар оддий ёзолмайди».

Жойс сўзнинг юксак нуқтасини топиш йўлида, жумланинг энг теран маъно даражасига эришиш йўлида олдинга қадам ташлади. Унинг изланишлари ғаройиб топилдиклар билан яқунланди: Жойс ҳақиқий сўз афсунгари эди, сўзни ўзи хоҳлаган куйга сола биларди. Бироқ унинг кашфиётлари ижодий инқирозлардан холи бўлмади: ижод йўлининг интиҳосида «Финнеганнинг маъракалари»дай маҳобатли сўз иншооти қаққайиб қад ростлади - бу ғаройиб янгича қоришиқ жанрдаги асар, сўз ва мусиқанинг омукталиги, ёзувчининг «муайян шаклга солинган телбалиги» эдики, ушбу асар матнини ўзлаштираман деган киши бу машғулотга бутун умрини сарф этиши лозим бўлади.

Келинг, энди Жойснинг ўздан эштайлик. У «Финнеганнинг маъракалари» («менинг маъракаларим»), деб қайғули киноя қилганди Жойс) устида ишлаётиб, қутилмаганда бирор-бир, «Жакомо»га ўхшаган, самимий ва нафис асар ёзишга хоҳиш сезаётганини айтади. Дарҳақиқат, ҳар қандай ижодий изланишда, ҳатто Жойсникидай қуюшқондан чиққан тажрибаларда ҳам, меъёр бўлмоғи лозим...

Е. ГЕНИЕВА

Олим ТОШБОЕВ



ШАРҚ ВА ҒАРБ АҚЛИДАГИ ОРЗУ

Жамиятшунослик илмида «шахс» ва «жамият» истилоҳлари кўп ҳолларда сиёсий ибора сифатида ишлатилади ва шундоқ талқин этилади. Холбуки, тил бойлигимиздаги бирон бир сўз сиёсий тусда пайдо бўлмаган ва шаклланмаган. Фақат биз уни ишлатишда ўз кутбимизга мослаб оламиз. Шахснинг сиёсийлашуви ҳақида кўп гапирилади, аммо бу қай йўсинда амалга ошади - муаммо. Бирок бу ўринда ойдинлаштириб олишимиз зарур бўлган муҳим бир жиҳат бор - Шахс ким?

Шахс ҳақида айтилган ва ёзилган фикрлар такроридан чекиниб, шахслик моҳияти ҳақида ўз фикрларимизни икки асар хусусидаги қиёсий таҳлилларимиз билан айтиб ўтмоқчимиз. Улар Абу Наср Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри» ҳамда Оврупо Уйғонишининг етук файласуфларидан Никколо Макиавеллининг «Хукмдор» асаридир.

Шарқ фалсафаси ҳамиша инсон руҳиятини, унинг мавжудлигини ўрганиб келгани аён ҳақиқат. Инсоний туйғулар татқиқи билан оламни англаш ва шу баробарида, ўзни таниш ғояси хоҳ исломий руҳда бўлсин, хоҳ суфиёна бўлсин - моҳиятдан яқдил тарзда тараннум этилган. Буларни туташтириб тургувчи ягона ришта эса ахлоқий қадриятлар бўлган. Инсон илоҳий эзуликларга етишни орзу қилса, унинг ҳаёти ҳам гўзал бўлади, деган афлотунча қараш бизнинг халқона мафкурамизга сингиб кетгани аён. «Тангри гўзалдир, гўзалликни ёқтиради» мазмунидаги ҳадису шариф ҳам бизнинг ахлоқий қадриятларимиз руҳига уйғун.

Фаробий фозил одамлар шаҳри ҳақида фикр юритар экан, ўзидаги мавжуд барча ижобий хусусиятларни бир тирик жон сиймосида кўришни орзу қилади ва жамиятни моддиян кўришни истади. Чунки Фаробий белгилаган «айирбошловчилар шаҳри», «разолат ва бадбахтлик шаҳри», «обрупарастлар шаҳри», «амалпарастлар шаҳри», «шаҳватпарастлар шаҳри», «беномуслар

шаҳри», «адашган шаҳарлар» ҳамиша ва ҳар вақт мавжуд бўлган. Инсоннинг комилликка, баркамолликка эришувида монелик қилувчи бу каби шаҳарлар хур ғоялар, идеалларга тамомила зиддир. Фаробий фозил шаҳарларнинг зидди бўлган разолат ва бадбахтлик шаҳрини таърифлаб: «Бундай шаҳар аҳолиси фақат ейиш, ичишда, жинсий алоқада хузур-ҳаловатга эришишга, ҳиссий лаззатлар, ишрат, кайф-сафонинг барча турларига интиладилар», - дейди.

Абу Наср Фаробий қарашлари ўрта асрчилик характери билан зоҳиран уйғун бўлса-да, ботинан ўлмас ғояларга йўғрилган мангу ҳақиқатдир. Асар фозил шаҳар ҳақида баҳс юритса ҳам унда Комил Инсон тушунчаси етакчилик қилади. Инсоннинг биологик мавжудот эканлиги, унда табиий эҳтиёжлар бўлганлиги ва инсон турмуш тарзининг ана шу биологик эҳтиёжлар ортидан шаклланиши фалсафий асосда тадқиқ қилинган. Инсоннинг табиатидаги нафсоний ва руҳоний олам бири-бири билан ҳамиша рақобатда бўлиб келган. Бу икки олам мезонлари ўзаро мутаносиб бўлмаса-да, аммо улар бир-бирини тўла инкор ҳам қилмайди. Шу ўринда англашиладики, одамнинг нафсонияти Фаробий таъкидлаган айирбошловчилар шаҳри фуқароларнинг турмуш кечиршига уйғундир. Бу ўринда Фаробий ҳар бир унсурни майдалаб баён қилиб ўтирмайди, уларнинг умумий қонуниятлари, манзаралари ҳақида фикр юритади.

Инсоннинг табиатдаги нафсонийлиги унинг фақатгина мол-дунёга бўлган муносабати билан белгиланмайди. Нафс - дунё дегани эмас. Бизнинг, нафс - инсоннинг қонида югуриб, уни руҳоният мезонларидан бир қадар йироклаштиради ва охир оқибатда моддиятни биринчи асос қилиб кўрсатади, инчунин: «Моддий ва руҳий неъматларнинг ҳаммаси биргаликда уйғунлашган чоғдагина ҳақиқий бахт - саодатга эришиш мумкин» - дейди.

Мутафаккир бу фикрнинг тасдиғи сифатида фозиллар шахри саодатлари ҳақида ҳикоя қилади.

«Фозил одамлар шахри» асари Фаробийнинг разолатга ботган инсониятни бокира, ҳур кўриш ғояси билан суғорилган ўзига хос мафкура эди. Форобий тасавуридаги шахар қайси бир жиҳатлари билан «Куръон»да тасвири берилган жаннатга ўхшайди. Ислом таълимотидаги жаннат ғояси ҳам аслида гуноҳу савобнинг фарқига бормай, тубанлик томон шитоб билан кетаётган инсониятни озод ва эркин кўриш эди-ку! Форобийнинг «ягона абадий бошлиқнинг ягона руҳини мужассам этиш» фикри юқоридаги ғоянинг синоними эмас-ми?!

Хўш, фозил одамлар шахри фуқаролари бахт-саодатга интилар экан улар каби тўкинликка қандай қилиб етишишлари мумкин, деган савол пайдо бўлади. Форобий бу саволнинг ечими сифатида, фозил одамлар шахри фуқаролари албатта бахтиёр бўладилар, фақатгина уларга фозил ҳоким керак, дейди ва бу фозил ҳоким, яъни ҳукмдорнинг қиёфасини мана шундай тасвирлайди: Унга кўра фозил шахар ҳокими ўн икки ҳислатга эга бўлиши лозим, акс ҳолда у фозил деган номга лойиқ эмас. Форобий таъкидлаган фозил шахар ҳокими ўзлаштириш шарт бўлган ўн икки ҳислат қуйидагилардир: биринчидан, соғлом; иккинчидан, табиатан нозик ва фаросатли; учинчидан, кучли хотира соҳиби; тўртинчидан, зукко; бешинчидан, фикрини равшан тушунтира олишлиги, олтинчидан, маърифатга ҳавасманд; еттинчидан, ўз нафси ва ҳирсини тия билишлиги; саккизинчидан, ҳақ ва ҳақиқатни севишлиги, тўққизинчидан, туғма олийҳиммат; ўнинчидан, мол-дунёга беписанд; ўн биринчидан, табиатан адолатпарвар; ўн иккинчидан, журъатли ва жасур бўлишлиги уқтирилади ва зарурий шарт сифатида баён этилади. Бинобарин, мана шу ўн икки жозиб хусусиятлар соҳиби бўлган одам, яъни фозил шахар ҳокими ўзи мансуб жамиятни ва фуқароларни бахтли қила олади, дейди файласуф. Бироқ Форобий шу ўринда бошқа бир нарсани ҳам назардан қочирмайдик, айнан мана шу жумла масаланинг моҳиятини очишда жуда муҳимдир. «Мана бу барча ҳислатларнинг бир одамда жамланиши амри маҳол, зеро бундай туғма фазилатлар соҳиби бўлган одамлар жуда кам учрайди ва улар нодир инсонлардир». Шу биргина жумладан кўриниб турибдики, фозил одамлар шахри ва фозил ҳукмдор ҳақидаги ўй-хаёллар ўрта аср Шарқ фалсафасининг ўзак-мағзини ташкил қилган.

Форобий «Фозил одамлар шахри» асари билан инсониятнинг истиқболи ҳақида ҳукм қилмайди. Мутафаккир ўз идеалларини баён

қилиш баробарида жамиятни қандай қилиб тузатиш мумкин деган муаммони ўрганайди, холос. Асар моҳияти фақат шу билан чегараланмайди. Ундаги фозил ҳукмдор ғояси ҳам шунчаки бир орзу, идеал гап эмас. Уни тирик бир одам, комил бир инсон деб тасаввур қилсак, Шарқ фалсафасидаги Комил Инсон ғоясининг моҳиятан нечоғлик улуғворлигини кўрамиз. Форобий Комил Инсонни фозил ҳукмдор қиёфасида кўради ва шундай тасаввур қилади. Яъни: «Ҳар бир шахс бахт-саодатга элтувчи фаолият билан қанча узоқроқ ва аввагидан янада яхшироқ шуғулланаверса унинг кўнгли руҳий ҳолати ҳам шунга мувофиқ комилроқ, фозилроқ бўлиб боради», деган ўғити фикримизга далилдир.

Комил Инсон руҳиятининг таҳлили асар моҳиятини белгилаб берган. Эътироф этганимиздек, фозил шахар фуқароси барча ҳислатлари билан бахтиёр, эркин экан, демак унинг руҳи ҳам шунчалик озод бўлади ва у моддият билан кўпам боғлиқ эмас. Форобий таълимоти билан чуқур таниш бўлган ҳазрат Навоий ҳам ўзининг «Садди Искандарий» дostonида фозил ҳукмдорга қарата шундай деб хитоб қилади:

*Сипаҳ хотирин лутф ила шод қил,
Раиятни адл айлаб обод қил.*

Ушбу байт ботинида яширинган маъно Форобийнинг фозил одам қиёфасидаги Комил Инсон ғоясига ҳамоҳангдир. «Садди Искардарий»даги абадий ҳукмдор ғояси Форобий баён этган абадий ҳукмдор руҳи билан чамбарчас боғлиқ.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: Фозил ҳукмдор ҳақидаги таълимот фақат Шарққа хосми?

Буни ойдинлаштириш мақсадида машҳур италян гуманисти Никколо Макиавеллининг «Ҳукмдор» асарига мурожаат қиламиз. Абу Наср Форобийдан тўрт аср кейин яшаб ўтган бу Овруполик файласуф машҳур «Ҳукмдор» асарида ҳукмдор шахси, давлат ва давлат турлари, давлатни бошқариш йўллари ва шу каби масалалар хусусида фикр юритади. Асар панднома - насиҳат тарзида ёзилган. Фикримиз аввалида айтиб ўтиш лозимки, бу асар то ҳозирги кунгача Оврупо давлат бошлиқларининг давлат бошқарувида ўзига хос вазифани ўтаб келмоқда.

Макиавелли асар муқаддимасида ҳукмдорнинг ҳислатлари ҳақида фикр юритади ва ҳукмдорни халққа, халқни ҳукмдорга мансубликда ўрганайди. У давлат турлари, мамлакатни бошқариш усуллари, ҳукмдорнинг маслаҳатчилари, қўшин ва шу билан боғлиқ барча масалалар устида тўхталди ва ҳар бирини алоҳида мавзу қилиб тадқиқ этади.

«Ҳукмдор» Оврупо Уйғониш даврининг

эхтиёжлари ўлароқ ёзилган ва бунинг бир қанча сабаблари бор. Оврупо Уйғониши худди Шарқ Уйғониши каби ўша давр жамият ҳаётини тубдан ўзгартирди. Илм-фан, айниқса гуманитар фанлар, жумладан фалсафа фани тараққий қилди. Давлат бошқарувининг якка шахс қўлида тўпланиши ва меросхўрлик умумий бир тушунчага айланди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, «Хукмдор» - ўз даврининг муаммоларини ўрганиш билан бир қаторда, моҳиятан ҳамма замонларда ўзгармас бўлиб қоладиган давлат концепциясини алоҳида-алоҳида хусусиятлари билан кўрсатиб берди.

Форобий «Фозил одамлар шахри»да тасаввур қилган фозил хукмдор Макиавелли эндигина тахтга ўтирган хукмдорга қарата шахсларни вазият пайдо этади, дейди ва Мусони, Римнинг асосчиси бўлган Ромулни, форс подшоси Кирни мисол тариқасида келтиради. «Хукмдор» - том маънода хукмдор шахснинг эркинлиги-ю мажбуриятларини ифодаловчи фалсафий-ахлоқий асар. Унда хукмдорлик мартабасига кўтарилган одамнинг наслий, миллий, замонавий шарт-шароитлари, ҳамда вазият тақозоси баён этилади. Улардан келиб чиқадиған ахлоқий хулосалар биз учун икки жиҳатдан муҳим:

Биринчидан, асар мутолаасидан чиққан ўқувчи бугун истеъмолда урф бўлаётган шахс «феномен»и билан танишади.

Иккинчидан, хукмдор ким, деган савол ўзининг умумий манзараси билан намоён бўлади.

Макиавелли ўз хулосалари билан хукмдор шахсига чизгилар берар экан, бу ўринда уни майдонга олиб чиққан вазият ва ижтимоий сиёсий омилларни тадрижийликда ўрганати ва ҳар бирини муҳим деб ҳисоблайди. Унингча, ҳар бир давлат, шахар ўз қонун ва эркинликлари билан мавжуд. Давлат тепасига келган янги бошлиқ эса бу эркинлик ва қонунларни мутлақо билиши зарур, акс ҳолда уларни идора этиш анча мушкулликларни келтириб чиқаради. Асарнинг 18-боби бевосита хукмдорнинг сўзда собитлиги хусусида боради. «Билиш керакки, - дейди муаллиф, - ғаним билан курашмоқнинг икки йўли бор: биринчидан, қонунлар билан, иккинчидан куч билан. Биринчи восита инсонга хос, иккинчиси ҳайвоний».

Биргина мана шу парчадан англашиладики, Макиавелли хукмдор шахсидаги мавжуд инсонийлик ва ҳайвонийликнинг йўлдош бўлишлигини, мудом бирга ёнма-ён келишини таъкидлапти. Шу ўринда Афлотуннинг «Чинакам қонун ўрнатувчи ягона қонун қабул қилаётганида унинг мамлакатадаги барча табақалар ва авлодларга, барча вилоятларнинг

аҳолисига бахт-саодат, шод-хуррамлик келтиришини ҳисобга олади», деган ўғитини келтириш ўринлидир. Чунки Макиавелли ҳам шахзодага насихат қила туриб: «Хукмдор ҳамisha истеъдод ҳомийси эканлигини кўрсатиб турмоғи, хунаромандчилик ва санъат соҳибларига алоҳида ҳурмат кўрсатмоғи керак», дейди. Ва Хукмдор учун энг муҳими деб давом этади донишманд, ҳар битта хатти-ҳаракати билан у ўзига буюк инсонга хос шухратни ақл билан яратмоғи керак.

Макиавеллининг бу панд-насихати Улуғ бобомиз Абу Наср Форобийнинг ҳоким аввалги имомлар ўрнатган қонунларга, шунингдек, аввалгилардан ибрат олиб, ўзи тўқиб чиқарган қонунларга халқ амал қилиши учун қизгин сўзлаш - нотиклик хислатига эга бўлиши керак, деган кўрсатмасини ёдга солади. «Хукмдор»нинг 22-боби давлат бошлигининг маслаҳатчиларига бағишлаганки, бобнинг «Хукмдорнинг маслаҳатчилари ҳақида» деб қўйилишининг ўзиёқ хос маъни англатади. «Хукмдор учун маслаҳатчилар танлаш аҳамиятсиз нарса эмас. Маслаҳатчиларнинг яхши ёки ёмон чиқишлиги бевосита хукмдорнинг ақлий салоҳиятига боғлиқ», деб хукм чиқаради Макиавелли. - «Уларни билишнинг бир бехато йўли бор. Агарки ёрдамчи хукмдордан кўра ўз манфаатини кўпроқ қайғурса у садоқатли эмас».

Николло Макиавеллининг «Хукмдор» асари ўз моҳияти ва мавзусига кўра ҳамма даврлар учун долзарбдир. Чунки унда баён этилган фикрлар бизнинг кунлар учун ҳам аҳамиятли. Асар ахлоқий хулосалар бериш билан бирга ҳар бир бобда маълум бир маънавий - руҳий сабоқ ҳам англашилади. «Кўролмаслик ва нафратланишдан қочиш баёнида», «Хукмдорнинг ҳарбий ишга киришмоғи баёнида», «Олийҳимматлик ва тежамкорлик баёнида» ва ҳоказо бобларда Макиавелли ўз замонаси ҳақиқатларидан келиб чиқиб давлат ва шахс манфаатларини илмий асосда баён қилади. Шахснинг моҳияти, давлатчилик асослари ва бошқарув маҳорати, халқ ва хукмдор муносабатлари, шохлик фалсафаси асарнинг мазмунини ташкил қилади. Асар гарчи конкрет шахс учун ёзилган насихатнома бўлса-да, биз ундан бугунги кун масалаларига ҳамоҳанг жавобларни топишимиз мумкин.

Шу маънода, «Хукмдор» ҳам илмий манба сифатида, ҳам катта ҳаёт тажрибасининг хулосалари сифатида қадрланишга молик. Биргина бу эмас, кези келганда айтиш керакки, асар таржимаси ҳам йўлга қўйилса, кенг ўқувчилар оммасига тортиқ этилса фойдадан холи бўлмас эди.



Али ЖАМОЛ

"АДАБИЁТ ЯШАСА, МИЛЛАТ ЯШАР"

(Чултон)



Юксак маънавиятсиз тираққийет йўқ. Маънавиятни шакллантирувчи асосий омиллардан бири эса, шубҳасиз, адабиёт. Инчунун, адабиётга эътибор миллатга эътибордир.

Биз мозийда улуг аждодларимизнинг илм-фан, адабиёт-санъатга ҳомийлик қилганликлари хусусида кўп ва ҳўб эшитганмиз, ўқиганмиз. Хусусан, бундоқ саховатпешалик оқибати ўлароқ халқимиз бебаҳо илмий кашфиётларга, буюк адабиёт ва санъат асарларига эга бўлганидан-да воқифмиз.

Яратганга минг қатла шукрки, миллатимизга ҳос бўлган бундай эзгу фаолият, ҳар қандай иқтисодий мушкулликларга қарамасдан, ҳали-ҳамон турфа кўришилларда яшаб келмоқда.

Ўзбек телевизион миниатюралар театрининг асосчиларидан бири бўлмиш Али ЖАМОЛ ҳақида эшитмаган, у кишининг ичакузди ҳангомаларини, «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи»даги чуқур маъноли, ибратли воқеалар тафсилотини мириқиб томоша қилмаган юртдошимиз бўлмаса керак.

Али Жамолнинг оқибатли фарзандлари ўз падари бузрукворлари номида адабий мукофот ташиқил этиб, ҳар икки йилда бир марта ўзбек адабиётида ҳодиса бўлган энг яхши асарларни тақдирлай бошлагани тўғрисида журналимиз саҳифаларида ёзгандик. Яқинда «Али Жамол» мукофоти асарлари ушбу мукофотга лойиқ деб топилган ёзувчиларимизга иккинчи бор тақдим этилди.

Биз ўз саҳифамизда «фалон асар биринчи ўринни олди, буниси иккинчи» деб санаб ўтиши фикридан фироқмиз. Илло, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси таъсис этган махсус ҳайъат кейинги икки йилда яратилган энг сара асарларни танлаб олгани шубҳасиз. Демак, муайян бир асаргина эмас, балки бутун ўзбек адабиёти ютди. Бизнинг назаримизда, «Али Жамол» мукофоти танловининг энг асосий якуни шу.

Адабиётимиз учун қувончли бўлган ушбу кунда биз яна бир бор марҳум Али Жамол домлани хотирлаб, у кишининг ҳеч қачон эскирмайдиган асарларидан айрим намуналарни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

ТАХРИРИЯТ

Суратда: Али ЖАМОЛ (ўнгдан иккинчи)
ҳамкасблари даврасида

МИНИАТЮРАЛАР

"ХОТАМТОЙ"

Сариштахон ичкари уйдан чиқиб, девордаги соатга қаради.

Сариштахон - Соат бешдан ўтибди, нима таом қилсам экан?... (ўйлаб турган эди, эшикдан Бердижон кириб келди).

Бердижон - Саранжому сариштам, уйимдаги фариштам, нимани ўйлаптилар?

Сариштахон - Саранжом бўлсам ёмонми, ҳозир бир эмас, иккита «ВОЛГА» машина сотиб олсак қурбимиз етади. Саранжом деб кесатасиз.

Бердижон - Нега кесатай, мен сендан хурсандман, Сариштахоним. Сени ҳамма феълнинг худди ўзим... Ўзимсан. (Диванга ўтиришади).

Сариштахон - Нима овқат қиламиз?

Бердижон - Чучвара тузук-ку, лекин...

Сариштахон - Э, чучвара совуқлик.

Бердижон - Яхшиси ковок ковуриб қўя қол. Ковок яхши, юмшоққина.

Сариштахон - Сапча ковок жуда ҳам ширин бўлади.

Бердижон - Уригидан олиб қўй, бу йил факат ўшандан экамиз.

Сариштахон - Оқ ёғга ковурамыз.

Бердижон - Ёғ солмай ковуравер! Ёғ солсанг, ковокнинг таъми бузилади.

Сариштахон - Мени саранжом, дейсизу, ўзингиз мендан ўн чандон ўтасиз (кулишади).

Бердижон - Кизиксан, томокдан ўтса, томок-да.

Сариштахон - Маош олдингизми?

Бердижон - Олдим. Гузарда янги тутилган балиқ сотаётган экан, ҳавасим келиб биттасини тарозига қўйдирган эдим, 4 кило-ю, 700 грамм келди. Қарасам, пул 100 талик, майдалагим келмади-да, балиқни қайтариб бердим.

Сариштахон - (қошини чимириб) Агар олиб келганингизда, борми, изингизга зирқиратар эдим-да!

Бердижон - Ҳа, мен анойимани, биласанку, сувни чайнаб ичаман. Дарров, бир нимага пулни бемаслахат сарфларимдим. (Пулни хотинига бера туриб) Битта лоторея олдим.

Сариштахон - Вой, вой, лоторея, бир сўмни куйдириб-а?

Бердижон - Лоторея яхши нарса экан, мен билан бирга ишлайдиган Толибхўжага чўгдек гилам чиқибди. Ажаб эмас, бизга ҳам ўшанака гилам чикса, катта уйимизнинг полига солиб қўямиз.

Сариштахон - Миянгизни едингизми, янги гиламни полга соларканми, деворга қоқиб қўямиз.

Бердижон - Деворда гилам бор-ку?

Сариштахон - Устидан қоқиб қўяверди, ҳеч нарса қилмайди.

Бердижон - Майли деворга қоқамиз-да, устидан марли ўраб қўямиз, худди янги келин юзига нейлон парда тутгандай бўлади.

Сариштахон - Чикмай қолса-я?!

Бердижон - Ниятингни тузат, Сариштахоним! Дилим сезиб турибди, гилам бўлмаса, янги «Москвич» машинаси чиқади.

Сариштахон - «Москвич»? Айниқса янги нухаси бирам чиройли ишланибдики...

Бердижон - Ҳа, жуда чиройли ишланган. Гаражни уйнинг орқасига қурамыз.

С а р и ш т а х о н - Вой, пул чиким қилиб-а? Дадамнинг гаражлари бўм-бўш, ўша ерга элтиб қўямиз.

Б е р д и ж о н - Бу ер бўлмайти, укаларинг шўх. Айниқса аканнинг ўғли, ерга урса, осмонга сапчийди. Машинага бўр чизиб сирини кўчириб, расвосини чиқаради.

С а р и ш т а х о н - Тўғри, акамнинг ўғли шўх... Бундоқ қилсак, эшикни кенгайтириб, дарвоза курсак ва гараж ўша ерда бўлса.

Б е р д и ж о н - Ҳа, бу маъкул гап. Машина бағримизда бўлади, вақти-бевақт лип этиб миниб кетавераман.

С а р и ш т а х о н - Мини кетавераман, унар-унмасга машина миниб, олти кунда шалоғини чиқарасизми, минмайсиз! *(Бердиджоннинг онаси киради, улар можаро билан бўлиб сезмайдилар).*

Б е р д и ж о н - Нега минмас эканман?!

С а р и ш т а х о н - Минмайсиз, дедим, минмайсиз. Сиз ўт-бўтга уриб олинг-а, машинанинг пачоғи чиқсин.

Б е р д и ж о н - Мен жинни бўлибманми, машинанинг пачоғини чиқариб, артиб-суртиб миниб юраман.

С а р и ш т а х о н - Йўқ, машина эскиб қолади. Яраклаб тургани қандай яхши. *(Қайнонасига кўзи тушиб)* - Вой, ойм келибдилар, келинг ойм, келинг!

Б е р д и ж о н - Э, келинг кампир, келинг! *(кўришади).*

О н а - Машина муборак бўлсин, ўғлим! Машина олишга пулинг бор, аммо онамнинг аҳволи қанақа, синглим ўкувчи, демайсан.

Б е р д и ж о н - Ана, холос. *(Хотинига қараб)* Емаган сомсага санамаган пул, деб шуни айтишса керак.

С а р и ш т а х о н - Машина қаерда дейсиз, ойм!

О н а - Ўз оғзингиз билан айтиб турувдингизку, болам. Нега менад яширасизлар? Сизлар машиналик бўлсангизлар мен хурсанд бўлмайманми?

Б е р д и ж о н - Машина бўлса, севинасиз-да, кампир. Лотореяга машина чиқиб қолса, деб гаплашяпмиз.

С а р и ш т а х о н - Шунақа, ойижон. Ҳали чиқмаган машинага ўғлингиз гараж қураётган эдилар.

О н а - Гапингизга туз солинг, болам. Мен ёш бола эмасман. Зикналингиз маълум эди-ку, лекин ёлғончи ҳам экансиз..

Б е р д и ж о н - Ана галва...

О н а - Бир-икки марта уйингга келиб, галва қилибманми?

Б е р д и ж о н - Нега рост гапга ишонмайсиз. Одамни ёлғончи қиласиз!

О н а - Машинанг ўзингга буюрсин, лекин менга қўлингни пахса қилиб гапирма, ўғлим. Мен сенинг онангман. Кечалари ухламай, оқ сут бериб бокқанман.

Б е р д и ж о н - Оқ сут, оқ сут, ҳеч бу оқ сутдан қутуламанми, ойм?

О н а - Қутулмайсан!

Б е р д и ж о н - Қанча оқ сут эмизгансиз, хўш, бир ҳисоблаб қўяйлик? Ўн литр эмгандирман, ўн беш литр эмгандирман, борингки, 20 литр бўлсин. Магазиннинг сутидан 30 литр олиб берсам, қутиламанми, ойм?

О н а - Қутилмайсан!

С а р и ш т а х о н - Вой, вой, оғзингизга қараб гапирсангизчи, ойм сутни нима қиладилар, оз эмас, 30 литр-а. Сут берган бўлсалар, сиз болаларисиз. Ҳе, оғзингиздан гулламай ўлинг.

Б е р д и ж о н - Кўрмайсизми, жаҳлимни чиқариб юбордилар.

С а р и ш т а х о н - Эй, жаҳлингиз курсин, 30 литр-а? Ойм сутни нима қиладилар ачитиб.

О н а - *(ҳесатиб)* Келин рост айтади, сут обертанг ачиб қолади. Ўша 30 литр сутнинг пулини бериб қўя қол!

С а р и ш т а х о н - Вой, ойм, ўғлингизда пул нима қилади, оғизларидан чиқиб кетди-да. Агар пулингиз бўлса, ўғлингизга қарашиб туринг!

Б е р д и ж о н - Ойм, жаҳл тугганда, ақл кетаркан. Беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди. *(Онасини қучоқлаб).* Акангни ойиси, айтганим айтмаганим бўлсин, мени кечиринг. Келинингиз ипакдек қилиб қовоқ қовурмоқчи, бир пас ҳол-аҳвол сўраб, отамлашайлик.

О н а - Қовоғинг ўзингга сийлов. *(Кампир чиқа бошлайди).*

С а р и ш т а х о н - Курукдан-курук кетасизми, ойм?

О н а - Нега энди курук бўлар экан, эринг олиб берадиган 30 литр сутни ҳазм қилсам ҳам бўлаверарди. *(Кампир чиқиб кетади).*

С а р и ш т а х о н - Доим айтаман-ку, ойингиз келганларида тилингизни ширин қилинг, деб. Эҳ, хотамтойлигингиз курсин!

ГҲЛИЗАФАР

(Доктор қабулхонаси)

Д о к т о р - Кимни навбати, киринг.

(Хонага боласини етаклаб Ҳақим бригадир, ёнида 10 яшар ўғли киради. Боласининг кўзи боғланган)

Ҳ а қ и м - Ассалому алайкум доктор, ёрдамнингизга муҳтож бўлиб келдим. Мен «Ғалаба» колхозида бригадир бўлиб ишлайман. Ферма иши билан кирга чиқиб кетгандим. Кетаяпганда болани кўзи сағал қизариб турганди, келсам аҳвол шу.

(Доктор боланинг кўзини очади)

Д о к т о р - Тавба, болани кўзига говмичча чиққан экан нима қўйдинглар?

Ҳ а қ и м - Э, нимасини айтгай, омон бўлгур дадам ўзларича табибчилик қилиб юрадилар. Буни кўзига тухум суриб боғлабдилар, ундан кейин кепак қиздириб босибдилар.

А л и ш е р - Кейин, туршакни ивитиб сувига пахта ботириб кўзимга сурдилар, кейин кўзим ёпишиб қолди. Кўзим очилмаяпти-ку, деб йиғлагандим... картошка боғлаб қўйдилар.

Ҳ а қ и м - Бутун исирик қайнатиб шуни боғламоқчи бўлган эканлар, мен келиб қолдим.

Д о к т о р - Бай... бай... Бордию исирикни боғлаганларида борми кейин бир умр етаклаб юрардингиз. Хўп, сизку кирга кетган экансиз, онаси қаерда эди?

Ҳ а қ и м - Онаси ишда, ундан кейин отамиз бир нарса деганларидан кейин қайтаролмаган-да.

Д о к т о р - *(кнопкани босади, ҳамшира киради)* - Боланинг кўзини илик сув билан артиб, рентгенга олиб боринг. *(Ҳамшира болани етаклаб чиқиб кетади).*

Д о к т о р - Шундай қилиб, дадангиз табибчилик қилибдиларми?

Ҳ а қ и м - Нима дейишга хайронман... демай десам яна хайронман. Ўзларича дори-дармон ўтларини йиғиб юрадилар. Онамнинг оёқлари оғриб турарди... лекин шикоят қилмасдилар. Тунов кунни онамга ҳам дори қилиб берибдилар. Ҳозир ўриндан туролмай ётибдилар.

(Хонадаги телефон жиринглайди. Доктор трубкини олади)

Д о к т о р - Ало... Эшитаман... Ким... Аҳмедов... Ҳа, шу ерда. Марҳамат, бир аёл сизни сўраяптилар.

Ҳ а қ и м - Алло... Ҳа-ҳа... нима-нима... ие... бўпти ҳозир, доктор олиб бораман. *(Трубкини жойига қўяди)*

Д о к т о р - Нима гап?

Ҳ а қ и м - Келинингиз телефон қилпти. Дадам ўт дори излаб тоққа чиқиб кетгандилар. У ердан қандайдир қўқатларни келтириб, бир коса сувини олиб, мана буни ич, тузаласан, леган эканлар, онам ичмабдилар. - «Ҳа, нодон, шундай асл гулфазар дорини ичмайсанми, «Минг бир дардга давоку» деб ўзлари ичибдилар. Кўзлари олайиб ўзларини ташлаб юборибдилар.

Д о к т о р - Хўп.

(Тез ёрдам машинаси учиб боряпти. Уйга етиб келишади. Доктор Аҳмад аканинг бурнига нимадир ҳидлатади, касал ўзига келади.)

А х м а д - Яхшиям онанг ичмаган, кўтаролмасди. Ҳ а қ и м - Анави тоғдан келган бетоб одамга ҳам шундан берганмидингиз?

А х м а д - Ҳа, у қуруги эди. Ҳа, бечора кўтаролмабди. Дори ҳам ёққанга ёқади, болам. *(Докторга кўзи тушиб).* Ие, ие, келинг доктор, кимингиз касал?!

Мирзаумар Халилов

ОСМОН ЕРДАН БОШЛАНАДИ

Ҳикоя

Ўз руҳини буйсундирган киши
шаҳарларни заёт этган кишидан
ҳам кучлироқлар.

Эрнест Хемингуэй



Дунё - дилкаш соқий...
Ҳаёт - қуввати уткир май. Умр - сирли жом.
Ундан кимдир сархуш, биров хушёр. Ҳамма ўзи
билан.

Факат мен кўй оғзилан чўп олмаган бўз бола.
Атрофлагиларнинг муомилалари ҳам шунга қараб. Ул
зотлар учун ғам-ғуссаларинг, аччиқ дарлларинг,
руҳиятинг аҳамиятсиз. Эски касал - доқайллик устун
келади.

Бефарқлик - залолатнинг дояси.

Бошқа ташбех ортиқча.

Билишимча, инсоннинг яшашдан максали битта -
тўғри йўлда собитлик қилиш, ҳақ ишига содиқлик.

Тайинсизлик - мағлубият, умр жомини чил-чил
синдиришдек гап.

Ўқиганим бор, қайсидир мамлакатнинг хайвонот
боғидаги кекса занжирбанд фил юз йил давомида
қозик атрофила айланибди. Оқибатда занжир ейилиб,
узилибди. Шундан кейин ҳам фил маромини бузмасдан
узилган занжирни судраб қозик атрофила яна юз йил
айланганидек, ҳеч кимнинг шароратли умри залолат
кўчаларила бесамарликда кечмасин.

Одам-лар! Тавба-а! Ўзи уларга нима бўлган? Бари
бир-биридан уткирлигини курсатмоқчи бўлади-ю,
чеккада қузатиб турган яна бошқаси олдила
нодонлигини қош этаётганини ҳар вақт ҳам англамайди.
Лозим топса тулки, шер бўлади. Ишонган одамини-ла
синайди. Чиғирикка солади. Ишончи ҳам, ўзи ҳам
новоб деган хулоса гир айлана бошлайди. Бундайлар
истаган пайтда сени сарик чакага сотиб кетиши,
руҳий, жисмоний зарбага қўйиб бериши ҳеч гап эмас.
Ҳа, инсон нималарга қодир эмас? Қирликорлар рўйхати
узун. Бирок, вақт оқиб хакам. Худо ҳам ҳар қандай
номаъқулчиликларни эртами-кечми жазосиз
қолдирмайди. Йўқса одам боласи ҳар доим ҳам уларга
бас кела омайди. Энг ёмони шу.

Тўғри, ҳом сут эмган бандалигимиз рост, воз устига
ҳаёт тарозисининг посангилари барча учун бир хил
нуктала муаллақ эмас. Мувоzanат дегани чатоқ. Балки
у бўлмагандир ҳам. Узоқ ўтмишдан инсон зоти ҳаёт
сахнасила ўзига топширилган ролни удлалаб-
уддаламай шу чоккача бу қадимий саволга жавоб
ахтарали. Не талотўпларни бошидан ўтказали, не
кўчаларга кирмайди. Бу хилкатнинг ичида мен ҳам
борман. Нурли дунёда қумолга-ла озор бериш гуноҳ,
ниҳолни синдириш-ла увол. Шулар уйлатади кишини.
Гоҳила дўсту ёронлар билан бўлиб-ла ўзни ёлғиз
сезаман. Афсус-армонларга, тафтли умилларга
йўғрилган ёлғизлик.

Альбер Камю деган файласуф «Ёлғизлик ҳар
нарсага ўз баҳосини берали», деб ёзган. Шундай
кезларда дил малҳам истайди. Балки ута сиполигим
мени шу кўйга солгандир. Хуллас, гунчалек сиқилган
кўнглим тароватли уйларга ботиб қомаги сарв
ниҳолидай тик, чехраси булоқ сувида чайилган тўлин
ойдай тоза, шу табиий гузаллиги билан бир вақтлар

мени мафтун этган кизни, уша чакнок кўзлари
ақик лаблар, опшоқ буйинни, соғинч ила эслаб,
улардаги гузаллик назокати уйғунлигидан масрур
бўламан. Тўғри, оранан йиллар тўзони ўтди, бироқ
муҳаббат гулшани хиссиётлар беғона бўлмаган
ҳар юракни ўзига ошно этавераркан. Дунёнинг
кўхна эртаги бўлмиш муҳаббат китобини шу
қалар яхши кўрар эдимки ўшанда. Эҳ-хе, у
қулларнинг файзи-таровати энди топилаётми?

Биламан, мен қаби девоналар кўпчилигини
биламан. Бу билан дардим, руҳиятим
енгиллашармиди? Аксинча, ҳаёт қаби абадий
савол бу. Ораликда анча йиллар тўфони ўтган эса-
да, дилдаги армонли хислардан ҳамон ҳолим
паршон. Шоллигим, оромим-муҳаббатимдан бўлак
барча-барчаси хижроннинг оёқлари остида чанг
босган эски поёндоздай тўшалиб ётибди. Лекин
шундай бўлса-ла, муҳаббатимга гард қўнмаганини
не билан ишонтирай?! Умуман, бунинг ҳожати
бормикан? Айтишларича, инсон ёши утиши билан
ишққа сира қоникмасмиш, эҳтимол ростдир?!
Борлиқ бошқача бўлганила, муҳаббатли кўзларла,
нигоҳларда шу қалар сеҳр, жовиба бўлармиди?!

Уэр. Анақ чалғидим чоғи. Муҳаббат қудрати
нелар қилмагай?! Ахир унинг қаршисида шоҳу
ғало тенглайи бежиз эмас-ку.

Менимча, инсонни тушунишнинг ўзи қийин
машғулот. У шундай кучга эгаки, бир зумла
эзгулик қилиши, айни дамда қабихликдан,
жиноятдан тап тортмаслиги мумкин. Ана шунда
атрофингилар сени ишончсизлик сари
етақлайди, душманингда айлангандек туюлади
назарингда. Асабийлашиш билан бирга инсонга
хос фазилатларни йўқотиб бораверасан. Агар
инсондаги баркамоллик унинг табиатига хос
бўлганила, хайрли ишлар йўлида амалга
оширилганила, эҳтимол ҳаммаси бошқача бўларди.
Аммо инсонни бўлак кўчаларга етақлайдиган ва
шу билан тирикчиликнинг асл қалр-қимматининг
оёқ ости қиладиган қарахликлар ҳам кўп.
Мазкур йўлдан борган киши аввалига дўст-
биродарлари юзига оёқ қўйиши олдий ҳол.

Ўзгага дилозорлик айб иш. Шу уйлар билан
кезинаман. Асаблар қакшайди. Шу кунгача қилган
гуноҳларим ҳам етар. Эзгулик қаби, тавба-
таъаррунинг ҳам эрта-кечи йўқ-ку?! Мен воёга
етар чоғим дунёи-дунни таниётганимла ота-онам
бир нақлни қайта-қайта айтиб беришарди.
Одамнинг икки елкасида ҳар доим икки фаришта
ўтирармиш. Ўнг томондаги фаришта инсоннинг
умр буйи қилган савобли ишларини, чап томондаги
фаришта эса залолат вотқоғига вотгандаги
гуноҳларини ёзиб борармиш. Дунёла энг ёмон
гуноҳ - одамнинг одамга озор бериши экан. Башар
бино бўлганила худо инсонларни туғилдиган-у,
удмайдиган қилиб яратган экан. Инсон зоти ер

юзиларга барча ишларга бош-қош бўлиб, тинч-тотув яшайди деб уйлаган экан-да. Инсонлар эса ер юзини қоплагач, бир-бирини иғво қилиб, макон, бойлик талашиб ўлдира бошлабди. Олло таолонинг бошқа жонивор ва ўсимликларига ҳам озор етказаверибди. Худо бундай қараб турса, одамлар бутун ер юзига ўт қўядиган. Шундан кейин одамларни маълум ёш ва ризқ-рўз билан яратадиган бўлибди. Алқисса шуки, инсоннинг бошига ўзининг қилмишлари етаркан. Инсон инсонни қадрламамас экан, фароғат осмони осуда бўлиши амримаҳола. Дунё барбод бўлиши тайин. Тун келиб кун ўтаверар эмиш-у, ҳаётда мазмун-маъни бўлмас эмиш. Ачинарли томони шунда.

Бу гапларни мен тўқитганим йўқ, эскирмайдиган ҳақиқат бўлгани учун такрор ёлга олишни жоиз билдим, ҳолос.

Дунёнинг ишлари шунақа. Яхшилик билан бирга хунук ва жилағар найранглар ҳам бор. Орзуман бу кунлар ҳар биримизни элакдан утказайтганини билмаймиз. Баъзида фаҳмимиз эса-да, билишни истамаймиз. Юз парламиз қасамхўр қасларникидек қалинлашганини сезиб-сезмаймиз. Ҳаёт ажаб томоша экан. Кимдир ҳаётингга ранж ўтида қайчи солса, бошқа биров ачиниб билан маъноли бош сидқийди. Залолат сари мункисанг, алақим тиклаб қўяди, сенинг ҳам кимгадир жонинг қўяди. Бари занжирдек боғланган. Бусиз илож йўқ. Тирикликнинг ҳикмати шу бўлса керак.

Ҳамма шундай ўйлармикан?! Бир ҳолатни яхши биламанки, мобола инсон орсизлик сиртмоғидан орини, лиёнатини холи этса, тутқун онгини маъшум ва бешафқат жаҳолат исқанжасилан озод этиш учун гурури бу ботқоқлик ичида адал юриб ўз руҳини покликка олиб чиқали. Азбаройи шу тарика у босган қаламига, лафзига, хешу акраболарига, юртига минбаъд солиқ бўлади. Нафс балоси, қандай қилиб бўлмасин мол-мулкка тузук қўйиб қасаллиги тубанлик кўчаларига тортмай қўяди. Афсус, гоҳида бир ёмондан баланд бўла олмаймиз. Йўқ, бу толеданмас. Толе - нима ўзи у? Афтодаҳола бўламан. Дилни ажаб сирли армонлар ўртайди. Уни зафт этувчи хиёнатнинг жоду тўрлари ҳар томондан беомон чирмаб қора максадларини амалга оширмоқчи бўладилар, ёмонликнинг ёлғони билан чин дўстга айланадилар. Қисмати азалнинг манглайга ёзгани шу бўлса начора, дейсан. Бундай осийлик ҳар кимнинг қўлидан келавермайди-да. Қалбимда важоҳат ўти қамондай таранг тортилди. Лекин барибир таваккал исён кўтармайман. Жонимга, амали-руҳиятимга чуқурроқ буров соламан. Ичимдаги хоин бўлагимни маҳв этишим, аямаслигим, йўқ қилишим даркор. Ҳа, буни ўзимдан бошлашим керак. Йўқса қўқсимдаги соғинчли дардларни тонглай тоза ва равон замонларга етказиш оғир кечали. Дунёнинг нақадар чалқаш уйинлари бора-Эгри йўлнинг-да ўз йўловчиси топилди. Бу кўчала гурбат ва надоматларнинг эшик-деразалари доимо очик. Ботқоқ ернинг кенглиги бақага яхши,

этиколасиз, пажмурда жон кимса бундан асло хавотирланмайди. Қирқ киши бир ён бўлганда ҳам кингир киши бир ён бўлади. Гофиллар учун эса бунинг фарқи йўқ.

Вужудим увишганлек бўлади. Англайманки, ҳаёт удуғвор уммон, унда бировларнинг ва айниқса ўз гуноҳу айбинг билан залолатга ботиб чўкиб кетиш даҳшат. Ахир сен шунинг учун дунёга келганмидинг? Вақти келиб дунёнинг хиёбону ботқоқларида сени ким ақалли бир марта хотирга олади? Сен хиёнат қилган дўстларингми, юртингми? Ҳақиқат қонулари ана шунақа бешафқат. Шу қонулардагина ҳаёт ўзининг асл киёфасини танийди. Ҳамма гап унинг елкалари оғир юкни ортис боришга чидаб беришида. Булмаса гафлат уйқусилаги руҳингнинг уйғониши қийин кечали. Умуман, уйғонармикан у? Уйғонади. Ишонаман, уйғонади. Бунинг учун авваламбор сенда ишонч кўприклари мустаҳкамланиши, этиколасизликнинг бакувват бўлиши жоиз. Ана ушанда тақдиринг шу чоккача қовжираган қамишлек қуриб ётганини сезасан. Сохта сумбат бўлиб бораётганингни вақтида англаб етганлек бўласан. Боқийликдан-да илинж туйиб, қабоҳат қангалзорларидеги леварни ағдармоқ бўласан. Ҳатто юртинг виқорини ҳам англай бошлайсан. Унинг соқин ва осуда осмони сени ишонч кўприклари сари далил етаклайди. Мен эса қисматнинг вақт-бевақт эстан шамолларига йиқилмас, собит этиколасизликни қуриб эски, чиркин кечинмалар жароҳати сен учун беғона бўлишини истаيمان.

Ҳойнахой сенинг назарингда, мен буз боламан. Нима ҳам дерлим, фақат ўтинчим борки, сўзларимни ҳавоийликка йўймасан, гапларим эриш туюлмас. Шундай бўлганда ҳам одамдаги жамики тилсимотлар ердан бошланали ва ерда ўз интихосини топади. Ерда... Юрак ҳам, агарда у юрак бўлса лочинлек баланларвоз, офтобни тўсаётган булутларни зафт этувчи бўлиши керак. Бу унинг тириклигидан, ҳаётга қанқоқлигидан, келажакка умилворлигидан далолат эмасми?! Бўлмаса чувалчанглек судралиши на ҳожат?!

Ҳаёт оташини билмаган одам иллизсиз дарахтга ўхшайди. Залолат кўчасига кирганинг қаровсиз қолган тап-тақир ерида иллизсиз дарахт қўқарармиди? Иллизла гап қўп. Усиз ривож бўлмайди. Қарғиш ҳеч қачон бахт келтирмайди-ку! Мунофиқлик ва залолат ботқоқига ботиб, балбин ис ичида юрганлар менинг юрагим пойида ётган хас мисол. Истагим, эзгулик боғи сўлимлигини тарқ этмаса. Ҳар балога - бир даво. Қазовларнинг кемаси қумлоққа ботиши ёки тақдир тошларига урилиб, тўнтарилиши мумкин. Фалақнинг гардиши улар томон тесқари айланали ушанда.

Ҳа, табиат барчага бир текисла бахт бермайди. Ҳаёт зарғаларига чидай олган, сабр билан уларни енгган кишигина бахтини қадрлайди. Мухими, ворар манзили, танлаган йўли аниқ, шунинг ўзига ҳам қувонса арзийди.

МУҚОВАМИЗДА

Рассом Баҳодир Асоевнинг номи кўпчиликка таниш. У киши мўйқаламига мансуб кўпгина рангтаасвир ижод намуналари матбуотда эълон қилинган, кўркам бинолар деворини безаган, муносиб эътибор топган.

Баҳодир Асоев асосан портрет жанрида муваффақиятли ижод қилади. Бу жиҳатдан у Чингиз Аҳмаров ва Акмал Иқромжоновларга муносиб шоғирд ҳисобланади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Б. Асоев илҳоми аجدодлари қони орқали жўш уради, яъни ота томонидан бобоси Амир Олимхон замонининг машҳур сангтароши бўлган. Онаси томонидан Саидахмад бобоси ноёб ҳуснихат эгаси бўлган - хаттотлик қилган.

Биз журналимиз саҳифаларида (муқовамизнинг 4-бетида) истеъдодли мусаввирнинг бир қатор ижод намуналарини эътиборингизга ҳавола этарканмиз, заҳматли меҳнатига барақалар тилаб қоламиз.

«ЁШЛИК» обунага чорлайди!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда республика ёшларининг «Камолот» жамгармаси муассислигидаги севимли «Ёшлик» журналингиз учун 1998 йилга обуна давом этмоқда.

Ўтаётган 1997 йил таҳририят учун самарали кечди - зеро, биз муштарийларимиз ҳамда нашримизни дўконлардан олувчи харидорларимизга берган ваъдаларимизни адо этиб, режалаштирган барча асарларни чоп этдик. Ўтаётган йилдан ризолик ҳисси эса бизга келгуси йил учун ҳам асосли мўлжаллар қилиш имкониятини бермоқда.

1998 йилда таҳририятимиз фаолият йўналишини огишмай давом эттирмоқ ниятида. Хусусан, биз ўз анъаналаримизга содиқ ҳолда, юртимизнинг олис-яқин ҳудудларида истиқомат қилаётган янги истеъдод учқунларини кашф этишни канда қилмаймиз; Сизни ўзбек ва жаҳон адабиётида воқеа бўлган энг яхши асарлар билан таништиришда давом этамиз; бугунги ёшларимиз ҳаёти, бозор муаммолари, ҳуқуқий маданият мавзуларида туркум мақолалар чоп этамиз; бебаҳо меросимиз, боқий қадриятларимиз тўғрисида қизиқарли мақолалар эълон қиламиз; эл меҳрига сазовар бўлаётган санъаткорлар ҳақида суратли чиқишлар ҳам журнал саҳифаларидан ўрин олади.

Шу бугуннинг ўзидаёқ келгуси йилга мўлжалланган асарлар таҳририятимиз папкаларида чоп этилишга тайёр ҳолда турибди. Мана, улардан баъзилари билан танишинг:

- + Абдулла ОРИПОВ. Пайгамбаримиз ҳаётидан. Достон
- + Муҳаммад ЮСУФ. Чўлпон ҳақида достон.
- + Тогай МУРОД. Бу дунёда ўлиб бўлмайди. Роман.
- + Шукур ХОЛМИРЗАЕВ. Динозавр. Иккинчи роман.
- + Одил ЁҚУБОВ. Болалик кечмишим. Хотира-қисса.
- + Фаффор ХОТАМ. Чинорга айланган одам. Туркум ҳикоялар.

- + Шодиқул ХАМРОЕВ. Салтанат бешиги. Қисса.
- + Икром ОТАМУРОД. Истарим. Достон.

Шунингдек, журналимиз қиёфасини белгилашга хизмат қилаётган «Кўнгил дафтари», «Ҳозирги ёшлар», «Калб манзаралари», «Ижтимоий онг. Дунёқараиш. Ёшлар», «Муҳаббатнома», «Мувозанат» рукнларида ҳам бир қатор қизиқарли мақолалар эълон қилишни кўнгилга тугиб қўйганмиз.

Умуман олганда, келгуси йил учун тузиб қўйган режаларимиз бир олам. Айниқса сўнгги икки-уч йил ичида мухлисларимиз сони сезиларли даражада ортиб бораётгани бизни янада масъулият билан меҳнат қилишга ундамоқда.

Таассуфки, қозғош танқислиги ҳамда етказиб бериш харажатлари ошгани боис журналимиз айниқса вилоятларга жуда кам миқдорда сотувга чиқарилади. Шунинг учун, муҳтарам мухлисларимиз, агар доғда қолмай десангиз, «Ёшлик» журнаliga ўз вақтида обуна бўлиб қўйганингиз мақбул.

Обуна нархи қиммат эмас:

Бир сонига - 100 сўм. Бир йилга - 600 сўм (етказиб бериш харажатлари турли вилоятлар учун турлича).

Шошинг! Обуна тугашига саноқли кунлар қолди!

Бизнинг индекс 822.

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ
ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!

МУНДАРИЖА

Муассислар:
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси ёшларининг
"Камолот" жамғармаси

Бош муҳаррир:
Собир УНАР

Бош муҳаррир муовини:
Абдуқаюм ЙУЛДОШЕВ

Масъул котиб:
Турсун Бой МУҲАММАД

Таҳрир хайъати:
Ҳотам АБДУРАИМОВ
Одил ЁҚУБОВ
Абдул Ғани ЖУМА
Абдусайд КҮЧИМОВ
Акбарали МАМАСОЛИЕВ
Тўхтамурод РУСТАМ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Йўлдош ЭШБЕК
Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ
Ғоффор ҲОТАМОВ
Шодикул ҲАМРОЕВ

Жамоатчилик кенгаши раиси:
Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:
Ҳамроқул АСҚАР
Ўрол АБИЛОВ
Жамол КАМОЛ
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ
Низомиддин МАҲМУДОВ
Тўра МИРЗО
Камол НОРҚОБИЛОВ
Миркамол ОДИЛОВ
Нурмат ОТАБЕКОВ
Аҳмад ОТАБОЕВ
Йўлдош СУЛАЙМОН
Аҳмад УСМОНОВ
ШУКРУЛЛО

Ёшларнинг адабий-ижтимоий жўрнали
1982 йилдан чиқа бошлаган

Ушбу сон "Ёшлик" жўрнали таҳририятининг
компьютер марказида саҳифаланди.

Саҳифаловчи:
Саодат ТУЛАГАНОВА

© "Ёшлик" № 5 (158) 1997 й.
Муқоламизда: 1-бет. Тўртинчи халқаро "Президент
кубоғи" мусобақалари ҳамда "Шарқ
гароналари" мусиқа фестивалидан лавҳалар.
2-3-бетлар. Зоминда бўлиб ўтган ёш
ижодкорларнинг республика семинар кенгаши
иштирокчилари.
4-бет. Мусаввир Баҳодир АСОЕВ
ижодидан намуналар.

(А.Жумаев фотолари)

ИЖТИМОЙ ОНГ. ДУНЁКАРАШ. ЁШЛАР
Хуррам ҲАЙДАРОВ. Ҳуқуқий маданият нима? 3

ЯНГИ НОМЛАР
Нодир ЖОНУЗОҚ. Ҳаволардан шўх кулгулар
келар исми... 4
Фахринддин ТҮЙЧИЕВ. Туш 5
Гулчеҳра МУРОДОВА. Банди 5
Наргиз ЁҚУБЖОН қизи. Баҳор 5
Бобур БОМУРОД. Дунё 5
Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ. Ҳаловат қаъридаги оҳанг.
Ҳикоялар 6

НАСР
Кўчкор НОРҚОБИЛ. Қоронғу уй. Қисса 15
Алп ЖАМОЛ. "Адабиёт яшаса миллат яшар" 57
Мирзаумар ХАЛИЛОВ. Осмон ердан бошланади.
Ҳикоя 59

НАЗМ
Вафо ФАЙЗУЛЛО. Рухим, гуллар эккин, яшил
саробда 10
Ғайрат МАЖИД. Кўзимда изғиган изларинг қайда 14
Оймома ОБИДОВА. Тоза насим кўксимни ёрди 34
Шавқиддин БАХРИ. Киприк хиди тўлган кеча 39

КАЛЬ МАНЗАРАЛАРИ
Салима УМАРОВА. Энди-садоқатнинг манзили
қайда? 12

ҲОЗИРГИ ЁШЛАР
Ботир НОРБОЙ. "Элга тутқазган гулим..." Очерк 36

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ХАЗИНАСИДАН
Жеймс ЖОЙС. Жақомо Жойс 42

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ
Зокир ХУДОЙШУКУРОВ. "Машраби ринди
Умам..." 40

БОҚИЙ КАДРИЯТЛАР
Олим ТОШБОЕВ. Шарқ ва Ғарб ақлидаги орзу 54

ХОТИРА
Алп ЖАМОЛ. "Адабиёт яшаса, миллат яшар" 57

Манзилимиз: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру, 1-уй
Телефон: 33-40-83.

Босишга 15.09.1997 йилда рухсат берилди. Қоғоз форма-
ти 60x84 1/8. Шартли босма тобоғи 12,2. Нашриёт ҳисоб
тобоғи 12,0 Буюртма № 1665

Жўрналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди
деб изоҳланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" нашриёт-матбаа
концернининг босмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон
кўчаси, 41-уй.